


581.4

С 96



А.С.СУЛАЙМОНОВ  
К.Г. ТРЕТЬЯКОВ

ҰСИМПИКЛАР  
ФИЗИОЛОГИЯСИДАН  
АМАЛИЙ  
МАШФУЛОТЛАР

## ХУЖАЙРА ПРОТОПЛАСТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-машғулот. Плазмолиз ва деплазмолиз ҳодисалари.  
**Плазмолизнинг шакллари**

Асбоб ва реактивлар: микроскоп, буюм ойнаси, қоплағыч ойна, қизил пиёз, устара, шиша таёқча, препаровал нина, фильтр қофози, сувли стакан ва  $\text{KNO}_3$ ,  $\text{NaCl}$  ёки сахарозанинг 1,0 н. (нормал) эритмаси.


Табиий шароитда тирик ҳужайралар, түқималар, органдар ва бутун туп ўсимликлар ташқи ҳужайра ширасига нисбатан суюқ (гипотоник) эритмадан сувни шимиб олади. Ташқи эритма концентрацияси оширилиши билан ҳужайраларга сув кириши секинлашади. Ташқи эритма билан ҳужайра ширасининг концентрацияси тенглашганда (изотоник эритмада) ҳужайрага сув кириши бутунлай түхтаб қолади. Агар ташқи эритма концентрацияси ҳужайра ширасидан жуда ортиб кетса (гипертоник эритмада) сув ҳужайра ичидан ташқи эритмага чиқиб кетади. Бунинг натижасида сувини йўқота бошлаган ҳужайра шираси протоплазма билан ҳужайра пўстидан ажралади. Бу ҳодиса плазмолиз ҳодисаси дейилади. Сувини йўқота бошлаган ҳужайра эса плазмолизланган ҳужайра дейилади.

Ҳужайра шираси сувсизланганда олдин протоплазма ҳужайра пўстининг бурчакларидан узила бошлайди (бошланғич плазмолиз), сўнгра ҳужайра пўстининг бир нечта жойидан узилади (ботиқ плазмолиз) ва бир қанча вақтдан кейин протоплазма ҳужайра пўстининг ҳамма томонидан узилиб, марказга йиғилиб қолади (қавариқ плазмолиз ҳодисаси рўй беради). Агар шундай плазмолиз ҳолатидаги ҳужайрани бир томчи сувга солинса, озгира вақт ичida ҳужайра ширасига сув қайта кириб, ҳужайра дастлабки ҳолатига қайтади. Бу ҳодиса **деплазмолиз** дейилади. Протоплазмадан бутунлай ўта олмайдиган ёки қисман ўтадиган заҳарли бўлмаган ҳар хил моддалар

эритмасида плазмолиз ҳодисаси содир бўлиши мумкин. Заҳарли моддаларда (масалан, калий роданидда—KCNS) эса плазмолиз ҳодисаси рўй бермайди.

*Ишнинг бориши.* Тоза буюм ойнасига бир томчи сув томизилади, сўнгра устара ёрдамида қизил (антоциан) ранги пиёзниң ташқи эпидермисидан юпқа парра кесиб олинади ва препаровал нина ёрдамида буюм ойнасидағи сув томчисига жойланади, усти қоплағич ойна билан ёпилади. Тайёрланган препарат микроскоп остида кичик (8 x ли) объектив билан текширилади. Препаратдаги ҳужайралар бир текис қизил рангга бўялиб ҳужайра шираси сув билан тўлган, таранг ҳолатда кўринади. Бу ҳужайранинг **тургор** ҳолати дейилади.

Микроскопда кузатишни давом эттириб, қоплағич ойнанинг бир чеккасига 1,0 н  $\text{KNO}_3$  ёки  $\text{NaCl}$ , ёки сахароза эритмасидан бир-икки томчи томизилади. Препаратдаги сув эса қоплағич ойнанинг иккинчи томонидан фильтр қофозига шимдириб олинади. Бу вақтда протоплазма ҳужайра пўстидан ажralиб, ўртага тўплана бошлайди ва плазмолиз ҳодисаси рўй беради. Бунда протоплазма бирданига ҳужайра марказига йиғилиб қолмай, балки аввал ҳужайра пўстининг бурчакларидан кўча бошлайди (бошланғич плазмолиз, 1-расм, а). Кейин ҳужайра пўс-



1-расм. Плазмолизнинг шакллари:

а — бошланғич плазмолиз; б — ботиқ плазмолиз; в — қавариқ плазмолиз.

тининг бир қанча жойидан күчади (ботиқ плазмолиз, 1-расм, б), сўнгра эса протоплазма ҳужайра пўстининг ҳамма томонидан узилиб, ҳужайра марказига йифилади (қавариқ плазмолиз, 1-расм, в). Ундан кейин препарат қоплағич ойнасининг бир томонига 1—2 томчи сув томизилиб, иккинчи томонидан дастлаб томизилган 1,0 н.  $\text{KNO}_3$  ёки  $\text{NaCl}$  ёки сахароза эритмаси фильтр қозозига шимдириб олинади.


Ҳужайрага сув қайта шимилиши натижасида плазмолиз ҳолатидаги ҳужайралар дастлабки — тургор ҳолатига қайтади. Бу ҳодиса деплазмолиз дейилади. Ҳамма кўришишдаги ҳужайраларнинг расмини чизинг. Бу иш билан бир вақтда заҳарли моддалардан калий рўданиднинг ҳужайрага таъсирини ўрганиш учун KCNS билан ишлаб кўрилса, яхшироқ бўлади.

## 2-машғулот. Ажратиб олинган тонопластнинг антоциан рангни ўтказмаслик хусусияти

Асбоб ва реактивлар: қизил пиёз, 1,0 н. калий нитрат ( $\text{KNO}_3$ ) эритмаси, соат ойнаси ёки тигелча, қоплағич ойна, буюм ойнаси, микроскоп, устара.

Сувда эриган моддаларнинг ҳужайрага кириш ёки ундан чиқиш хусусиятлари ҳар хил бўлади. Бунга асосий сабаб протопластнинг тузилиши ва ундаги чегара қаватларнинг (пардаларнинг) бўлишидир. Протоплазманинг ўртадаги қалин қавати, асосан, оқсиллардан иборат. Бу мураккаб тузилган мезоплазма қаватидир. Мезоплазма ички ва ташқи томондан, асосан, липоид (ёғсимон) моддадан тузилган юпқа пардалар билан қопланган. Протоплазманинг ташқи — плазмолемма ҳамда ички — тонопласт қаватлари сув юқмайдиган ва сувга қўшилмайдиган хусусияти билан ўртадаги мезоплазма қаватидан фарқ қиласи. Шунинг учун плазмолемма қавати сувда эриган моддаларни мезоплазмага, тонопласт қавати эса мезоплазмадан моддаларнинг вакуолага ўтишини ёки, аксинча, вакуола ичидан мезоплазмага чиқишни бошқариб туриш хусусиятига эга. Протоплазманинг бу хусусиятини кўриш учун рангли ҳужайра шираси билан тўлган тонопласт ажратиб олинса яхшироқ бўлади.

*Ишнинг бориши.* Қизил (антоциан) рангли пиёзнинг частки эпидермисидан устара билан 2—3 та юпқа парра олиб, уни 1,0.  $\text{KNO}_3$  эритмасига 1 соат солиб қўйилади.



2- расм. Тонопласт ҳужайра ширасининг антиоциан рангни ташқи эритмага чиқармаслик хусусиятининг кўриниши.

тонопласт сирғалиб, қизил шар шаклида ташқи эритмага чиқади (2-расм). Бунда тонопластнинг ҳужайра ширасидаги қизил антиоциан рангни ўзидан ташқи эритмага ўтказмаслик хусусияти кўринади.

### 3-машғулот. Тирик ва ўлик протоплазманинг антиоциан рангни ўтказувчанлиги

Асбоб ва реактивлар: қизиллавлаги, скальпель, намуна олинадиган парма, пробкали пробирка, спирт лампаси, сирка кислотанинг кучли эритмаси, эфир, сув.

Протоплазманинг четки плазмолемма ва тонопласт қаватлари заарланмаган тирик ҳужайрадаги ҳужайра ширасида бўлган антиоциан рангни ташқарига чиқармайди. Агар ҳужайра нобуд бўлса, протоплазма бу қаватларининг ўтказувчанлик хусусияти бузилади ва ҳужайра

Сўнгра битта бўлакчаси буюм ойнасига қўйилиб микроскопда ҳужайраларнинг жойланиши кузатилади ва шу эпидермис бўлакчасида ги ҳужайралар устара билан кўндалангига кесилади. Унга бир томчи 1,0 н.  $\text{KNO}_3$  эритмасидан томизиб, қоплағич ойна билан ёпилади. Бунда қавариқ плазмолиз ҳолатидаги ҳужайраларнинг айримлари кесилиб, ичи қизил рангли ҳужайра шираси билан тўлганлари тонопласт билан бутун қолади. Микроскопда кузатиб, шундай кесилган ҳужайраларни топиб, қоплагич ойна устидан бир оз босилса, тоно-

ширасидаги антоциан ранг осонлик билан ҳужайрадан ташқи эритмага чиқиб, уни бўяди.

*Ишнинг бориши.* Қизил лавлагидан 1 см қалинликда парра кесиб олинади. Намуна олинадиган парма билан шу лавлаги кесмасидан бир нечта бўлакча олиб (лавлагидан 1 см ли кубикчалар кесиб олса ҳам бўлади), улар водопровод суви ёки оқар сувда сув тиниқ бўлгунча яхшилаб ювилади. Шу тариқа тайёрланган лавлаги бўлакчасидан бир ёки иккитаси олиниб, пробиркага 5 мл дан қўйиб қўйилган қўйидаги 4 хил суюқликка: 1- пробиркадаги совуқ сувга, 2- пробиркадаги тоза сувга олдин сувда қайнатилган бўлакча, 3- пробиркадаги сирка кислота эритмасига ( $\text{CH}_3\text{COOH}$ ) ва 4- пробиркадаги 10 томчи эфир қўшилган сувга солинади. Ҳамма пробиркалар пробка билан беркитилиб, 30—40 минут сақланади. Сўнгра улар яхшилаб чайқатилиб, натижа 1- жадвалга ёзилади:

#### 1- жадвал

Пробирка номери	Тажриба шарти	Ташқи эритманинг бўялиши
1	Совуқ сув	
2	Сувда қайнатилган бўлакчани совуқ сувга солинади	
3	$\text{CH}_3\text{COOH}$ (сирка кислота)	
4	Сув+эфир	


**4- машғулот. Бўяш усули билан ҳужайраларнинг ҳолати (тирик ёки ўликлиги) ни аниқлаш**

Асбоб ва реактивлар: картошка тугунаги, скальпель, устара, нина, буюм ва қоплагич ойналар, шиша таёқча, микроскоп, нейтралрот ранги (0,005%—0,02%), тарелкача ёки соат ойнаси, эфир эритмаси ҳамда сув.

Ўсимлик ёки уларнинг айрим органлари (куртак, мева, новда, барг, илдиз ва бошқалар)нинг зарарланганлик даражасини тез аниқлашда бу усулдан фойдаланиш мумкин.

Ўсимлик ҳужайраси бирорта ҳаёт билдирувчи ранг (нейтралрот ёки бошқа) лар билан бўялиб уни микроскопда кўрилса, ўлик ҳужайлардаги протоплазма ва ядро бир текисда бўялганини кузатиш мумкин.

Агар ҳужайра тирик бўлса, протоплазма олдин бир текис бўялиб, бир неча минутдан сўнг ранглар



3- расм. Нейтралрот бўёғи билан бўялган ўлик ҳужайралар (А — бир текисда бўялган) ва тирик ҳужайралар (Б — гранулалар).

ларни вақтинча заарланганидан ҳамда уларнинг тириклигидан дарак беради (3- расм).

*Ишнинг бориши.* Кartoшка тугунагидаги нормал ўсаётган кўзчадан (куртакчадан) узунасига юпқа кесиб олиб буюм ойнасидаги нейтралрот бўёққа туширилади. (Нейтралрот бўёғининг 0,005—0,02 % ли концентрацияси тайёрланади. Бўёқни яхши эриши учун уни аста-секин 30—40°C гача қиздирилади. Тажриба ўтказилаётган хонанинг ҳарорати 10—12° С бўлиши керак.) Бўёқ ичида картошка куртагининг бир бўлагини микроскопнинг кичик объективида қоплағич ойна ёпмасдан кўрилади. Бунда протоплазмани олдин бир текис кучсиз бўялганини кўрамиз, сўнгра орадан 1—5 минут вақт ўтгач, рангни протоплазма ичida дона-дона бўлиб йифилиб қолганини кузатиш мумкин. Агар картошка куртагини олдин эфирга солиб ёки иссиқ, совуқ температура таъсирида бутунлай заарлантириб сўнгра худди юқорида кўрсатилганидек, препарат тайёрлаб микроскоп остида кўрилса, протоплазма ва ядрони бир текис бўялганини кузатиш мумкин. Бундай протоплазма ҳужайраларида ҳар қанча вақт ўтса ҳам ранглар дона (гранула) лар шаклига келмайди, чунки ҳужайралар бутунлай заарланган (ўлган) бўлади.

дона (гранула) лар шаклида йифилиб қолади.

Борди-ю, ўсимлик ёки унинг айрим органдари бирорта ноқулай ташқи шароит (кислород етишмаслиги, юқори ёки паст температура) таъсирида вақтинча заарланган бўлса, ҳужайралар бир текисда бўялади.

Агарда бундай ҳужайраларга нормал-қулай шароит яратилса, уларнинг протоплазмаси рангизланиб ранглар яна доналар шаклида йифилиб қолади.

Бундай ҳолат ҳужайраларни

## 5- машғулот. Протоплазманинг ёпишқоқлиги ҳужайранинг ўшига боғлиқ эканлигини аниқлаш

Асбоб вареактивлар: элодея ўсимлигининг шохчаси 0,8 н. глюкоза эритмаси (1 л да 144 г), микроскоп, пинцет, препаратовал нина, буюм ойнаси, қоплағич ойна.

Ҳужайрани гипертоник эритмага солғандан то қавариқ плазмолиз даражасигача келгунга қадар ўтган муддат плазмолиз вақти дейилади. Бу вақт ёш — ўсуви үсишдан тұхтаган — қары ҳужайраларда протоплазманинг ёпишқоқлик даражасига қараб ҳар хил бўлади. Тажриба учун элодея ўсимлигининг тўртта ўсиш қисмидан иборат ёш барги олинади. Бундай баргнинг асосида (барг бандига яқин жойда) оч рангдаги бўлинаётган ҳужайраларни, юқорида ҳужайранинг чўзилиш фазасини, унинг юқорисида эса дифференциацияланиш фазасидаги ҳужайраларни кўриш мумкин. Баргнинг юқорисида ўсишдан тұхтаган тўқ яшил рангдаги ҳужайралар бор. Бу машгулотда ҳар хил ёшдаги ҳужайраларда протоплазма ёпишқоқлигининг турлича бўлишини аниқлаш керак.

*Ишнинг бориши.* Элодея ўсимлигининг юқори шохидан З та ёш барг олинади (баргларнинг юзи тўқ яшил, орқа томони эса оч яшил рангда бўлади). Бу барглар эпидермиси буюм ойнасидаги 0,8 н. глюкоза эритмасига солинади ва қоплағич ойна билан ёпиб, микроскопда плазмолиз бошланиш вақти аниқланади. Баргнинг турли қисмida плазмолиз вақти аниқланаб, тажриба натижаси 2- жадвалга ёзилади.

### 2- жадвал

Б а р г қ и с м и	Плазмолиз вақти (минут)			
	1-барг	2-барг	3-барг	3 марта олинган маълумотнинг ўртачаси
Ҳужайраларнинг бўлиниш қисми				
Ҳужайраларнинг чўзилиш қисми				
Ҳужайраларнинг дифференциацияланиш қисми				
Ҳужайраларнинг ўсишдан тұхтаган қисми				

Олинган натижаларни изоҳловчи якун ясалади.


## 6-машғулот. Протоплазманинг Қ ва Са ионлари учун ўтказувчанлиги (қалпоқли плазмолиз)

Асбоб ва реактивлаар: қизил пиёз 1,0 н.  $\text{KNO}_3$  ва  $\text{Ca NO}_3$  эритмаси, микроскоп, буюм ойнаси ва қоплагич ойна, устара ёки скальпель, препаровал нина, кичик шиша банка ёки соат ойнаси.

Протоплазма ва унинг қаватлари турли моддаларнинг ионини ўзидан бир хил ўтказмайди. Протоплазманинг бундай хусусиятини қалпоқли плазмолиз мисолида аниқ кўриш мүмкин.

*Ишнинг бориши.* Қизил рангли пиёзниң пастки эпидермисидан устара ёки скальпель ёрдамида бўлакчалар олиб, шиша банкадаги 1,0 н.  $\text{KNO}_3$  эритмасига солиб 30—60 минут сақланади. Эритма буғланиб кетиб, концентрацияси ўзгариб қолмаслиги учун шиша банкачанинг қопқоғи ёпиб қўйилади.

30—60 минут вақт ўтгандан кейин банкадаги эритмадан пиёз эпидермиси бўлакчалиридан биттасини олиб препарат тайёрлаб (буюм ойнаси устига банкадаги  $\text{KNO}_3$  эритмасидан бир томчи томизиб, ичига эритмадан олинган пиёз эпидермисини тушириб, усти қоплагич ойна билан ёпилади), микроскопда қавариқ плазмолиз ҳолати кузатилади. Агар шу қавариқ плазмолиз ҳолатдаги ҳужайраларни микроскопнинг 40-номерли объективида кўрилса, қалпоқли плазмолизни аниқлаш мумкин. (4-расм). Протоплазманинг мезопласт ва плазмолемма қаватлари Қ ионини ўзидан яхши ўтказиб, ички тоно-



4-расм. Протоплазмага калий иони таъсир эттирилганда қалпоқли плазмолизнинг ҳосил бўлиши.

пласти қавати эса ёмон ўтказганлиги учун Қ иони ўртада йигилиб, қалпоқли плазмолизни ҳосил қиласи. Шун-

дай тажрибани 1,0 н.  $\text{CaNO}_3$  эритмасида ўтказилса, ҳеч қачон қалпоқли плазмолиз ҳолати сезилмайди. Бунда протоплазма ва ўнинг қаватларининг ўтказувчанлиги  $\text{Ca}$  иони учун бир хил бўлганини кўрамиз.

## ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СУВ РЕЖИМИ

### а. Сувнинг қабул қилиниши

#### 7- машғулот. Гидрофил коллоидларнинг сувда бўртиши (шишиши)

Асбоб ва реактивлар: бензин, нўхат, маккажӯхори дони, агар-агар, дистилланган сув, 100 мл ли мензурка ёки цилиндр, тошли аналитик тарози, Камов насоси, вакуум-эксикатор, аррача (лобзик), эгов, пишган гишт, фильтр қофози ва миллиметрларга бўлинган қофоз.

Ўсимлик ҳужайраларига сув шимилишига сабаб проплазманинг гидрофил коллоид хусусиятидир. Сув шимиб олиши натижасида гидрофил коллоидларнинг ҳажми катталашиб кескин ўзгаради. Бу ҳодиса биологик аҳамияти катта бўлган коллоидларнинг бўртиши номи билан юритилади. Тирик ўсимлик ҳужайралари учун бу хусусият сув шимиб олишдагина эмас, балки уни ўзида сақлаб туришда ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Ишнинг бориши. 30 г нўхат, 30 г маккажӯхори дони билан майдо қилиб кесилган 2 г агар-агар тарозида (0,01 гача аниқликда) тортиб олинади. Оддий капилляр куч ёрдамида сувнинг шимилишига таққослаш учун фиштдан аррача ва эгов ёрдамида кубикча қирқиб олинади. Кубикчанинг ҳажмини аниқлаш учун қирралари ўлчанади ва тарозида тортиб, оғирлиги аниқланади. Шу билан бир вақтда олинган коллоид модданинг ҳам ҳажми аниқланади. Бунинг учун ўлчов цилинтри 50 мл сатҳга қадар суюқлик (масалан, бензин) билан тўлдирилади ва ичига тарозида тортиб олинган текширилувчи обьект солинади, сўнгра цилиндрдаги суюқлик қанча сатҳга кўтарилгани тезда аниқланади. Бунда цилиндрдаги суюқлик ҳажми нинг ошиши текширилувчи обьектнинг ҳажмига тенг бўлади. Кейин суюқлик тўкиб ташланади ва ичидаги уруфлар ҳамда агар-агар фильтр қофози ёрдамида куритилади.

Ҳамма коллоид моддалар ва фиштдан тайёрланган кубикча сувли стаканга солинади ва бир сутка мобайнида уй температурасида сақланади. Шундан кейин улар сувдан олиниб фильтр қофозида қуритилади ва тезда тарозида тортилади. Юқорида кўрсатилган усулда уларнинг ҳажми яна қайтадан аниқланади.

Олинган ҳамма маълумот З-жадвалга ёзилиб, тажриба тугагандан кейин анализ қилинади.

### З- жадвал

Текширилувчи объект	Оғирлиги, г			Ҳажми, см <sup>3</sup>		
	қуруқ ҳолати	сувда тургандан сўнг	фарқи	қуруқ ҳолати	сувда тургандан сўнг	фарқи
Нўхат Маккажӯхори Агар-агар Фишт кубикчаси						

### 8-машғулот. Осмотик босим. Тургор ҳодисаси

Асбоб ва реактивлар: картошка тугунаги, скальпель, ош тузининг тўйинган эритмаси, дистилланган сув, миллиметрларга бўлинган қофоз, чинни косячалар.

Ичи протоплазма билан тўлган ёш ҳужайралар сувни гидрофил коллоидларининг бўртиш процессида шимиб олади. Катта ҳужайраларга эса сув вакуоланинг осмотик хусусияти туфайли киради, чунки вакуоланинг ичи эритма, яъни ҳужайра шираси билан тўлган бўлади. Протоплазма ярим ўтказгич парда вазифасини бажаргани учун унга сувнинг кириши осмос қонунига мувофиқ боради. Ҳужайрага сувнинг шимилиши ҳужайра шираси ҳажмининг ошишига, натижада протоплазма ҳужайра пўстига зич тақалиб туришига сабаб бўлади. Бунда ҳужайра пўсти маълум даражада чўзилади ва ҳужайра ҳамда тўқиманинг ҳажми катталашади. Ҳужайранинг сувга тўйиниб, таранг бўлиб турган ҳолати тургор дейилаади. Бу тажрибани бир хил ҳужайрадан иборат ўсимлик тўқимасида ўтказиш маъқулроқ.

*Ишининг бориши.* Қартошкадан бир хил қалинликда парралар қирқилади. Сўнгра иккита парра бир-бирининг устига қўйилиб, ўрта қисмидан иккита узун бўлакча кесиб олинади. Бу бўлакчаларнинг баландлиги, эни ва бўйи миллиметрларга бўлинган қофоз ёки чизғич билан ўлчанади. Ўлчаш натижалари жадвалга ёзиб қўйилади. Кейин картошка бўлакчаларининг биттаси чинни косачадаги дистилланган сувга, иккинчиси эса ош тузининг тўйинган эритмасига солинади. 1,5—2 соатдан кейин бўлакчаларнинг параметрлари қайта ўлчанади ва олинган сон бошланғич ҳажмдан айириб натижага 4-жадвалга ёзилади. Жадвалдаги натижалар яхшилаб анализ қилиниб, хулоса чиқарилади.

#### 4- жадвал

Тажриба шарти	Бўйи, мм	Эни, мм	Баланд- лиги, мм <sup>2</sup>	Ҳажми, мм <sup>3</sup>	Бошланғич ҳажмидан фарқи
Бошланғич ўлчами					
Сувда турган- дан кейин					
Ош тузи эрит- масида турган- дан кейин	-	-	-	-	-

#### 9-машғулот. Ҳужайра ширасининг осмотик босим кучини плазмолиз усулида аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: ўсаётган ўсимлик барги ёки қизил пиёз, устара, препаратовал нина, буюм ойнаси, қоплағич ойна, микроскоп, тигелча ёки соат ойнаси, фильтр қофози, 1,0 н. ош тузи ( $\text{NaCl}$ ) эритмаси (1 л да 58,5 г) дистилланган сув, пробиркалар билан штатив, нейтрал қизил рангли эритма (1 : 500), шишага ёзадиган қалам, лаборатория термометри.

Ҳужайра ширасининг осмотик босими, ундаги осмотик актив моддалар Вант-Гофф қонунига мувофиқ қўйидаги tenglama билан аниқланади:

$$P = R : T : C : i.$$

Бунда:

$P$  — осмотик босим кучи ( $\text{atm}$ );

$R$  — газлар константаси ( $\ddot{\text{y}}\text{zgarmas son} = 0,0821$ );

$T$  — абсолют температура ( $+273^{\circ}$ ) + хона температураси;

$C$  — изотоник концентрация;

$i$  — изотоцик коэффициент (сахароза учун 1 га, NaCl учун 1,5 га тенг).

Хужайра шираси осмотик босимини аниқлашнинг бир нечта усули бўлиб, булар ичида криоскопик ва плазматик усуллар кенг қўлланилади. Плазматик усул тирик ўсимлик ҳужайраларининг фақат гипертоник эритмаларда плазмолиз бўлиш хусусиятига асосланган. Маълум концентрацияли бир нечта эритма тайёрлаб, уларга ўсимлик тўқимасининг ҳужайраси солинса, плазмолиз бошланган эритмани аниқлаб олиш мумкин. Бу эритманинг концентрацияси ҳужайра ширасининг концентрациясига яқин бўлади, бундай эритмани **изотоник** эритма деб қабул қиласа бўлади. Изотоник эритмани топиб олгандан сўнг юқорида берилган тенгламага мувофиқ ҳужайра ширасининг осмотик босимини осонгина аниқлаш мумкин.

**Ишининг бориши.** Берилган 1,0 н. ош тузи (NaCl) эритмасидан: 1,0; 0,9; 0,8; 0,7; 0,6; 0,5; 0,4; 0,3; 0,2 ва 0,1 н. концентрацияли эритмалар тайёрлаб олинади. Бунинг учун олдин пробиркаларга 1,0 н. NaCl эритмасидан қўйидаги миқдорда 10,9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1 мл дан қўйилади, сўнgra уларнинг ҳаммасига 10 мл га етказиб сув қўшилади. Пробиркалардаги эритмалар яхшилаб чайқатилади. Шунда ҳар хил пробиркада турли концентрацияли эритма ишлаш учун тайёр бўлади. Ишлаш учун объект тариқасида қизил пиёзнинг ташқи эпидермиси қуляйроқ бўлади. Бунинг учун ҳар 5 минут оралигида қизил пиёзнинг ташқи эпидермисидан устара ёрдамида 2 тадан бўлакча кесиб олиб, уларни пробиркалардаги юқорида тайёрланган эритмалар ичига соламиз. Биринчи пробиркадаги бўлакчага 30 минут бўлганидан бошлаб ҳар беш минут оралигида бешқа пробиркалардаги эритмалар ичидан биттадан эпидермис бўлакчасини буюм ойнасига олинади. Унинг устига шу эритмадан бир томчи томизиб, устини қоплагич ойна билан ёпиб, микроскопнинг кичик объективи остида кўрамиз. Бунда текширилаётган препаратда плазмолиз ҳодисаси рўй берганлигини, яъни протоплазма ҳужайра пўстидан ажрала бошлаган пайтини аниқлаб олиш лозим. Масалан, 0,4 н. эритмада

бошлангич плазмолиз бўлса, 0,3 н. эритмада плазмолиз ходисаси рўй бермайди. Изотоник концентрация тахминан шу икки эритманинг (0,4 ва 0,3) оралиқ нуқтасида бўлиши керак. Демак, изотоник эритманинг концентрацияси 0,35 га тенг деб олинади. Шу йўл билан изотоник эритма концентрацияси аниқлангандан кейин юқоридаги формула ( $P = RTCi$ ) ёрдамида пиёз ҳужайра ширасининг осмотик босими топилади. Тажриба натижалари 5-жадвалга ёзилади.

#### 5- жадвал

Пробир-навлар номери	Эритмалар-нинг концен-трацияси	Жами эритма 10 мл		Эпидермис бўлак-чалари		Кузатиш якуни	
		1,0 н <i>NaCl</i> олиш, мл	H <sub>2</sub> O олиш, мл	эритмага солиш вақти	кузатиш вақти	плазмолиз даражаси	ҳужайра-ларининг (кўриниши) расми
1	1,0	10 мл	—				
2	0,9	9 мл	1 мл				
3	0,8	8 "	2 "				
4	0,7	7 "	3 "				
5	0,6	6 "	4 "				
6	0,5	5 "	5 "				
7	0,4	4 "	6 "				
8	0,3	3 "	7 "				
9	0,2	2 "	8 "				
10	0,1	1 "	9 "				

10- машғулот. Барг ҳужайраларининг шимиш кучини аниқлаш (В. С. Шардаков усули).

Асобобе реактивлар: баргли ўсимлик, катта вә кичик пробиркалар билан штатив, 1,0 н. NaCl, KCl ёки сахароза эритмаси, дистилланган сув, баргдан намуна олинадиган парма, резина пластинка ёки катта пробка, қуруқ метилен синкаси, пинцет, бюреткалар, капиллляр найчалар, шишага ёзадиган қалам.

В. С. Шардаков усули ўсимлик ҳужайралари ҳар хил концентрацияли NaCl, KCl ёки сахароза эритмасига туширилганида шу эритманинг концентрациясини ўзgartиришига (орттириш ёки камайтиришига) асосланган. Тажриба вақтида ўсимлик ҳужайраси билан ташқи эритма ўртасида сув алмасиши процесси юз беради. Бунинг

натижасида эритманинг концентрацияси ҳужайранинг шимиш кучига қараб ортади ёки камаяди. Буни ташқи эритманинг бошланғич концентрацияси билан унга ҳужайра солингандан кейинги концентрациясини таққослаб күриш ийли билан аниқланади.

*Ишинг бориши.* Берилган 1,0 н. NaCl, KCl ёки саҳароза эритмасидан штативлардаги катта пробиркаларга ҳар биридан 10 мл ҳажмда 0,1; 0,2; 0,3; 0,4; 0,5; 0,6; 0,7; 0,8; 0,9 н. сув қўшиб суюолтирилган эритмалар тайёрланади (9- машғулотдаги 5- жадвалга қаранг). Сўнгра катта пробиркалардаги 10 мл ли эритмадан 1 мл дан олиб, штативда катта пробиркалар рўпарасида турган кичик пробиркаларга қўйиб чиқилади. Шундан кейин ҳужайранинг сўриш кучи аниқланадиган ўсимликнинг баргидан намуна оладиган парма ёрдамида (барг тагига резина пластинка ёки катта пробка қўйиб) доира шаклида кесмалар тайёрлаб олинади. Бу кесмалар кичик пробиркалардаги эритма ичига 20—30 минут солиб қўйилади. Бу вақтида пробирка 2—3 марта чайқатилиб, обдан аралашибтирилади. Орадан 20—30 минут ўтгач, шу кичик пробиркага метилен синкасининг 1—2 дона кристали қўшилади. Натижада эритма кўк рангга бўялади. Сўнгра бу пробиркадаги бўялган эритмадан капилляр найда ёрдамида олиниб, унинг бир неча томчисини штативнинг иккинчи қаторида турган катта пробиркадаги эритманинг ўртасига аста-секин томизилади. Шу вақтнинг ўзида капилляр найда ичидан оқиб чиқаётган рангли суюқлик пастга ёки юқорига қараб ҳаракатланади. Агар ҳужайранинг шимиш кучи эритманикidan юқори бўлиб, эритма таркибидаги сувни ҳужайра сўриб олса, бу ҳолда эритманинг ҳозирги солиштирма оғирлиги бошланғич солиштирма оғирлигига нисбатан ортади. Бунда капилляр найда ичидан оқиб чиқадиган рангли эритма пастга қараб йўналади. Агар эритманинг шимиш кучи ҳужайраникidan кучли бўлса, эритма ҳужайра таркибидаги сувни ўзига тортиб олади. Кичик пробиркадаги эритманинг сўнгги солиштирма оғирлиги бошланғич солиштирма оғирлигига нисбатан камаяди. Бу ҳолда капилляр найда ичидаги рангли эритма юқорига қараб ҳаракатланади. Мабодо ҳужайра шираси билан эритма концентрацияси ўртасида фарқ бўлмаса, сув алмасиши ҳодисаси юз бермайди ва ташқи эритманинг солиштирма оғирлиги ўзгармайди. Бундай ҳолда капилляр найда ичидан чиқаётган рангли эритма ўз

жойида қолиб, бир текис тарқалиб кетади. Шу йўл билан суюқлик ва ҳужайранинг шимиш кучлари бир-бирига тенг бўлган пайт аниқланади. Сўнгра олдинги ишда кўрсатилган формула ёрдамида ҳужайранинг шимиш кучи неча атмосфера босимга тенг бўлгани топилади. Бу ишнинг натижаларини б-жадвалга ёзиб борилади.

#### 6- жадвал

Пробиркалар номери	Барг бўлакчаси туширгунга қадар бўлган эритма концентрацияси (н.)	Рангли эритманинг йўналиши	Концентрацияси ўзгармай қолган эритма (н.)	Ҳужайранинг сўриш кучи (атмосферада)

#### 11- машғулот. Ўсимликлардаги эркин ва бириккан сув миқдорини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: буғдоӣ, арпа, маккажӯхори ёки бошқа ўсимликлар, 70% ли сахароза эритмаси, рефрактометр, бюклар, тошли анализатор тарози, қуритич шкаф, 3 мл ли пипеткалар, проба олинадиган парма.


Ўсимликлардаги эркин ва бириккан сув миқдорини аниқлаш улар хусусиятларининг бир хил эмаслигига асослангандири. Барг бўлакчаларини концентрацияси маълум бўлган сахароза эритмасига туширилганда эритманинг суюлишига, оғирлигининг ортишига қараб, эритма баргдан қанча сув олганлигини билиш орқали эркин сув миқдори аниқланади. Барг бўлакчаларини доимий оғирликка қадар қуритиш билан умумий сув миқдори аниқланади. Аниқланган умумий сув миқдори билан эркин сув миқдорининг фарқи орқали бириккан сув миқдори аниқланади.

*Ишнинг бориши.* Эркин сувни аниқлаш учун намуна олинадиган парма ёрдамида текшириладиган ўсимликтарининг еттитасидан маълум ярусада жойлашган барглаидан 7 тадан 49 дона бўлакча кесиб олинади. Олинган барг бўлакчаларини аралаштириб, 7 та оғирлиги маълум бўлган, ичига 3 мл дан сахароза эритмаси қўйилган бюксга 7 тадан солиб, оғзи беркитилади. Сўнгра уларни

аналитик тарозида тортиб лабораторияда соя жойга қўйиб, хона температурасида б соат сақланади. Умумий сувни аниқлаш учун шу 7 та ўсимликтининг баргидан на-  
муна олинадиган парма ёрдамида яна 7 тадан 49 та бў-  
лакча кесиб олиб, аралаштириб, оғирлиги аниқланган 7  
та қуруқ бюкс ичига 7 тадан солинади. Сўнгра бу бюкс-  
ларни ҳам барг бўлакчаси билан анализик тарозида  
айрим-айрим тортилади ва умумий сувни аниқлаш учун  
қуригич шкафга  $100-105^{\circ}\text{C}$  иссиққа қўйиб, доимий  
оғирликка қадар қуритилади.

Умумий сувнинг миқдорини барг бўлакчаларининг  
бошланғич ҳўл оғирлигига нисбатан қанча экани қури-  
гандан кейинги оғирлигини аниқлаш йўли билан топила-  
ди. Масалан: барг бўлакчаларининг бошланғич оғирлиги  
 $500\text{ mg}$ , қуригандан кейинги оғирлиги  $90\text{ mg}$ .

$$500 \text{ mg} = 100; \\ 90 \text{ mg} = X; \\ X = \frac{90 \cdot 100}{500} = 18\%.$$



5- расм. Рефрактометр.

Демак, барг бўлакчаларининг  $18\%$  қуруқ модда,  $82\%$  и умумий сувдан иборат экан. Шу умумий сув миқдоридан ( $82\%$ ) эркин сув миқдори олиб ташланса, бириккан сув ке-  
либ чиқади. Эркин сувни аниқлаш учун барг бўлакчалари туширилган сахарозанинг концентрацияси б соат-  
дан кейин рефрактометр ёрдамида аниқланади (5- расм). Сахароза бошланғич эритмасининг (контрол)  
ҳам концентрацияси рефрактометрда аниқланиб, жадвалда берилган (1 ва 2) сонга асосан қанд миқдори аниқланади. Олинган маълумотларга асосан эркин сув миқдори қўйи-  
дагича аниқланади. Масалан, бошланғич эритмадаги сахарозанинг концентрацияси —  $70,0\%$ . Барг бў-  
лакчалари туширилган бюксдаги сахарозанинг концентрацияси  $63,0\%$ .

3 мл бошлангич сахароза эритмасининг оғирлиги 3,8992 г,

$$3,8992 \text{ г} — 100 \% , X = \frac{3,8992 \cdot 70}{100} = 2,7294 \text{ г} .$$

$$X — 70 \% ,$$

Тажриба учун олинган эритмадаги сахарозанинг оғирлиги 2,7294 г.

$$2,7294 — 63,0 \% , X = \frac{2,7294 \cdot 100}{63} = 4,332 \text{ г} .$$

$$X — 100,0 \% ,$$

Тажрибадан кейин эритманинг оғирлиги 4,332 г экан.

Тажриба вақтида эритманинг ошган оғирлиги 4,332—3,8992=0,4085 г экан.

Тажриба учун олинган барг бўлакчаларининг оғирлиги 0,6718 г. Шундай баргнинг 100 грамида қанча эркин сув борлигини аниқлаш учун:

$$0,6718 — 0,4085 ,$$

$$100 — X , X = \frac{0,4085 \cdot 100}{0,6718} = 60,8 \% .$$

Барг бўлакчалари таркибидағи эркин сув миқдори 60,8% экан. Юқорида аниқланган умумий сув миқдори 82,0% эди. Шундан бириккан сув миқдори 82,0—60,8=21,2% га teng экан. Тажриба 20°C температурада олиб борилса, рефрактометр кўрсатиши бўйича эритмадаги сахароза миқдорини 7- жадвалдан фойдаланиб аниқлашади.

#### 7- жадвал

20°C	Куруқ мадда миқдори (% да)						
1,3344	1	1,3418	6	1,3494	11	1,3590	17
1,3359	2	1,3433	7	1,3510	12	1,3622	19
1,3374	3	1,3448	8	1,3525	13	1,3655	21
1,3338	4	1,3464	9	1,3541	14	1,3689	23
1,3403	5	1,3479	10	1,3557	15	1,3723	25

Агар тажриба, яъни рефрактометрда кузатиш  $20^{\circ}\text{C}$  дан бошқа температурада олиб борилса, 8-жадвалга асосан аниқланган сахароза миқдорига ўзгаришлар кирилилади.

#### 8- жадвал

Ушбу температурада кузатилса айриб ташланади (-)	7-жадвалдаги топилган қуруқ мөддага қўшимча					Ушбу температурада аниқланса кўшилади (+)
	5 %	10 %	15 %	20 %	25 %	
12	0,54	0,55	0,56	0,57	0,58	28
13	0,47	0,48	0,49	0,50	0,51	27
14	0,40	0,42	0,42	0,43	0,44	26
15	0,33	0,34	0,35	0,36	0,37	25
16	0,26	0,27	0,28	0,28	0,29	24
17	0,20	0,21	0,21	0,22	0,22	23
18	0,10	0,13	0,14	0,14	0,14	22
19	0,07	0,07	0,07	0,07	0,07	21

Температура  $+12-19^{\circ}$  ва  $21-28^{\circ}$  бўлганда 7- жадвалда ги сахароза миқдорига юқоридагича ўзгаришлар киритилади.

#### 12- машғулот. Сувнинг барглар орқали сўрилиши

Асбоб ва реактивлар: баргли ўсимлик новдаси замазка (канифол), қайнатилган совуқ сув, каучук пробка, сув учун идиш, темирдан ясалган муфтали штавт, скальпель, линейка, қалин деворли шиша най, спиралампа, замазкани эритиш учун идиш, симобли идиш.

Ўсимлик баргларидан сувнинг буғланиб туриши натижасида барг новдадан сувни сўриб туради. Барг томонидан сувнинг сўрилишини аниқлаш қўйидагича бўлади.

*Ишнинг бориши.* Шиша найнинг тагини кўрсаткич бармоқ билан беркитиб туриб, ичига тўлгунича қайнатилган совуқ сув қўйилади. Найни юқорисига баргли ўсимлик новдасини каучук пробка блан мустаҳкам беркитилади. Шундан кейин трубканинг бармоқ билан ушлаб турган томонини симобли идиш ичига туширамиз ва пробкани бир оз сиқиб озгина сувни трубкадан чиқариб юборамиз. Шунда трубка ичига озроқ симоб сўрилиб киради. Вақтни белгилаб, баргларнинг сувни сўриши ҳисобига трубка орқали симобнинг пастдан юқорига кўтарилишини кузатамиз (6-расм).

Үсімлік бүйлаб  
увнинг ҳаракатланиши  
ва сарфланиб туриши


Іл-машғулот. Қишлоғчи үсімлік новдаларидан сув алмашинуви ни аниқлаш

(Сувнинг қабул қилиніши, ҳаракатланиши ва күтикуляр транспирация.)

Асбоб вә реактивлар: қишлоғчи үсімлік новдаси, мензурка, бутилка ёки 500 мл ли материал банка, пробка, пахта, намуна өлинадиган парма, тошиб аналитик торози, зув қофози, 0,003% ли эозин эритмаси, токайчи, челяк, парафин, скальпель, электрополитка.

Нормал ҳаёт кечиүвчи үсімлік ҳужайраларидаги сув доим алмашиниб уради. Бу эса сувнинг үсімлік илдизлари орқали юқонги қисмігі күтарилиб туриши натижасыда юз беради. Үп ийллик дараҳтсімон үсімлік вә буталарнинг қишақтида илдизларининг иш фаяолияти жуда камайиб кепади. Шунга қарамасдан үсімліккіда сув алмашиш процесси бутунлай тұхтаб қолмай, балки секін үтиб туради. Сув алмашиш деғанда үсімлікнің сувни қабул қилиніши, ҳаракатланиши ва организмидан сарфланиб туришини тушуниш керак.

Ишнинг бориши. Тажриба олдиdan, тахминан 50 см зұпликда новдалар қирқиб олиніб, челяқдаги сувға олиб қўйилади. Сўнgra бутилка ёки материал банка чига 30 мл 0,003% ли эозин эритмасидан қўйиб устига уюқлик сатхини кўрсатувчи қофоз (этicketka) ёпиштириб қўйилади. Бу қофозда машғулот ўтказған студентнинг фамилияси, группа номери, ишлаган куни (число-



6-расм. Баргнинг сўриш кучини кўрсатувчи асбоб.


си) ёзилган бўлиши керак. Сўнгра қишлоғчи ўсимлик новдасидан олиб, ток қайчи билан сув ичидаги янгиланади. Пробканинг тешиги орқали новда эритмага пахта ёрдамида биркитилади.

Тажриба қуидаги 5 хил вариантда ўтказилади:

а) новда нормал ҳолатда турганида сув алмашиниши қандай боришини кузатиш учун унинг пастки томонини эозин эритмасига тушириб қўйилади (7-расм, А);

б) новда тўнкариб қўйилганда сув алмашиниши қандай боришини кузатиш учун новдани эритмага тўнкариб туширилади. Бунинг учун диаметри 6—8 мм йўғонликдаги новда учидан сув остида кесиб олинади, унинг олдинги кесилган томонига парафин суркаб, шиша ичидаги эозин эритмасига тўнкариб жойлаштирилади (7-расм, Б);


в) новдадан сувнинг кўтарилишида пўстлоқнинг ролини аниқлаш учун, унинг бутилка ичидаги эритмадан чиқиб турган қисмининг пўстлоғи ҳалқа шаклида кесиб олинади (7-расм, В);



г) новдадан сувнинг қўтарилишида камбий, яъни ёроҷлик қаватинийг ролини аниқлаш учун уни бутилка ичидаги эритмадан чиқиб турган қисмининг ярмиси ўзагига қадар кесиб олинади (7- расм, Г);

д) новдадан сувнинг буғланишида пробка қаватинийг ролини аниқлаш учун новдани юқори қисмидан ундан бир бўлагининг пўстлоқ устидаги пробка қавати қириб ташланади (7- расм, Д).

Новданинг бутилка ичидаги уни бутилка тубига 1—2 см етмасдан туриши керак. Бутилка ичидаги суюқлик (рангли сув) буғланиб кетмаслиги учун пробканинг устига парафин суркалади.



7-расм. Қишлоғчи новдаларда сув алмашинувини аниқлаш усули:  
А—новданинг пастки томони эритмага туширилган; Б—новда тўнкарилган колатда эритмага туширилган; В—новданинг пўстлоғи ҳалقا шаклида кесиб олинган; Г—новданинг ярмиси ўзагига қадар кесиб олинган; Д—новданинг пўстлоғидаги пробка қавати қириб олиб ташланган жой.

Новда жойланган бутилкалар тарозида тортилиб, унинг оғирлиги дафтар ва этикеткага ёзилади. Тажрибанинг натижаси бир неча ҳафтадан сўнг текшириб кўрилади.

Тажрибани текшириш тартиби:

1. Бутилкалар новдаси билан яхшилаб синчилаб кузатиб чиқилади ва ундаги суюқлик сатҳи ўзгаргани, барглар ўрни, куртакларнинг ҳолатини ва бошқа ўзгаришларни ёзиб олинади.

2. Новдали бутилканинг вазни аниқланади ва бошланғич оғирликдан айириб, новданинг қанча грамм сув буғлантиргани аниқланади (Tr).

3. Бутилкадан новдани пробка билан бирга чиқариб олинади. Суюқликни мензуркага солиб, қолган миқдори аниқланади. Бошланғич миқдордан айириб, новда орқали сингдириб олинган суюқлик миқдори аниқланади (M).

4. Новдани пробкадан юқори қисми тарозида тортилиб, вазни аниқланади (P).

5. Новданинг сув буғлантирган сатҳи аниқланади. Бунинг учун новдани бир хил йўғонликда 3—4 бўлакка бўлиб олинади. Ҳар қайси бўлакнинг сатҳи алоҳида-алоҳида аниқланади. Бунда ҳар бир бўлакнинг узунлиги айланасига кўпайтирилади. Ҳар бир бўлакнинг сатҳи аниқлангандан кейин улар жамланиб, новданинг умумий буғлантирувчи сатҳи топилади ( $S - \text{см}^2$  ҳисобида).

6. Новданинг бутилка ичидаги қисмини ўртасидан бўйига тилинади ва пўстлоги, ёғоч қисми, ўзак қисмларида ранг бор-йўқлиги аниқланади.

7. Новданинг шу бўлагида кўндаланг юза ( $Q - \text{см}^2$ ) ҳисобида аниқланади.

$$Q = \frac{\pi D^2}{4} = \frac{\pi d^2}{4} = \frac{\pi}{4} (D^2 - d^2),$$

буnda  $Q$ —новда ёғочлик қисмининг юзаси,  $\text{см}^2$ ;

$D$ —ёғочлик ва ўзак қисмининг диаметри,  $\text{см}$ ;

$d$ —ўзак қисмининг диаметри,  $\text{см}$  ҳисобида.

8. Сувнинг қанча кўтарилгани новдадаги рангга қараб аниқланади ( $h$  — см ҳисобида). Ҳамма олинган маълумотлар жадвалга ёзилади ва шулар асосида ҳисобланади:

Takpiqä äabin  
Takpiqä äabin  
Takpiqä äabin

а) ҳар 1  $cm^2$  новда сатҳида ва ҳар 1 г новда оғирлигидан транспирация интенсивлиги қанча экани аниқланади;

б) новда орқали сингдирилган сувнинг миқдори ( $M$ ) билан транспирация бўлган сув ( $T_p$ ) миқдорини айирилган сатҳдан новдада қолган сув миқдори ( $A$ ) аниқланади ва уларнинг қўйидаги нисбати белгиланади:

$\frac{T_p}{M}$  — қабул қилинган сувдан қанчаси транспирация бўлгани аниқланади;

$\frac{A}{M}$  — новда орқали сингдирилган сув миқдори топилади;

в) 1  $cm^2$  новданинг кўндаланг кесим сатҳидан би суткада ўтган сувнинг тезлигини билиш учун қўйида тенгламадан фойдаланилади:

$$v = \frac{M}{Q \cdot t} \text{ г/}cm^2, \text{ суткада.}$$

Бунда  $v$  — сувнинг ҳаракатланиш тезлиги;

$M$  — сингдирилган сув миқдори;

$Q$  — ёғочлик кесимининг сатҳи,  $cm^2$  ҳисобида;

$t$  — тажрибанинг неча сутка давом этгани.

Тажрибадаги ҳар бир вариантдан олинган натижалар 9, 10- жадвалларга ёзилади ва муҳокама қилинади.

10- жадвал

#### Турли тажрибалар натижасининг йигма жадвали

Тажриба варианти	Транспирация интенсивлиги		Сув алмашининг бир-бирига нисбати			Суткали сувнинг ҳаракатланиш тезлиги ( $v$ ), $g/cm^2$
	1 $cm^2$ новда юзасида, г	ҳар бир грамм новда, г	T	M	A	

#### 14- машғулот. Транспирация интенсивлигини тарози, тортиш усулида аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: аналитик тарози, қайчекальпель, калька ёки миллиметрларга бўлинган қоғоз сув, петри косачасининг қонқоғи, фильтр қоғози, ип.

Транспирация—ұсимликни ер үстки органларидан сувнан буғланишидир. Ү оддий сув буғланишидан фарқ қиын физиологик процесс. Фитофизиологияның күрсатынча транспирация интенсивлиги билан оддий сув сатдаги буғланиш ўртасидаги нисбат, транспирацияның қиын физиологик процесс эканини күрсатади. Транспирация интенсивлигини аниқлашда тарозида қайта ртеш усули кенг тарқалган әнд қулай усуллардан бидир.

## Транспирация интенсивлиги

*Ишнинг бориши.* Ипдан сиртмоқ ясад, новданинг юқотомонидан боғланади. Боғланган новданни бир неча ри билан ұсимликтан кесиб олиб тарози елкасига (айнигина) илиб, тезда 0,01 г гача аниқликда тортилаша тортилган вақт ёзиб қўйилади. 20—30 минут вақт тандан кейин қайта тортилади. Шундан кейин барглар тъи аниқланади. Бунинг учун барглар новдадан узубиниб, қоғоз устига бир текис қилиб ёйиб қўйилади. Ўнгра яхши учланган қора қалам билан баргнинг шаки чизиб чиқилади. Шу тартибда қоғозга чизилган барг аклари қайчида кесиб олинади ва тортилади, кейин шаки қоғоздан тўрт томонини 10 см дан қилиб квадрат (00 см<sup>2</sup>) кесиб олинади ва у ҳам тарозида тортилади. Ўнгра барг сатҳини қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\frac{a}{b} = \frac{C}{S}, \quad \text{бундан} \quad S = \frac{b \cdot c}{a},$$

нда  $S$  — барг сатҳи;

$C$  — квадрат сатҳи;

$b$  — барг қоғоздаги шакл оғирлиги;

$a$  — квадрат оғирлиги.

Новданинг олдинги оғирлиги билан кейинги оғирлийи барг сатҳлари орқали қанча сув буғланганини аниқлаб олгандан кейин транспирация интенсивлигини қўйинги формула бўйича аниқланади:

$$Tr = - \frac{b \cdot 60 \cdot 10000}{S \cdot t} \frac{\text{г/м}^2}{\text{мин}} 1 \text{ соатда},$$

нда  $q$  — буғланган сув миқдори (г);

$S$  — барг сатҳи (см<sup>2</sup>);

$t$  — тажриба муддати (мин);

60 — минутни соатга айлантириш коэффициенти;

10000 — см<sup>2</sup> ни м<sup>2</sup> га айлантириш коэффициенти.

## Эркин сув сатҳидан буғланиш

Транспирацияни аниқлаш билан бир вақтда эркин сув сатҳидан буғланишни аниқлаш учун ҳам тажриб ўтказилади. Бунинг учун хона температурасида сув талатилган идиш тортиб кўрилади ва ярим ёки бир со вақт ўтгач қайта тортилади. Идишнинг ички диаметри ўлчаб, буғлантириш сатҳи аниқланади. Сўнгра транспирация интенсивлиги аниқланган тенгламадан фойдалниб, оддий сув буғланиш (Пр) аниқланади. Транспирация билан оддий сув буғланишининг нисбати қўйидаги аниқланади.


$$TH = \frac{T_p}{P_p}$$

Ҳамма олинган маълумотлар 11- жадвалга ёзилади

11- жадв

Текширилладиган объект	Вақт		Тажриба давом этган вақт (t)	Тортиш якунин (г)		Камайган оғирлиги (z)	Сахти S, см <sup>2</sup>	Транспирация интенсивлиги (Tr)	Буғланиш интенсивлиги (Pr)	Транспира-
	бошлиниши	охириниши		1	11					
Новда Сувли идиш										

15- машғулот. Ўсимлик новдасида сувнинг шимили тезлигини потометр ёрдамида аниқлаш.



8- расм. Потометр.

Асбоб ва реативлар: баргли ўсилик новдаси, потометр (500 мл ли банка) (расм) қайчи, каучук пробка, қайнатилга совуқ сув, линейка ё миллиметрли қофоз, терози, вазелин ёки прафин, қофоз.

Ишининг бориши: Малум миқдорда бар бўлган бир йиллик ёки кўп йиллик бирора та ўсимлик новдасида транспирация натижасида сувнинг сўрилшини аниқлаш учун

Ю ма ли шиша банкага қайнатилган совуқ сув түлдилади. Банка оғзи беркитилган каучук пробкага иккита шик тәшиб, буларнинг бирига ўсимлик новдаси, иккиншинга эгри шиша най ва найга миллиметрларга бўлинген қозоз ҳам ўрнатилган. Тажриба учун олинган ўсимлик новдаси пробкага ўрнатилгандан кейин банканинг эй маҳкам беркитилади. Ундаги ортиқча сув пробка идан ва эгри шиша най орқали сиқиб чиқарилади. Робка билан банка ичидағи сув сатҳи оралиғида ҳаво фракчалари бўлмаслиги шарт. Пробка орқали сув буғимаслиги учун унинг атрофига вазелин ёки парафин рисалади. Эгри шиша най ичидағи сув сатҳини миллиметрларга бўлинган қофозда белгилаб, тажрибанинг иштирок этган баргларнинг умумий сатҳи қўйидагича шилади. Аввал  $100 \text{ cm}^2$  сатҳли қофоз тарозида тортилиб, инг оғирлиги аниқланади. Сўнгра сифат жиҳатидан на қозозга мос келадиган иккинчи қофоз олиниб, новдаги ҳамма баргларнинг шакли шу қозозга алоҳида-алоҳида чизиб чиқилади. Қофозга туширилган барг шакла тайчи билан қирқиб олиниб, уларнинг умумий оғирлиги ишқланади. Ҳосил қилинган сонларга асосланиб тубанаги пропорция ёрдамида баргларнинг умумий сатҳи шилади. Масалан,  $100 \text{ cm}^2$  қофознинг оғирлиги  $0,5 \text{ г}$ , аргларнинг шакли чизилган қофознинг оғирлиги  $0,8 \text{ г}$  бе фараз қиласайлик. Бунда пропорция қўйидагича тузилади:

$$100 - 0,5, \quad X = \frac{0,8 \times 100}{0,5} = \frac{80}{0,5} = 160 \text{ cm}^2,$$

$$X - 0,8 \text{ г}, \quad X = 160 \text{ cm}^2.$$

Демак, баргнинг умумий сатҳи  $160 \text{ cm}^2$  экан. Транстрациянинг интенсивлиги қўйидагича ҳисобланади: сар умумий сатҳи  $160 \text{ cm}^2$  келадиган барглар орқали 30 минут давомида, масалан  $0,9 \text{ г}$  сув буғланган бўлса, умумий сатҳи  $1 \text{ m}^2$  ёки  $10000 \text{ cm}^2$  келадиган барглардан қанчалар сув буғланади? Буни ечиш учун қўйидаги пропорция узилади:

$$\frac{160 \text{ cm}^2}{10000 \text{ cm}^2} = 0,9 \text{ г}, \quad X = \frac{10000 \times 0,9}{160} = 56,25 \text{ г}.$$

Бунда, умумий сатҳи  $10000 \text{ см}^2$  бўлган барглар ярим соатда 56,25 г сув буғлантирган бўлса, бир соатда буланган сувнинг миқдорини аниқлаш учун иккига кўпайтирилади.

$$56,25 \times 2 = 112,5 \text{ г.}$$

Демак, транспирация интенсивлиги, яъни бир соатда  $1 \text{ м}^2$  ( $10000 \text{ см}^2$ ) барг сатҳидан сувнинг буғланиши 112,5 г ни ташкил қиласр экан.

### 16- машғулот. Баргнинг ости ва устки томонидаги транспирацияни кобальт хлорид қофози ёрдамида аниқлаш (Шталь усули).

Асобобе реактивлар: бир неча тур баргли ўсимликлар, пинцет, фильтр қофози, 3—5% ли кобальт хлорид эритмаси ( $\text{CoCl}_2$ ), буюм ойнаси, ип, электроплитка.

Бу ишни бажаришда хлорид кислотанинг кобальт тузи ( $\text{CoCl}_2$ ) ишлатилади. Кобальт тузи таркибида су бўлганда пушти рангда бўлади. Бу туз қуритилганда унинг таркибидаги сув буғланиб кетиши натижасида кўрангга киради. Қуритиб қўйилган кўк рангли  $\text{CoCl}_2$  туз нам ҳавода қолдирилса, яна пушти рангга киради. Ўсимликлардаги транспирация процессини аниқлашда  $\text{CoCl}_2$  нинг ана шу хусусиятидан фойдаланилади. Машғулотни бошлишдан олдин узунлиги 5 см, эни 2 см келадига фильтр қофози бўлакчаларига  $\text{CoCl}_2$  тузининг 3 ёки 5% ли эритмаси шимдирилади. Бу пушти рангли қофоз бўлакчалари электроплитка устида ёки қуёш нурида қуритилади. Натижада қофоз кўк рангни олади.

Ишнинг бориши. Эксикатордаги қуритиб тайёрла қўйилган кобальт хлорид қофозининг бўлакчаси пинце ёрдамида олинниб, баргнинг юзи ва орқа томонига қолланади. Ҳаво таркибидаги сув буғлари қофозга таъси этмаслиги учун, унинг усти буюм ойнаси билан ёплади. Буюм ойнаси қўйилган вақт белгиланади. Би неча минут ўтгандан кейин кўк рангли қофоз пушти ранга айланганлиги пайқалади ва бу вақт жадвалга ёзи қўйилади. Бу усул ёрдамида бир неча тур ўсимликни барг томонларида транспирация тезлиги белгиланиб олинган натижалар бир-бирига таққосланади. Сояда в ёруғда турган баргларнинг транспирация тезлиги ха таққослаб қўрилади.


Асоб бареактивлар: пахта, дуккакли ўсимлик, айыр, традесканция, лола ва бошқа ўсимликларнинг и узилгани барглари, 5% ли глицерин эритмаси, устанинициет, нина, шиша таёқча, микроскоп, буюм ойнаси копларич ойна, сувли стакан, фильтр қофози.

Ўсимликларда транспирация процесси асосан баргда ошашган лабчалар орқали бўлиб, транспирация инсивлиги шу лабчаларнинг очиқлик даражасига бўғлинишади.

**Ишинге бориши.** Бунинг учун барг оғизчаларининг ин очилишини таъминлаш мақсадида юқоридаги манклардан бирортасини ёруғ жойга қўйилади. Шундекин ёруғда турган ўсимлик баргининг эпидермис интидан шилиб олиб буюм ойнасига томизилган 5% ли глицерин эритмасига ботирилади ва усти қоплагич ойна ин ёпилади. Шу тарзда тайёрланган препарат микроскопнинг 8X ёки 40X объектлари ёрдамида текширила-

Глицерин эритмасининг центрацияси ҳужайра ширишининг концентрациясига батан юқорироқ бўлганлини, ҳужайра шираси таркияти сувни глицерин ўзига интиб олади. Натижада барг лабчалари ҳужайраларида плазмолиз ҳодисаси рўй беради.

Барг оғизчалари ёпилади. Орадан 15 минут ўтказиб, глицерин протоплазмадан бўлганлини, ҳужайра ширасида тўплади. Ҳужайра ширасининг центрацияси юқорилашади ташки эритмадаги сувни га шимиб олади. Натижада оғизчаси ҳужайраларига кириб деплазмолиз ҳодисаси беради, чунки глицерин қарор плазмолиз ҳосил қилди, шу сабабли барг оғизчалари



9-расм. Барг лабчалари:  
а — очиқ ҳолати, б — ёпиқ ҳолати.

чалари қайтадан очилади. Агар қоплагич ойнанинг ёниг бир томчи сув томизилиб, глицерин фильтр қозози билан шимдириб олинса, барг оғизчалари кенгроқ очилади чунки сув қўшилиши натижасида ташқи глицериннинг концентрацияси ҳужайра ширасининг концентрациясига қараганда пасайиб қолади.

### 18- машғулот. Спиртдаги эпидермисда лабчаларнинг очилиш даражасини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: пахта, ловия, герань в бошқа ўсимликлар барги, микроскоп, буюм ойнаси в қоплагич ойна, окуляр-микрометр, пинцет, устара, нина пробкали шиша идиш, абсолют спирт.

*Ишнинг бориши.* Юқорида кўрсатилган ўсимликлар баргидан устара ва пинцет ёрдамида тезлик билан пастки эпидермисдан шилиб олиб идишдаги абсолют спирт ботирилади. Сўнгра уни буюм ойнасида микроскоп орқали кўриб лабчаларнинг очилиш даражаси аниқланади. Бунинг учун камида 20 та лабчани очилиш даражаси микроскопнинг окуляр-микрометри билан ўлчанади. Ш ўлчаш натижасида ҳар хил ўсимлик баргидаги лабчаларнинг очилиш даражаси микронларда аниқланади.

### 19- машғулот. Лабчаларнинг ҳолатини уларнинг шаклига қараб аниқлаш (Молотковский усули)

Асбоб ва реактивлар: бирор ўсимлик барги қайчи, микроскоп, буюм ойнаси ва қоплагич ойна, пинце кинолента, пробирка, ацетон, шиша таёқча ёки ингичк чўтка.

Баргдаги лабчаларнинг сони ва уларнинг очилиш даражасини аниқлаш учун кинолентадан фойдаланилади. Бунинг учун лентанинг эмульсиясини кетказиш мақсади да иссиқ сув ва ишқор билан яхшилаб ювилади, сўнгра илиқ сувда чайилади. Кейин тозаланган лентани қайчида кесиб, идишдаги ацетонга солиб қуюқ қиём ҳолиг келгунича эритилади ва оғзи маҳкам беркиладиган бандажда сақланади.

*Ишнинг бориши.* Лабчаларнинг шаклини олиш учун юқоридаги усулда тайёрланган лента эритмасини баргнинг пастки эпидермиси бўйлаб юпқа қилиб суртилади. У ўотгандан кейин юпқа парда ҳосил бўлади ва уни пин-

т ёрдамида осонлик билан кўчириб олинади. Олинган рлани идишдаги сув ичига туширамиз. Пардан бир мчи сувда микроскоп орқали қаралса, ундаги лабчалар да аниқ ва яхши кўринади. Лабчалар сони ва уларни очилиш даражаси микроскопнинг окуляр-микротри ёрдамида аниқланади.

### Мангулот. Ўсимликларнинг сўлиш еффициентини аниқлаш (Новиков усули)

Асбоб ва реактивлар: соз тупроқ, кул ранг тупроқ, қумли эксикатор (қуритилиб сув сифими аниқланади), тошли тарози, 150—200 мл ҳажмли чинни стакан, шиммайдиган пахта, цилиндр, тупроқ олиш учун ракча.

Сўлиш коэффициенти деб 100 г абсолют-қуруқ тупроқ рийидаги ўсимликлар қабул қила олмайдиган сув ёдорига айтилади. Сўлиш коэффициенти доимий соне. Бу ўсимликин биологик ҳусусиятига ва тупроқнинг зикавий, химиявий ҳусусиятига боғлиқ. Шундай бўлини қарамасдан маълум тупроқ шароитида ўсимликтеги сўлиш коэффициентини аниқлаш унинг сувга бўлни талабини билишда катта аҳамиятга эга.

Ишнинг бориши. Чинни стакани 0,01 г аниқликда олиб, ичини маълум сув сифимидағи тупроқ билан тигизиб, абсолют-қуруқ ҳолатга келгунига қадар қурилади. Сўнгра тупроқли стакани қайта тортиб, ундан олар оғирлигини олиб ташлаб, абсолют-қуруқ тупроқ ёдори аниқланади. Сўнгра тупроқ намлиги 80% га унга қадар намланади (бунинг учун тупроқнинг сув синини 34% деб олсан, олинган тупроқ оғирлиги 262 г лас, унинг намлигини 80% га етказиш учун X миқдори сув қўйилади. Бунда

$$X = \frac{262 \cdot 34 \cdot 80}{100 \cdot 100} \approx 71,3 \text{ г.}$$

Шундан кейин аниқ тортиб олинган 10 дона ўсимлик уни қилилади. Сўнгра идишни қайта учинчи марта тортиб, тажрибанинг тўғри қўйилиши текширилади. Бунинг уни стакан оғирлигига, абсолют қуруқ тупроқ оғирлиги, йилган сув миқдори ва экилган уруғ оғирлиги қўшиб имланади. Тажриба шундай йўл билан тайёрлангандан уни стакандаги тупроқ устини уруғ униб чиққунга қарп пахта билаң ёпиб қўйилади. Сўнгра 2—3 ҳафта ўсиб,

тупроқдаги ҳамма қабул қилиниши мүмкін бўлган сүни олиб бўлганидан кейин ўсимлик сўлийди. Бунда сиқан сўлиган ўсимлик билан бирга тарозида қайта торғлади. Аниқланган оғирликдан стаканни оғирлиги абсолют-қуруқ тупроқ ва уруғ оғирлиги олиб ташланад. Шу айирмадан қолган сон тупроқдаги ўсимликлар бул қила олмайдиган сув миқдорини кўрсатади. Сўлкоэффициенти процентларда аниқланиб, олинган маънотларни 12- жадвалда таққосланг ва олинган фарқлани тушунириинг.

12- жадв

Кўрсаткичлар	Соз тупроқда	Кул ранг тупроқда	Кумда
Стакан оғирлиги, г			
Стаканнинг тупроқ ёки қум билан оғирлиги, г			
Абсолют қуруқ тупроқ ёки қумнинг оғирлиги, г			
Тупроқнинг ёки қумнинг сув сифими, г			
Тўла сув сифимини 80% гача етказиш учун кетган сув миқдори, г			
Уругларнинг оғирлиги, г			
Идишнинг тажрибадан олдинги оғирлиги, г			
Идишнинг тажрибадан кейинги текшириш вақтидағи оғирлиги, г			
Ўсимликлар қабул қила олмайдиган сув миқдори, г			
Сўлиш коэффициентининг миқдори			

## ФОТОСИНТЕЗ

21- машфулот. Барг пигментларини олиш ва уларни химиявий ҳамда оптикавий хусусиятлари билан танишиш

Асбоб ва реактивлар: бирор ўсимликнинг ёки қуруқ барглари, этил спирти, бензин, 20% ли ишқ эритмаси, 10% ли HCl кислотаси, CaCO<sub>3</sub> (кальций карбонат), рух тузи, кварц қуми, дастали чинни ҳовонча,

онка, шиша таёқча, қайчи, спирт лампа, вазелин, фильтр  
бозы, чинни косача, спектроскоп, рангли қаламлар.

Фотосинтез процесси, яъни ўсимликларда органик  
саланинг ҳосил бўлиши барглардаги яшил хлоропласт  
шакаларида ёргулек иштирокида карбонат ангирид  
билинг қўшилиши натижасида боради. Хлоро-  
пласт таркибида комплекс яшил пигментлар (хлоро-  
филл а ва б), сарик пигментлар (каротин ва ксанто-  
филл) ва рангсиз оқсилли строма бўлади. Яшил ва сар-  
ик пигментлар хлоропластнинг оқсилли стромаси билан  
траккан ҳолда учрайди. Аммо баргларни эзиш ёки қу-  
ни билан структураси бузилса, строма билан пиг-  
ментлар ўртасидаги боғланиш строманинг оқсили ивиб  
нини натижасида тезда бузилади. Хлоропластдаги пиг-  
ментлар сувда эримагани учун уларни органик эритувчи-  
ларда эритиб, ажратиб олинади (спиртда, ацетонда ва  
иқаларда).

*Шининг бориши.* Пигментлар эритмасини олиш учун  
ёки қуруқ барг олинади. Қуруқ барг бўлса, уни яхши-  
б порошок сингари қилиб эзиб майдаланади ва колба-  
ни спиртга солиб қўйилади. Колбани қайнатаётган сув  
имомига қўйиш пигментлар ажralиб чиқишини тез-  
аштиради. Сўнгра спиртдаги тўқ кўк рангда ажralган  
пигментлар аралашмасини қуруқ фильтр қофози ёрдами-  
и фильтрлаб олинади. Ҳўл ўсимлик органларидан пиг-  
ментларни ажратиб олиш учун баргни қайчидан қирқиб  
нинилаб майдалаб (бунда барг банди ва йўғон томир-  
иши олиб ташланади), чинни ҳовончага солинади, усти-  
кужайра ширасининг кислотасини нейтраллаш учун  
СаCO<sub>3</sub> қўшилади ва яхши эзиш мақсадида озгина  
ири қуми ҳам қўшилади. Шундан кейин баргни яхши-  
б эшилади ва устига озгинадан этил спирти қўйиб ту-  
лди. Сўнгра олинган спиртдаги эритмани фильтрли  
лонгага қўйиб фильтрлаб олинади. Олинган кўк-яшил  
фильтратда хлорофилл а ва хлорофилл б каротин, ксан-  
филл пигментлари бўлади. Фильтратни тўртта про-  
цессага қўйиб, қўйидаги ишлар қилинади.

#### 1. Пигментларни ажратиши.

а) Краус усули. Битта пробиркадаги пигментларнинг  
иртдаги аралашмасини олиб, унинг устига ўзидан  
проқ микдорда бензин қўшиб пробиркани пробка ёки  
шармоқ билан беркитиб, яхшилаб чайқатиб аралаш-  
тилади ва пробиркадаги эритмалар тиниши учун бир-


мунча вақт штативга қўйилади. Шундан кейин пробир кани юқориги бензин қаватида яшил рангли хлорофилл *a* ва *b* ҳамда пастки спирт қаватида эса сарғиш рангли ксантофилл пигменти ажралиб чиқади. Агар пигментларни ажралиб чиқиши қийинлашса, икки-уч томчи сув қўшиб қайта аралаштирилади.

б) **Фильтр қофози ёрдамида хроматограмма усулида пигментларни ажратиш.** Рус фитофизиологи М. С. Цвет томонидан тавсия этилган пигментларни хроматограмма усулида ажратиш, пигментлар аралашмасини адсорбентга сўрувчи-шимувчи қофозга ўтказишга асосланганadir. Ҳар хил пигментларнинг бир хил эритувчида эриш даражаси ва уларни бир хил адсорбентдан сўрилиш-шимилиш даражаси ҳар хил бўлади. Эритувчидаги пигментларнинг адсорбент юзасидан сўрилиш даражасига қараудар ҳар хил жойда сўрилиб қолади. Эритувчидаги пигментларнинг эриш хусусияти қанча юқори бўлса, у шадисорбент томонидан шунча секин сўрилади. Бунда пигментнинг ҳаракати тез бўлиб, унинг адсорбент юзасидаги жойлашиши (сўрилиб шимилиб қолиниши) узоқ ёки юқорироқ бўлади. Ҳозир қофоз хроматограмма усули кенг тарқалган усуллардан биридир. Бу усулда узун кесилган фильтр қофозининг бир учини чинни косачадаги пигментларнинг спиртдаги аралашмасига туширилади. Пигментларнинг ажралиб чиқиши, қофоздаги рангли йўллар устида рангсиз спирт зонаси ҳосил бўлганида тугайди. Қофоздаги рангли йўлларнинг расмини олиб пастда хлорофилл *b* ундан кейин хлорофилл *a* ва унин устида ксантофилл ҳамда каротин пигментлари сўрилганини кўрсатиш керак.

## 2. Пигментларнинг химиявий хусусиятлари.

**Хлорофиллнинг совунланиши.** Узининг химиявий тузилиши жиҳатдан хлорофилл мураккаб эфирларга киради. Уни ишқор ёрдамида совунлатиш мумкин. Бунинг учун пигментларнинг спиртдаги аралашмаси қўйилганиккинчи пробиркани олиб, устига ундаги миқдордан биоз кўпроқ бензин қўшиб чайқатилса, Краус усули каби пигментлар бир-биридан ажралади. Сўнгра порбиркадаги эритмага 20% ли ишқорнинг спиртдаги эритмасидан 3—4 томчи солиб чайқатилади. Бир неча минут тин қолдирилган бу эритмани юқориги бензин қаватида сарик рангли каротин пигменти, пастки спирт қаватидаги эса яшил рангли хлорофилл пигменти тўпланади. Ксан-


нил пигменти эса хлорофилл билан бирликда эритманиң пастки қаватида қолади. Хлорофиллни эритманиң пастидаги спирт қаватига ўтиб қолишини шундай түннш керак. Хлорофилл хлорофилин дикарбон кислотаси билан метил ва фитол спиртларининг бирикишидан ишади. Шунинг учун хлорофилл мураккаб эфир группасига киради. Хлорофиллга ишқор таъсир ганди ў совунланиш реакциясида киришади. Ишқор сиридан хлорофилл дикарбон кислота тузларига, ин метил ва фитол спиртларига парчаланиб кетади:



хлорофилл хлорофилин кислотанинг натрий тузи.  
 $+ \text{CH}_3\text{OH} + \text{C}_{20}\text{H}_{39}\text{OH}$   
 метил-фитол  
 спиртлари

Хлорофилл совунланиш реакциясида ўз рангини саққолсада, бензинда эриш хусусиятини йўқотади. Продаги эритмалар қаватининг расмини чизиб, спиртда и модда ва бензинда қайси модда эриганини ёзиб инг.

Феофитин олиш — хлорофиллга яшил ранг бериб туносан унинг молекула тузилишида марказий ўрининган икки валентли магний метали хусусиятиданdir. Ни феофитиннинг ҳосил бўлиши ва водород атомининг ил билан қайта ўрин алмашишидан аниқланади. Унинг учун 3-пробиркадаги пигментларнинг спиртдаги эритмасини олиб, унга 2—3 томчи 10% ли HCl киссини томизилади. Бу ҳолда яшил ранг ўрнига қўнғир ҳосил бўлади. Бу реакция вақтида хлорофилл моласи таркибидан магний метали ажралиб чиқиб, иштадаги водород билан ўрин алмашинади ва феофитинидагича ҳосил бўлади:




Мар шу олинган қўнғир рангли феофитин эритмасига кислотасининг мис тузи  $(\text{CH}_3\text{COO})_2\text{Cu}$  ёки кислотасининг рух тузи  $(\text{CH}_3\text{COO})_2\text{Zn}$  кристал-

ларидан қўшиб, аста-секин қиздирилса, қўнғир рангл эритма қайтадан яшил рангга киради. Бунда хлорофил молекуласидаги водород ўрнини металл эгаллагани учун яшил рангга киради. Бу хлорофиллнинг металл оғаник бирикма эканини кўрсатади.

### 3. Пигментларнинг оптиканый хусусияти.

Асбоб ва реактивлар: яшил баргнинг спиртда пигментлар аралашмаси, сабзи илдизидан тайёрланган каротинни бензиндаги эритмаси, Краус усулида ажратишини ксантофиллнинг спиртдаги эритмаси, спирт спектр скоп, стол лампаси, пробиркалар билан штатив, қорқоз, рангли қаламлар.

Хлорофилл ўзи ютган нурларни қайтариш, яъни флюресценция хусусиятига эга. Бу эса хлорофилл молекуласини қўзғалган ҳолатдан қайта тинчланган ҳолати ўтиши билан боғлиқдир. Флюресценция хлорофиллл фотохимикавий активлик борлигини кўрсатади. Хлорофилл фотосинтез вақтида қуёш энергиясини ютиш билан ёруғлик энергиясини иссиқлик энергиясига айлантири беради. Бу эса хлорофиллнинг сенсебилизаторлик хусусиятини кўрсатади. Аммо хлорофилл ёруғлик нурларнинг ҳаммасини ютмай, танлаб ютиш хусусиятига эга. Хлорофиллнинг бу хусусиятини унинг эритмасидан қўйи нурларини ўтказиб, спектроскопда кўриб аниқлаш мүмин (10-расм). Хлорофилл ютган спектр нурларини ўрни қорамтири бўлиб кўринади. Шу йўл билан бош пигментларнинг ҳам спектр нурларини ютиш хусусияни кўриш мумкин. Хлорофиллнинг турли концентрациясида айрим спектр нурларининг ютилишини кўриш мумкин. Кўп ютиловчи спектр нурларини кичик концентрацияда ҳам яхши кўриш мумкин, кам ютиловчи нурлар эса кучли концентрациядан ҳам ўтиб кетади. Ушбу иш хлорофиллнинг флюресценция хусусиятини ва хло-



10-расм. Қўй спектроскопи:

*a* — спектроскоп; *b* — пигментлар эритмаси солинган пробирка.


шлл, каротин, ксантофилл пигментларининг оптик спектр нурларини танлаб ютиш хусусиятлари билан ташилади.

### *Ишининг бориши. а) Хлорофиллнинг флюоресценцияси.*

Хлорофиллнинг флюоресценция хусусияти билан ташиниш учун пробиркадаги пигментларнинг спиртдаги ритмасидан ёруғлик ўтказиб, эритманинг рангини кўрамиз. Сўнгра пробирканни қора фонга қўйиб ундаги эритма янгини ёруғ тушиб турган томонидан кузатамиз. Кузаш якунидан хулоса чиқарилади.

### *б) Пигментларнинг спектр нурларини танлаб ютиши.*

Бўнинг учун спектроскопда кўзга кўринган етти хил янгини аниқ кўриб олинади. Сўнгра Краус усулида ажатилган пробиркадаги пигментлар эритмасини спектроскоп олдига қўйилади. Олдин бензин қаватидаги хлорофилл пигментининг ютган нури, сўнгра эса спирт қаватидаги ксантофиллнинг ютган нури кузатилади (11-расм). Протин пигментини ютган нурни аниқлаш учун сабзи олинган эритмадан фойдаланилади. Хлорофилл спектроскопда кўринган қизғиш ва кўк-бинафша рангли нурлари.



11-расм. Күёшнинг пигментлар томонидан ютиладиган спектр нурлари:

а — хлорофилл пигментини ютувчи нурлари; б — каротин пигментини ютувчи нурлари; в — ксантофилл пигментини ютувчи нурлари.

ларни, ксантофилл ҳамда каротин пигментлари кўк бинафша рангли нурларни ютганлиги кўрилади. Олингани натижада 13-жадвалга ёзилади.

13- жадвал

Пигментлар	Спектр участкалари						
	қизил	тўқ сариқ	сариқ	яшил	ҳаво ранг	кўк	бинафша ранг
Хлорофилл							
Каротин							
Ксантофилл							

**в) Айрим спектр нурларининг хлорофилл томонидан ютилиш даражаси.**

Бунинг учун олдин спектроскопда хлорофиллнинг спиртдаги концентрацияси юқори бўлган эритмаси кўрилади. Сўнгра спиртда 1:1; 1:3; 1:5; 1:9 нисбатда суюлтирилган эритмалари кўрилади. Айрим спектр нурларини ютилишида бўлган ўзгаришларни аниқлаб, 14-жадвалга ёзилади ва ундан тегишли хўлоса чиқарилади.

14- жадвал

Спектр нурлари							
Суюлтирилган эритмалар	қизил	тўқ сариқ	сариқ	яшил	ҳаво ранг	кўк	бинафша ранг
Суюлтирилган эритма							
Суюлтирилган 1:1							
„ „ „ „ „ „ 1:3							
„ „ „ „ „ „ 1:5							
„ „ „ „ „ „ 1:9							

**22- машғулот. Ўсимликлардаги пигментлар миқдорини хроматограмма ва калориметр усулида аниқлаш**

Асбоб ва реактивлар: ўсимликнинг ҳўл ёки қуриган барги, аналитик ёки торсион тарози, дастали чинни ҳовонча, кварц қуми, Комов насоси, каучук пробкали Бунзин колбаси, яхши ёпилувчи шиша идишчалар, 3-номерли шиша фильтр, ўлчов цилиндрлари, 10 ёки 25 мл ли пробирка, 100—150 мл ли химиявий стакан, 5 мл ли пипетка, ҳар хил кюветлари бўлган фотоэлектрокалориметр (ФЭК-М), 13×16 см ли қилиб кесилган хроматография қозози, 80% ли ацетон, ацетоннинг этил спирти билан аралашмаси (3:1), бензол ва петролей эфири аралашмаси (2:1), петролей эфири билан спирт аралаш-

и (90 : 1), сода ( $\text{NaHCO}_3$ ), пробиркалар учун штатив, та, вазелин, салфеткалар.

Пигментлар аралашмасини ўсимлик түқималаридан иш ва уларнинг хроматограмма қофозида ажратиш инги ишда ёзилган усулдан фарқ қилмайди. Пигмент миқдорини аниқлаш учун ўсимлик ҳўл массаси 1 мг юнигина тортиб олинади ва улардаги пигментлар хроматограмма усулида бир-биридан ажратиб олинади. инг учун ҳар хил эритувчилардан фойдаланилади. Бу тувчилар ёрдамида олинган (эллюат) эритмани калотрдан ўтказиб, уларнинг оптиканый хусусияти аниқлади. Бунинг учун қўйидаги тенгламадан фойдаланиб, ҳўл қуруқ ўсимлик массасида қайси пигментдан қанборлиги ме да аниқланади.

$$C = \frac{\Gamma \cdot v \cdot v_3 \cdot K}{P \cdot v_2 \cdot h},$$

да  $C$  — аниқланаётган пигмент миқдори  $\text{mg/g}$ ,

$\Gamma$  — ФЭК ни кўрсатиш (оптиканый суюқлиги),

$V_1$  — экстракт миқдори,  $\text{ml}$ ,

$V_2$  — хроматограммага томизилган экстракт миқдори,  $\text{ml}$ ,

$V_3$  — эллюат миқдори,  $\text{ml}$ ,

$P$  — ўсимликдан олинган материал миқдори,  $\text{g}$ ,

$h$  — кювета қалинлиги,  $\text{cm}$ ,

$K$  — коэффициент, текширилаётган пигментга қараб қўйидагича бўлади:

Хлорофилл *a* ва *b* учун К-33,3,

Каротин учун К-6,24,

Лютенин учун К-6,64,

Виолоксантин учун К-8,01.

### Хлорофилл *a* ва *b* миқдорини аниқлаш

Хлорофилл ацетон билан этalon аралашмасидан ажаб олинади. Бунинг учун баргдан 400—500 мг тортиб ёб ( $P$ ), ичига озгина майдаланган ойна, қум ва сода юниб ҳовончада эзилади. Устига 5 мл ацетон, этанол аралашмасидан қўйилади. Тайёрланган эзилмани шиша лъяр орқали Комов насоси ёрдамида Бунзин колбасига лъярланади. Фильтрда қолган чўкма 2—3 марта ацетон-этанол аралашмаси ёрдамида оз-оздан ювилади (ни билан 5 мл). Сўнгра фильтрдан ўтган эритмани цилиндрга солиб, Бунзин колбасини ацетон спирт аралашмаси билан чайиб, уни ҳам цилиндрга солинади.

Шундай кейин олинган умумий экстракт ( $V_1$ ) миқдори белгиланади. Цилиндрдаги эритмани яхшилаб арлаштириб, пипетка ёрдамида 2—5 мл экстрактдан ( $V_2$ ) олиб хроматограмма қофози тагида 1—2 см қолдириб 5 см кенгликда құйилади. Сүнгра бу қофозни эритувчи буғланыб бутунлай йўқ бўлиб кетгунча қуритилади. Кейин қофозни ўраб хроматограмма идишига солинади. Бу идишга олдин 10—20 мл петролей эфири билан этил спирт аралашмасидан (20:1) солиб, устини ойна ёки қопқоқ билан яхшилаб ёпилади. Хлорофиллнинг ажралиши учун 20—30 минут вақт керак бўлади. Пигментлар тўлиқ ажралганидан кейин хроматограмма қофозини банкадан олиб қайчи билан рангига қараб бир-биридан ажратиб кесиб олинади (хлорофилл *a* хлорофилл *b* дан юқори жойлашади) (12-расм). Сүнгра қофозларни майдалаб қирқиб химиявий стаканга солинади. Унга озгина ацетоннинг спирт билан аралашмасидан (3:1) солиб, хроматограмма қофозини рангсизлангунча кутамиз ва эритмани (эллюатни) пробиркага соламиз. Стаканга яна шу аралашмадан 2—3 марта озгинадан солиб, чайиб олинади ва уни ҳам пробиркага қуйилади (кўпи билан 10 мл). Олинган эллюатнинг ( $V_3$ ) миқдорини ҳисобга олиб электрофотокалориметрни (ФЭК) қизил светофильтрда калориметрланасти. Юқорида берилган тенгламадан фойдаланиб хлорофилл *a* ва *b* пигментининг миқдори 1 г материалда қанча миллиграмм борлиги аниқланади.

## Каротиноидларни аниқлаш


Каротиноид (каротин, лютеин, виолоксантин) лар юқорида ўсимликдан олинган материални қолган ярмидан аниқланади. Экстрактлар олиш техникаси ва хроматограмма қофозида пигментларни ажратиш эллюция (эритма) тайёрлаш, уни калориметрлаш усуслари юқоридаги хлорофиллнинг миқдорини аниқлашга ўхшаш. Аммо шуни айтиш керакки, каротиноидларни аниқлашда бошқа эритувчилардан фойдаланилади. Ўсимлик материалидан каротиноидларни ажратиб олиш учун 80 % ли ацетон эритмасидан фойдаланилади. Каротиноидларни хроматограмма қофозида ажратиб олиш бензин билан петролей эфири (2:1) арлашмасида олиб борилади. Эритмани (эллюцияни) олиш ацетон билан этил спирти (3:1) арлашмасида олиб борилади. Калориметрлаш кўк светофильтр ёрдамида олиб борилади. Ҳамма олинган маълумотлар

*б*

*а*

12-расм. Хроматограмма усулида пигментларни қоғозда ажратыш:

*а* — шина камера; *б* — пигментларни қоғозда жойлашиш.



15-ЖАДВАЛ

Үсүмликтар Органлар	Текнорилади- ган пигментлар	Олинган молдапар микдори, [P]	Экстракт микдори, <i>млд</i> ( $v_1$ )	Когозга то- мизилган экстракт микдори, <i>млд</i> [ $v_2$ ]	Эллипс (эритма), микдори, <i>млд</i> ( $v_3$ )	Эллипсати оптикаий қалинлиги [F]	Пигментларнинг микдори, $\text{мл}^2/2$
							$C - \frac{F \cdot v_1 \cdot v_2 \cdot K}{P \cdot v_2 \cdot h}$

Ін жадвалга ёзилади ва уларнинг натижаси мухокама олиниади.

**Машғулот. Яшил ўсимликларда ёруғлик таъсирида вражмал ҳосил бўлишини аниқлаш** (Сакс усули)

**Лебоб ва реактивлар:** бир неча сутка қоронгида сақланган баргли ўсимлик, этил спирти, йоднинг калий волидлаги эритмаси, шиша қалпоқча, сув ҳаммоми, 100 мг ли колба, Петри косачаси, қора қофоз, қайчи, пинцет ереккалар, 200—300 ваттли электр лампа, фильтр қозоан, бўр ёки мармар, 10% ли  $H_2SO_4$  ёки HCl.

Фотосинтез процессининг маҳсулотларидан бири крахмал. Бу машғулотдан асосий мақсад фотосинтез учун ёруғлик энг зарурий факторлардан бири эканини куреатишdir. Бунинг учун тажриба қилинадиган ўсимлик 1—2 кун қоронги жойда сақланади. Қоронги жойда ўсимлик баргидаги крахмал парчаланиб, оддий қандга айланади. Бу моддалар ўсимликнинг нафас олиш вақтида ва бонса физиологик процессларнинг ўтишида сарф бўлади. Қоронги жойда сақланган ўсимлик баргида крахмал парчаланганилигини олдин аниқлаб олиш мумкин. Бунинг учун қоронги жойда сақланган ўсимлик барги олиниб, қайнот сувга ботирилади ва спиртда қайнатиб, рангизлантирилади. Оқарган баргга йод эритмаси таъсир эттирилганда баргнинг юзи қизариб қолса, крахмалнинг парчаланганилигини билдиради. Крахмалнинг парчаланганилиги аниқлангандан кейин ёруғликда крахмал ҳосил бўлишини аниқлаш учун қўйидаги тажриба ўтказилади.

**Ишнига бориши.** Қоронги жойга қўйилган ўсимлик барги банди билан бирга узиб олиниади. Барг пластинкаси (шаналоги) бирор хил шакл ясалган қора қофоз билан ёпилади, банди эса колбадаги сувга солиб қўйилади. Сўнгра волбанинг устига шиша қалпоқ ёпиб кучли сунъий ёки табии ёруғлик тушиб турадиган жойда 1—2 соат сақланади. Фотосинтез процесси яхши ўтиши учун баргни кўп миндорда карбонат ангидрид билан таъминлаб туриш берур. Бунинг учун мармар ёки оқ бўр солинган идишга кислота қўйилиб, уни шиша қалпоқ ичига жойланади. Оралан 1—2 соат вақт ўтгач барг шиша қалпоқ ичидан инқарнилиб, ундаги қора қофоз олиб ташланади ва дарёд қайнаб турган сувга солинади, кейин спиртда қайнатиб рангизлантирилади. Сўнгра уни бирорта ясси идишга бўйлади ва устига йод эритмаси томизилади. Агар

ёруғлик таъсиридан крахмал ҳосил бўлса, у ҳолда қора қофоздаги шакл ўрни кўк рангга бўялганлиги кўринади (13- расм).


### 24- машғулот. Ҳосилдорликни нетто-ассимиляция усулида аниқлаш

Ўсимликларда органик модда ва ҳосил тўпланишида фотосинтез процессининг тутган ўрни ҳамда уни аниқлашда нетто-ассимиляция усули катта аҳамиятга эга.

Бу усул асосан Англияning Ротамстед қишлоқ хўжалик тажриба станциясида ишлаб чиқилган бўлиб, ўсимликларнинг ҳосилдорлигини аниқлашда қўлланилмоқда.

А с б о б в а р е а к т и в л а р : соат, тош-тарози, пармақуритиш шкафи, экисикатор, қофозлар.

*Ишининг бориши.* Ўсимликлардан аниқ вақтларда намуналар олиб, уларнинг умумий қуруқ оғирлиги, айrim органларининг қуруқ оғирлиги ва ассимиляция қилувчи сатҳи ўлчанади. Ҳамма ўсимликлар бир хилда ўсибиривожланмаганлиги сабабли намуналар ҳам ҳар хил ўсимликлардан олинади. Одатда донли экинлар экилган даланинг 10 жойидан, пахта экилган даланинг 5 жойидан намуналар олинади ҳар бир намунада яна 10 тадан



13- расм. Баргда ёруғлик таъсирида крахмал ҳосил бўлишини кўрсатувчи тажриба (Сакс усули).

ўсимлик бўлади. Намуналарнинг умумий қуруқ оғирлигидан алоҳида-алоҳида ўлчанади, ҳамда уларнинг ассимиляция сатҳи аниқланади. Умумий қуруқ оғирлигидан ташқари айрим органлари (шох, илдиз, поя, барг ва мече)нинг қуруқ оғирлиги ҳам ўлчанади. Намуналар ҳар 7—10 кунда, ўсимликнинг ўсиши тезлашганда ҳар 5 кунда олинади. Масала шундаки, намуна олинган вақтлар бир-биридан қанча узоқ бўлса, оғирликлар ўртасидаги фарқ шунча ишонарли ва аниқ бўлади. Маълум вақтда ўсимлик қуруқ моддасининг ўсиши ҳамда ассимиляция ишувчи барг сатҳининг кенгайиши бир хил бўлмаслиги азумкин. Ўлчанаётган намуналарнинг ҳар хил оғирликда ўлишидан ноаниқлик келиб чиқишини назарда тутиб ўчишлар ўртасидаги вақтни (ўсимликнинг ўшиш фазалари бўйича) график усулида аниқлаш мақсадга муофиқидир. Қуруқ модда ва барг сатҳи бирмунча тўғри ва мутаносиб ўсиб бораётган ўсимликларда ассимиляцияни миқдори қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$A = \frac{2 (M_2 - M_1)}{(T_2 - T_1) (l_1 + l_2)}$$

Бунда  $A$  умумий — нетто-ассимиляция миқдори ёки умумий ҳисилдорлик;

$M_2 - M_1$  — кетма-кет олинган икки намунанинг қуруқ оғирлигидаги фарқ;

$T_2 - T_1$  — ўлчовлар ўртасидаги вақт (кун);

$l_1 + l_2$  — баргнинг дастлабки ва охирги текшириш вақтида сатҳи ( $m^2$ ).

Нетто-ассимиляция усулида ўсимлик ер остки қисми-ни ўзгаришлари ҳисобга олинмайди.

### Б-машгулот. Фотосинтез ва нафас олишни Сакс усулида аниқлаш

Фотосинтез ва нафас олиш процесслари барглардаги қуруқ модда миқдорининг ўзгаришига қараб аниқланади. Бу усулни 1884 йилда немис физиологи Сакс кашф этди. Бунда ассимиляция (фотосинтез) билан диссимиляция (нафас олиш) процесси бир йўла аниқланади.

Маълумки фотосинтез процессида ўсимликнинг барглари оғирлашади, чунки унда ассимиляция маҳсулоти — ассимилянтлар тўпланади. Буни аниқ билиш учун фотосинтез процесси бир неча вақт давом этиши керак.

Сакс бу усулни кашф этишда, барглар оғирлигининг

**16-ЖАДВАЛ**

Ҳиммиккниң оғирлиги, 2		Сүвнинг миқдори, $\theta$		Сүвнинг % Намуналар ўртасининг фарқи, $\Delta$		Япроқларнинг умумий сатхи, $c \cdot M^2$	
Нам		Курук #		Сони		Донорлар сатхи, $c \cdot M^2$	
				япроқлар		Донорлар	
a	б	B=a-б	$2=\frac{b \cdot 100}{a}$	$\Delta=T_2-T_1;$ $M_3-M_2$ $M_4-M_3$ ба X K.	a	б	$\Gamma=6 \cdot B$
							$\Gamma=a-\Gamma$
							$e$
							$\mathcal{K}=\frac{e \cdot r}{g}$

оиниши қүёш нури таъсирида бораётган фотосинтез процесси натижасида ҳосил бўлган қуруқ модда ҳисобига эканлигига асосланди.

Асбоб ва реактивлар: бюксар, фильтр қоғози, аналитик тарози, қора ҳамда оқ қоғоздан ясалган халтачалар, эксикатор, парма, петри косачаси ёки кристализатор қайчи ва оддий қоғозлар.

*Ишининг бориши.* Бунинг учун одатда 20 тадан ёки ундан кўпроқ барг олиб, уларнинг ярми марказий томир ёнидан қирқиб олинади. Қирқиб олинган баргларни (тўқималарини сувга тўйинтириш учун) кристализатор ёки петри косачасидаги сувга 30—40 минут ботириб қўйилди, чунки барг сатҳ бирлигининг оғирлиги баравар бўлиши керак. Баргларни сувдан олиб (устидаги суви фильтр қоғозига шимдирилади), пўкак пармасида улардан камида 100 дона доирача ўйиб олинади (пўкак парма найчасининг ички сатҳи маълум бўлиши шарт, уни формуласи орқали топилади). Доирачаларни оғирлиги олдиндан аниқлаб қўйилган бюксарларга солиб, аналитик тарозида тўртинчи белгигача аниқ қилиб тортилади. Сўнг қуритиш шкафига қўйиб (доимий оғирликкача) қуритилади. Ҳар гал қуритиш шкафидан олиб тортишдан олдин эксикаторда совитилади. Ҳўл ва қуруқ оғирликлар ўртасидаги фарқ умумий сув бўлади. Тажриба мақсадига мувофиқ маълум вақт ўтгач (масалан, 4—6 соат), ўсимликда қолдирилган баргнинг иккинчи ярмини олиб унинг ҳам аввал сатҳи, ҳўл оғирлиги, сўнг доимий қуруқ оғирлиги аниқланади: тажриба натижасида олинган данилларга қараб ўтган вақт (4—6 соат) ичida япроқнинг 1 м<sup>2</sup> сатҳида тўпланган мураккаб органик модда ассимилянтлар миқдори ҳисоблаб чиқилади.

Лекин тажрибадан олинган оғирликлар ўртасидаги фарқ ҳали фотосинтез активлигини ифодаламайди, чунки органик моддаларнинг бир қисми баргдан ўсимликнинг бошқа органларига, масалан, поя, илдиз ва бошқаларга озиб кетиши ва нафас олиш (диссимиляция) жараёнларига сарфланади. Буларни ҳисоблаш учун тажрибани қоронгидан олиб боришга тўғри келади. Бунинг учун шу ўсимликнинг фотосинтез жараёнини аниқлаш мақсадида ажратилган баргларга яқин жойлашган бошқа баргларнинг ярми қирқиб олинади, ўсимликда қолган баргнинг ярмига қора қоғоздан халтача кийгизилади (қора қоғоз халтача устидан оқ қоғоз халтача кийгизиб

Тажри- ба ту- ри	Ўсим- лик но- ми	Ўйиб олинган доирачалар- нинг умумий сатҳи	Ҳар бир доирача сатҳи $1,5 \text{ см}^2$	Эрталаб олин- дан доиралар		4–6 соатдан сўнг	
				умумий сатҳи $\text{см}^2$	нам оғирли- ги, г	қуруқ оғирли- ги, г	нам оғир- лиги, г
				A	a	б	$a_1$

17- жадвал

Қуруқ оғирлиги үртасидаги фарқи, фо- тосинтез маҳсулі	Қора халта и чига солин- гунча		Қора халтада 4—6 соат тур- гандан сүнг		Нафас олишга сарф- ланган орган модда оғирли- ги, г	Фото- синтез- да ҳо- сил бўлган қуруқ модда, г
	нам оғирли- ги, г	қуруқ оғирли- ги, г	нам оғирли- ги, г	қуруқ оғирли- ги, г		
$b=b_1$	Г	Д	$\Gamma_1$	$D_1$	$e=\Gamma_1-D_1$	$ж=D_1$

ки оқ қоғоз ёпиштириб сүнг кийгизилади, акс ҳолда барг үеш нури таъсирида жуда ҳам қизиб кетади). Белгилан-  
ни вақт ўтгач, иккинчи халтачага солиб қўйилган барг  
немлари олиниб улардан ҳам доирачалар ўйиб олина-  
ни ва юқоридагидек доимий оғирликкача қуритилади.  
Ўнгра сатҳнинг дастлабки оғирлиги билан охирги (қо-  
ни халтадан олингани)си таққосланади. Бу оғирликлар  
ртасидаги фарқ нафас олиш вақтида сарфланган ва  
симликнинг бошқа аъзоларига ўтиб кетган моддалар-  
ни миқдорини кўрсатади. Тажриба натижаларига  
араб фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган мураккаб  
органик моддалар миқдори топилади. Бунинг учун фото-  
синтез маҳсулотини аниқлашда топилган сон нафас  
лиш жараёнида, йўқолган органик модда миқдоридан  
топилган сонга қўшилади.

В. Л. Вознесенский ва О. А. Семихатова (1965) лар-  
нинг ёзишларича, кейинги вақтларда Сакснинг бу клас-  
ни усулини такомиллаштирувчилар, ўзгартиш киритув-  
чилар жуда ҳам кўп бўлган. Аммо бу олимлар уларнинг  
ортасининг ҳам фикрига қўшилмаганлар.

Агар бу усул барча аниқликлари билан ишланса, таж-  
риба турлари ўртасидаги фарқ очиқ кўринади. Фото-  
синтез интенсивлиги қўйидаги жадвал აсосида аниқла-  
ниди.

#### 6· машғулот. Фотосинтез процессида карбонат андидриднинг зарурлигини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: қоронғида турган ўсим-  
ник, кенг бўйинли 1—1,5 л ҳажмли банка, банкалар  
учун ўртаси тешик пробка, натрон оҳаги, стаканчалар,  
учли ишқор, мармар бўлаклари, 1 % ли сульфат кисло-  
таси, стол лампаси.

Фотосинтез процесси яшил ўсимликларда ҳавода кар-  
бонат ангидрид бўлган вақтда ўтади. Баргларда ёруғлик  
таъсирида крахмал ҳосил бўлишидан фойдаланиб, уни  
 $O_2$  бўлган ва бўлмаган атмосферада сақлаб, ҳаво кар-  
бонат ангидридининг фотосинтез учун зарурлиги аниқ-  
лашади.

Ишнинг бориши. Иккита 1 л ли банка олиб, устини  
ртаси тешикли пробка билан беркитилади. Биринчи  
банканинг қонқоғидаги тешикка натрон оҳаги солинган  
рубка жойлаштирилади (14- расм). Иккинчи банкадаги




14-расм. Фотосинтез учун  $\text{CO}_2$  нинг зарурлигини кўрсатувчи асбоб.

пробка тешиги пахта билан беркитилади. Банкалар ичига сувли стаканча қўйиб, уларга қоронғида сақланган ўсимликнинг баргли новдаси туширилади. Биринчи банкага, яна ҳаводаги  $\text{CO}_2$ ни ютиши учун кучли ишқор солинган бюкс ҳам туширилади. Иккинчи банкага эса ичига мармар бўлаклари ва 1% ли сульфат кислота солинган стаканча қўйилади (банка ичидаги атмосфера таркибида  $\text{CO}_2$ ни ошириш учун). Банкалар оғзини яхшилаб ёпиб, ичидаги баргларга 2—4 соат давомида ёруғлик таъсир эттирилади. Сўнгра худди олдинги ишда кўрилганидек баргда крахмал ҳосил бўлгани аниқлашади. Машгулотнинг якунини муҳокама қилиб ёзиб олинади.

### 27-машғулот. Фотосинтез процессида кислород ажралиб чиқишини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: сув ўсимлиги, катта банка, шиша воронка пробирка, гугурт.

Фотосинтез процессида яшил ўсимликлардан ташки мұхитга кислород ажралиб чиқади. Буни кўриш учун банкага сув қўйилади ва ичига элодея ўсимлиги поясдан бир нечта кесиб олиб, кесик томонини юқорига қилиб жойлаштирилади. Сув ичидаги кесиги янтиланади. Воронкани банкадаги сув ўсимлиги устига туширилади. Бунда воронка учи ҳам сувга ботиб туриши керак. Сувга озгина чой содаси ( $\text{NaHCO}_3$ ) солиб, карбонат ангидридга бойитилади. Пробиркага яхшилаб сув тўлатиб, бош бармоқ билан оғзини ёпиб сув ичидаги воронка учига кийгизамиз. Сўнгра ҳамма асбоб (прибор) (15 расм) ёруқقا қўйилади. Бу вақтда поянинг кесилган жойидан кислород газ пуфакчаси шаклида ажралиб чиқиб, пробиркага йифила бошлайди. Пробирка газга тўлгандан кейин уни эҳтиётлик билан олиб оғзига чўғ ёки гугурт чўпи туширилса, кислород таъсирида ёниб кетади.




15-расм. Сув ўтларидан фотосинтез вақтида кислород ажралып чиқиши.

### 28-машғулот. Фотосинтез процессиға ташқи шароитнинг таъсири

Асбоб ва реактивлар: элодея ўсимлиги солинган аквариум,  $\text{NaHCO}_3$  (ичимли сода), 1% ли  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$  эритмаси, 4% ли мис купороси эритмаси, пинцет, пуфакчаларни ҳисобга олуучи асбоб, соат, стол лампаси, электроплитка, термометр, линейка.

Фотосинтез процессининг интенсивлигига ташқи шароит таъсирини аниқлашда кислород пуфакчаларини ҳисобга олиш усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усул фақат сув күльтураси учун қўлланилиб, жуда оддий ва фотосинтезга таъсир этувчи ташқи шароит билан чамбарчас боғлиқ бўлиши билан храктерлидир.

*Ишининг бориши.* Кюветкадаги сувга солинган элодея ўсимлиги новдасининг кесигини янгилаб, новданинг кесилган томонини юқорига қилиб сув тўлатилган пробиркага солинади. Ўсимлик новдасини пробиркага солишдан алдин ичига озгина чой содаси ( $\text{NaHCO}_3$ ) солиб, яхшилаб чайқатилади (сувни карбонат ангидридга бойитиш учун). Шу тариқа тайёрланган ўсимликда турли ташқи шароит таъсирида фотосинтезнинг боришини кислород пуфакчалари ажралып чиқишига қараб аниқланади:



16-расм. Сув ўтларида фотосинтез пресцессига ёруғлик интенсивлигининг таъсири.

**а) ёруғлик миқдорининг таъсири.** Катта идишга  $30^{\circ}$  сув тўлдириб, унга элодея ўсимлиги солинган пробир туширилади (16-расм). Уни ёруғлик манбай ҳар хи бўлган масофага қўйиб, ажралиб чиқаётган кислород пуфакчаларини ҳисоблаш орқали ёруғликнинг фотоси тезга таъсири аниқланади. Натижалар 18-жадвалга ёзи олинади;

**б) ёруғлик сифатининг таъсири.** Элодея ўсимлиги солинган пробиркани сувга (оқ экранга) солиб, ажрал чиқаётган кислород пуфакчалари сони аниқланад Сўнгра катта идишдаги пробиркага солинган сув  $K_2Cr_2O_7$  эритмаси билан алмаштириб (сариқ экран кўк бинафша нур ушлаб қолинади), сўнгра аммиак билан бойитилган мис купороси эритмаси билан алмаштириб (кўк экранда қизил нур ушлаб қолинади), ажралиб чиқаётган кислород пуфакчалари миқдори аниқланади. Натижалар 18-жадвалга ёзиб олинади;

**в) температуранинг таъсири.** Ёруғлик манбайдан бихил масофага қўйиб, пробиркадаги ўсимликни олд

иссиң сувга, сүнгра совуқ сувга солинади. Бунда ажралып чиқадиган кислород пуфакчалари сони ва сув температурасини 18- жадвалга ёзиб борилади.

### 18- жадвал

Текширилаётган эритма см	Такрорий аниқлаш			
	I	II	III	Үртacha малумот
a) ёргулук манбаидан узоқлиги,				
5				
10				
20				

b) ёргулук сифати:

Оқ экран  $H_2O$

Сариқ экран  $K_2Cr_2O_7$

Күк экран  $CuSO_4$

b) температура ( $^{\circ}C$ )

Хар хил ташқи шароитнинг фотосинтезга қандай таъсир этганига якун ясанг.

### 29- машғулот. Үсимликларни карбонат ангиридид ( $CO_2$ ) билан озиқлантириш

Асбоб ва реактивлар: 300—500 г тупроқ сифадиган гул тувакчалар (15 та), боғ тупроғи, Кноп ёки Гельригель озуқа эритмаси, 25—30 л ҳажмли шиша қалпоқ ёки аквариум, ичимли сода ( $NaHCO_3$ ), концентраланган хлорид кислота ( $HCl$ ), соат ойначалари.

Үсимликларда борадиган фотосинтез процессида органик моддалар ҳосил бўлади. Үсимликнинг ҳосил миқдори ана шу органик моддалар миқдорига боғлиқ. Фотосинтез процесси асосан сув билан карбонат ангиридид штироқида боради. Карбонат ангиридид атмосфера таркибида жуда оз — ўртача 0,03 % ни ташкил қиласи ёки бир литр ҳаво таркибида 0,57 мг бўлади. Шунинг учун үсимликлардан юқори ҳосил олишда ҳаво — атмосфера таркибидаги  $CO_2$  миқдорини ошириш катта аҳамиятга эга. Буни қўйидаги тажрибадан кўриш мумкин.

Ишининг бориши. Тувакчаларга минерал ўғитлар алаштирилган тупроқ солинади. Эрта баҳорда уларга 5—6 тадан сараланган редиска уруғи сепилади. Уруғлар униб чиққанидан кейин майсаларни ягана қилиб 2 тадан үсимлик қолдирилади. Шундай қилиб тайёрланган 15 та тувакчани бештадан 3 хил вариантга ажратилади.

Биринчи вариантдаги 5 та тувакчадаги ўсимликни шиша қалпоқ ёки аквариум билан ёпиб, уларни карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) билан ўғитлантирилади.

Иккинчи вариантдаги ўсимликларни ҳам шиша қалпоқ ёки аквариум билан ёпиб уларга карбонат ангидрид берилмайды. Бу биринчи вариантдаги тажрибага контрол бўлиб хизмат қиласди.

Учинчи вариантдаги ўсимликлар очиқ қолдирилади.

Улар биринчи ва иккинчи вариант учун контрол ҳи-собланади. Сўнгра бу ўсимликларни ёруғ жойга қўйи-лади.

Биринчи ва иккинчи вариантдаги ўсимликлар ҳар куни (куннинг иккинчи ярмида) 2—3 соатдан шамоллатиб ту-рилади.

Биринчи вариантдаги ўсимликларни ҳар куни кар-бонат ангидрид билан озиқлантириб туриш керак. Бунинг учун соат ойнасига 1—2 г тоза сода ва устига 3—5 мл суюлтирилган хлорид кислота қўйиб (концентранган кислотани 2—3 марта суюлтирилгани) қалпоқ остига-қўйилади.

Шундан кейин сода билан хлорид кислота реакция-га киришиб  $\text{CO}_2$  (карбонат ангидрид) ажralиб чиқади. Ажralиб чиқаётган карбонат ангидрид қалпоқ остидаги ўсимликлар томонидан фотосинтез процессида қабул қи-линади.


Тажриба 15—20 кун давом этгандан кейин ўсимли-ларнинг ташқи кўринишида контрол ўсимликларга нис-батан сезиларли ўзгаришлар юз беради (17-расм).

Тажрибадан карбонат ангидрид билан озиқлантирил-ган ўсимликлар контрол ўсимликларга нисбатан 1,5—2 марта катта ва бақувват бўлиб ўсиб ҳосили ҳам анча ошганини кўриш мумкин. Буни ўсимликларни поя ва илдизмеваларини алоҳида-алоҳида ўлчаб аниқлаш мумкин.

## ЎСИМЛИКНИНГ ИЛДИЗДАН ОЗИҚЛАНИШИ

30-машғулот. Ўсимликлардаги кул миқдорини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: ҳавода яхши қуритил-ган ўсимликнинг турли қисмлари (пояси, барги, уруғи) қисқич, тошли тарози, тигеллар, дастали ҳовонча, скаль-



17-расм. Редисканы карбонат аңгидрид билан озиқлантириш:

1 — карбонат аңгидрид билан озиқлантирилган редиска;  
2 — шиша қалпоқ ёки аквариум билан ёпиб, карбонат аңгидрид берилмаган редиска; 3 — очиқ қолдирилган (контроль) редиска.

пель, муфель печкаси, электроплитка, нина ёки тұғнағич, пипетка билан 10% ли  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  әритмаси, қайчи.

Ұсимликни ёндириганда маълум миқдорда кули қолиб, унинг таркибида ҳар хил моддалар бўлади. Бундай моддаларга кул элементлари дейилади. Кул таркибида бўлган ҳамма элементларни үсимликлар илдизи орқали туроқдан ёки бошқа ўсаётган мұхитдан минерал элементлар ҳолида олади. Үсимликларни турли қисмларида ва органларида бўлган кулнинг миқдори ҳамда унинг таркиби ҳар хил бўлади. Бу үсимликнинг ўсиб турган шароитига ва унинг биологик, физиологик хусусиятларига боғлиқ.

*Ишининг бориши.* Кули аниқланадиган үсимлик органлари: пояси, барги, уруғи яхшилаб қайчидан ёки ҳовончада майдаланади. Қиздириб, сўнгра эксикаторда совитилган тигелни 0,01 г аниқликда тортиб олинади. Сўнгра шу тигелга текшириладиган үсимлик қисмини солиб, қайта тортиш ўйли билан унинг миқдори аниқланади (намуна учун үсимлик поясидан 3 г, барги эса 1—2 г дан кам бўлмаслиги керак). Сўнгра тигелнинг қопқоғини ёпиб, муфель печида 20—30 минут аста-секин қиздириб куйдирилади. Агар тўлиқ қиздириб куйдирилганда ичидаги кўмирлари бўлса, унга оксидлаш мақсадида 5—8 томчи 10% ли  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  әритмасидан томизиб,

тигель ичидағи эритма буғланиб кетгүнің қадар әлектр плитка устига құйымиз. Шундан кейин тигелни қайта мүфель печига құйиб, қыздыриб куйдиришни давом эттирамиз. Шундай қилиб ўсимлик материалы тұлиқ қыздыриб куйдирилгандан кейин тигелни экспикаторда совитамиз. Текширилган ўсимлик қысмларида қанча кул қолганини 19- жадвалға ёзиб аниқланади.

19- жадвал

Текширил- ган объект	Ўсим- ликнинг қисми ёки ор- гани	Тигель номері	Тигель оғирлиги, г	Соф оғирлиги, г	Кул- нинг миқдори
			бүш оғирли- ги, г	матери- ал би- лан оғирли- ги, г	кул би- лан оғирли- ги, г

### 31- машұлт. Кул таркибидаги элементларни аниқлаш.

Асбоб ва реактивлар: кул, дистилланған сувли стакан, аммиак, 10% ли хлорид кислота ( $HCl$ ), 1% ли сульфат кислота ( $H_2SO_4$ ), 1% ли  $PtCl_4$ , 1% ли  $Na_2HPO_4$ , 1% ли 12 ( $NH_4$ )<sub>2</sub>  $MoO_4$ , 1% ли  $Cr (NO_3)_2$ , 1% ли сарық қон тузи (калий феррицианад) 3  $K_4Fe (CN)_6$  эритмаси, шиша тәқчә, нина, фильтр қофози, буюм ойнаси, пробирка, кичик воронка, микроскоп, тигель.


Ўсимліктардан олинған кул таркибидегі күп миқдорда ҳар хил элементлар бўлади. Уларнинг тури ва миқдори ўсимлик ўсиб турған тупроқ шароитига ва ўсимлікни биологик, физиологик хусусиятларига боғлиқ.

*Ишнинг бориши.* Пробиркага текширилған ўсимлик кулидан озроқ солиб, устига 10% ли хлорид кислотасидан қыйиб яхшилаб чайқатилади. Реакция тугагандан кейин пробиркадаги аралашма фильтранади. Шу фильтрдан ўтган эритмада калий, кальций, магний, темир, фосфор ва олтингүргүт элементлари бор-йүқлиги буюм ойнаси устида ўтадиган турли реакциялар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун буюм ойнасининг бир чеккасига фильтрдан ўтган эритмадан пипетка ёрдамида бир томчи томизилади. Сүнгра буюм ойнасининг иккінчи чеккасига кул элементини аниқлаш учун құлланилади.

ган реактивдан бир томчи томизилади (иккала томчи бир-биридан 1—2 см оралиқда бўлиши керак). Ойна устидаги бу икки хил томчилар шиша таёқча ёки нина ёрдамида бир-бирига дуга шаклида қўшилади. Буюм ойнаси устидаги томчиларнинг шу қўшилган жойи қуригандан кейин микроскоп остида кўрилади. Бунда ҳар қайси реакциянинг ўтишида элементларнинг ўзига хос тузилган кристаллари ҳосил бўлганлиги кузатилади.


### **Калийни аниқлаш**

Бунинг учун реагент сифатида платина хлорид тузининг 1% ли эритмаси ишлатилади. Реакция натижасида ҳосил бўлган туз кристаллари сарғиш яшил рангда товланиб туради. Бу кул таркибида калий борлигини кўрсатади. Реакция қўйидагича боради (18-расм, а):




### **Кальцийни аниқлаш**

Бунинг учун фильтрдан ўтган эритмага 1% ли сульфат кислота эритмаси қўшилади. Реакция натижасида гипснинг нинасимон ва бошқа шакллардаги кристаллари ҳосил бўлади. Бу кул таркибида кальций борлигини кўрсатади. Реакция қўйидагича боради (18-расм, б):




### **Магнийни аниқлаш**

Бунинг учун фильтрдан ўтган эритмадан 1 томчи олиб буюм ойнаси устига томизиб, амиак билан нейтралланади. Сўнгра бу томчига натрий гидрофосфатнинг 1% ли эритмасидан 1 томчи олиб бир-бири билан қўшилса, юлдузсимон, яшиксимон ва патсимон кристаллар ҳосил бўлади. Бу кул таркибида магний элементи борлигини кўрсатади. Реакцияси қўйидагича боради:




### **Фосфорни аниқлаш**






Бунинг учун фильтрдан ўтган эритмага аммоний молибдатнинг нитрат кислотада тайёрланган 1% ли эритмасидан 1 томчи томизилса, яшил рангли думалоқ, тўрт











*a*



*b*



*б*




*г*

18-расм. Турили минерал элементларнинг кристалл шакллари (микроскопда кўриниши):


*а* — калий кристаллари; *б* — кальций кристаллари;  
*в* — магний кристаллари; *г* — фосфор кристаллари.

ва уч қирралы кристаллар ҳосил бўлади. Бу кул таркибида фосфор борлигини кўрсатади. Реакция қўйидагича боради (18-расм, в, г):




## Олтингугуртни аниқлаш

Кул таркибида олтингугурт борлигини аниқлаш учун реактив ўринида 1% ли нитрат кислотанинг стронций нитрат тузи эритмасидан фойдаланилади. Бунда майдা, сариқ рангли думалоқ кристаллар ҳосил бўлади. Бу олтингугурт борлигини кўрсатади. Реакция қўйидагича боради:



## Темирни аниқлаш

Кул таркибида темир элементи борлигини аниқлаш учун рангли реакциядан фойдаланилади. Реакция оқ ойна устида ёки пробиркада олиб борилади. Бунинг учун фильтрдан ўтган кул эритмасига 1% ли сариқ қон тузи эритмаси қўшилса, кўк ранг (берлинг лазури) ҳосил бўлади. Реакция қўйидагича боради:



## 32-машғулот. Ўсимликда азот ва азот кислота борлигини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: қуриган ҳамда қуриманган янги барг, ҳўл (янги) илдиз, пробирка, спирт лампа, чинни тигель, оқ пластинка, воронка, фильтр қозози, натрий металли, темир (III)-оксиди ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ) ва темир (II)-оксиди ( $\text{FeO}$ ), 10% ли хлорид кислота, дифениламиннинг кучли сульфат кислотадаги эритмаси.

Азот ўсимлик массаси ёнганда ҳавога учиб кетгани сабабли уни кул таркибидан эмас, балки ўсимлик массасида қўйидаги усуllibарда аниқланади.

## Азотни аниқлаш

*Ишининг бориши.* Бунинг учун пробиркага аниқлана-диган ўсимлик массасининг майдаланган унидан бир чимдим олиб устига нўхатдек натрий метали солинади, спирт лампасида қип-қизил чўғ бўлгунча қиздирилади. Бу вақтда борадиган реакция натижасида органик модда таркибидаги азот ҳисобига цианид ҳосил бўлади. Қизи-ган пробиркани ичидаги 1—2 мл суви бўлган тигель ичига туширилса, тезда сингиб кетади. Ундаги эритма яхши-лаб аралаштириб фильтранади. Сўнгра 2—3 томчи фильтратга темир (III)-оксиди ва темир (II)-оксиди-дан бир неча бўлакча қўшиб, 10 % ли HCl кислотасидан 1—2 томчи томизиб нордонлаштирилса, у азот таъсири-дан кўк рангга киради. Агар текшириладиган ўсимлик таркибида азот кўп бўлса, кўк (берлинг лазури) рангга, азот кам бўлса, кўкимтир рангга киради.

## Азот кислотани аниқлаш

Илдиз ёки баргдан олинган ҳўл тўқимани оқ плас-тинкага қўйиб, шиша таёқча ёрдамида яхшилаб эзилади ва устига дифениламиннинг кучли сульфат кислотадаги эритмасидан куйилади. Бунда текширилаётган ўсимлик тўқимасида азот кислота бўлса, кўк рангга киради. Рангнинг тўқ ёки оч бўлиши азот кислотанинг миқдорига боғлиқ.

## ЎСИМЛИК ТАРКИБИДАГИ АЗОТ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Азот ўсимлик таркибидаги органик моддалар — оқ-силлар, аминокислоталар, амидлар, нуклеин кислота, хлорофилл пигментлари, алколоидлар ва бошқа жуда кўп шу хилдаги бирикмаларда учрайди. Ўсимлик ҳоси-лининг миқдори ҳамда сифати ана шу органик моддаларнинг тури ва миқдорига боғлиқ.

Шунинг учун ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши-нинг айрим даврларида, унинг айрим органларида азотнинг умумий миқдори ва унинг оқсилли ва оқсилсиз груп-паларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

### 33-машфулот. 1. Умумий азот миқдорини аниқлаш

Хўл ўсимлик тўқималарида умумий азотнинг миқдори 0,1 % дан 6,0 % гача ва ундан ҳам ортиқ бўлади.

Масалан: картошка тугунағида 0,3—0,5%, баргидаги 0,3—1,0%, фалла ўсимликларининг донида 1,5—3,5%, дуккали ўсимликлар донида эса 4,0—6,0% азот бўлади.


Асбоб ва реактивлар: концентрангланган сульфат кислота ( $H_2SO_4$ ), (солиштирма оғирлиги 1,84 бўлган  $H_2SO_4$ ), сув ҳаммоми, аммиакни ҳайдайдиган асбоб, Къелдаль колбаси, микробюретка, стакан, воронка ва пипеткалар, 50 ва 100 мл ли ўлчов колбалари, кулсиз фильтр, 30—40 % ли натрий ишқори ( $NaOH$ ), 50 % ли трихлорсирка кислота, борат кислота, спирт, қизил метил ранги, тўтиёйи эритмаси ( $CuSO_4$ ), селен,  $K_2SO_4$  ва яшил бромкрезол.

*Ишининг бориши:* Ўсимликдан олинган намунани сифими 50—100 мл ли Къелдаль колбасига солиб, устига 5 мл сульфат кислота қўйилади. Намунанинг ёнишини теззалиш учун колбага 0,5 г катализатор аралашмаси ( $K_2SO_4 : CuSO_4 : Se$ ) (100 : 10 : 1) ёки 0,05 г селен металини ўзидан солинади.

Катализатор қўшилгандан сўнг колба ичидағи эритма бутунлай рангизлангунга қадар қиздирилади. Шу тартибда колбадаги намуна ёниб бўлгандан сўнг, колба совитилади. Ичига озоқ сув қўйиб 50—100 мл сифидаги бошқа колбага қўйилади. Сўнгра бу колбалардаги эритмага дистилланган сув қўйиб ҳажмини 50 ёки 100 мл га қадар олиб борилади.

Шундан кейин Къелдаль аппаратида (19-расм) аммиакни ҳайдаш орқали азот миқдори аниқланади. Къелдаль аппаратини азотни аммиак буғига айлантириб берувчи совитгичи ва қабул қилувчи қисмлари бўллади. Колба ичига жўмракли воронка ёрдамида унинг ичидағи буралган труба орқали ишқор қўйилади.

Аммиакни ҳайдаш учун қўйдирилган суюқликдан 10 мл олиб Къелдаль колбасига солинади. Сўнгра аппаратнинг қабул қилувчи қисмига таркибида конвой индикатори бўлган 2% ли борат кислотасидан 10 мл қўйилади (бу реактив қўйидагича тайёрланади. 20 г борат кислота 200 мл спирт ва 700 мл сувда эритилади). Сўнгра унга 0,33 г кўк бромкрезол ва 0,66 г қизил метил рангининг 100 мл абсолют спиртдаги эритмасидан тайёрланган



19- расм. Үсімлік таркибидаги азот миқдорини аниқлашда құлланиладын Қыельдаль асбоби.

индикаторидан 10 мл құшилади. Шундай қилиб борат кислота индикатор билан аралашганидан сүнг унга очпушти ранг ҳосил бўлгунига қадар 0,05 н. NaOH дан томизилади. Шулар тайёрланганидан сүнг Қыельдаль колбасига 5 мл 30—40% ли NaOH эритмаси юборилади ва плиткада қизиб турган колбадан пар юборилади. Шу вақтда аммиак Қыельдаль колбасининг қабул құлувчи қисмiga ҳайдалади. Шундай қилиб аммиакни ҳайдаш 15—20 минут давом этади.

Аммиак қабул қилиш қисмiga тўлиқ ҳайдаб бўлингандан сүнг уни Қыельдалдан ажратиб олинади.

Аммиак ҳайдалган суюқликни микробюретка ёрдамида 0,01 н. H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> билан титрланади.

Олинган натижадан умумий азот миқдори қуйидагича аниқланади. Титрлашга кетган ҳар бир мл H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> миқдори 0,14 мг азотга теңг бўлган аммиакни бириктиради. Титрлашга кетган H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> умумий миқдорига қараб су-

юқлик таркибида қанча умумий азот борлиги қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади.

$$X = \frac{a \cdot T \cdot 0,14 \cdot 100 \cdot 100}{H \cdot 10},$$

Бунда  $X$  — азотнинг умумий миқдори, %;

$a$  — титрлашга кетган 0,01 н.  $H_2SO_4$  нинг умумий миқдори;

$t$  — 0,01 н.  $H_2SO_4$  титрига тузатиш;

100 — процентга айлантириш коэффициенти;

$H$  — олинган ўсимлик намунасини абсолют (қуруқ) оғирлиги, мг.

### 34-машғулот. Оқсилли азотни аниқлаш

Асобоб ва реактивлар: ўсимлик намунаси, 100 мл сифимдаги стаканлар, шиша таёқча, плитка, фильтр, 5% ли  $CCl_3COOH$ , (трихлор сирка кислота) воронжалар, термостат, соат, кучли  $H_2SO_4$ , катализатор, Къелдаль колбаси ва бошқалар.

*Ишининг бориши.* Бунинг учун 1—2 г ўсимлик намунасини яхшилаб қуритилади, майдаланади ва 100 мл сифимдаги стаканга солиб устига 25 мл сув қўйиб қайнагунча қиздирилади. Қиздириш вақтида шиша таёқча ёрдамида арлаштириб туриш керак. Агарда таркибида крахмали кўп ўсимлик намунаси (галла ва дуккакли ўсимликлар дони ёки картошка тугунаги) бўлса уларни қайнатмасдан фақат 50°C гача қиздириш керак (чунки юқори температурада крахмал кристалланади). Қисқа муддатли қиздиришдан сўнг 5% ли трихлорсирка кислота ( $CCl_3COOH$ ) билан оқсил чўқтирилади. Бунинг учун стакандаги эритмага шу кислотадан 5 мл қўшиб 30—40 минут сақлаб, сўнгра кулсиз фильтр орқали фильтранади. Стакан ва фильтрдаги чўкма шу кислотанинг 2% ли эритмаси билан бир неча марта чайилади. Фильтрлаш тугагандан сўнг фильтр воронка билан олиниб термостатда 1—2 соат 0—60° С да қуритилади. Фильтр қоғози воронкадан енгил кўча бошлаганда учичидаги чўкма билан олиб Къелдаль колбасига солинади ҳамда устига 5—7 мл кучли  $H_2SO_4$  қўйилади ва катализатор қўшиб куйдирилади. Бунда ҳам амииакни ҳайдаш ва ҳисоблаш худди умумий азотни аниқлаш каби олиб борилади. Оқсилли азот миқдори азотда қуруқ модда миқдорига нисбатан процент ҳисобида чиқарилади.

## Оқсилсиз азотни аниқлаш

Азотнинг оқсилсиз бирикмаси кўпчилик ўсимликларнинг пишган уруғида 5—15%, баргларида эса 10—30%, илдиз мевали ўсимликларнинг илдизида, картошкада 50% га қадар бўлади. Оқсилсиз азот миқдорини юқорида аниқланган умумий азот миқдоридан оқсилли азот миқдорини айириб топиш мумкин ёки оқсилли азотни чўқтириб фильтратни кўйдириш орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Оқсилли азотни чўқтириш учун сарфланган эритмани фильтрдан ўтган қисмини 100 мл сифимли колбага йиғиб уни дистилланган сув билан белгисига яъни 100 мл га қадар олиб борилади. Сўнгра шундан 50 мл олиб Қеълдаль колбасига қўйилади. Уни устига кучли  $H_2SO_4$  дан 3—5 мл қўшилади ва аста-секин узоқ вақт қайнатилади. Қайнаш натижасида сув тўлиқ парланиб кетиши керак. Шундан кейин колбага катализатор солиб ундаги органик модда тўлиқ рангизлангунига қадар қиздирилади.

Сўнгра колбада қолган қолдиқни 50 мл сифимдаги колбага солинади. Шундан аммиакни ҳайдаш учун 10 мл, оқсилсиз азоти кам намуналарда 20 мл олиб ундаги азот миқдори худди умумий азотни аниқлаш каби олиб борилади.

Бунда намунали эритма неча марта суюлтирилганлигини ҳисобга олиш керак.

## 35-машрут. Катион ва анионларнинг плазмолиз шакли ҳамда вақтига таъсири

Асбоб ва реактивлар: микроскоп, қизил пиёз, қоплагич ва буюм ойнаси, устара, нина, 0,7 M (молярли)  $Ca(NO_3)_2$ , 1,0 M ли  $KNO_3$  ва 1,0 M ли KCNS туз эритмалари.

Катион ва анионлар протоплазмага ўзига хос ҳар хил таъсир кўрсатади. Уларнинг бундай таъсирини проплазманинг ёпишқоқлиги, сувга тўйиниши ва бўкиш хусусиятларидан аниқ кўриш мумкин. Масалан, бир валентли катионлар таъсирида проплазма шишса, икки валентли катионлар таъсирида эса аксинча сиқилади. Протоплазмага анионларнинг таъсири ҳам ана шундай турли хусусиятда бўлади.

*Ишининг бориши.* Қизил антоциан рангли пиёзнинг пастки эпидермисидан кичик бир бўлакча кесиб олиб,

уни буюм ойнасадаги бир томчи туз эритмасы устига қўйиб, қоплагич ойна ёпиб дарҳол микроскоп остида кўрилади. Плазмолизни бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши кузатилади ва қавариқ плазмолиз вақти аниқланади. Тажриба натижалари 20-жадвалга ёзилади ва хулоса қилинади.

20- жадвал

Тузнинг номи	Эритма концентрацияси, моль ҳисобида	Тўқимани эритмага тушириш вақти	Қавариқ плазмолизга ўтган вақти	Плазмолиз вақти
Ca ( $\text{NO}_3$ ) <sub>2</sub>	0,7			
KNO <sub>3</sub>	1,0			
KCNS	1,0			

### 36- машғулот. Айрим минерал элементларнинг ўсимликни ўсишига таъсири.

Асбоб вареактивлар: яхшилаб ювилган ва қиздирилган, сув сифими аниқланган дарё қуми (кварц қуми бўлса яхшироқ). Яхшилаб ювилган ва қиздирилган майдада тош, қоғоз ёки материалдан филофи бўлган 0,7—1,0 л ҳажмли шиша банка, кмоп аралашмаси учун озиқ эритмаси, пахта, ғалла ва бошқа ўсимликлар уруғи, сифонли баллонда дистилланган сув, 20 мл ли бюретка, 250—500 мл ли цилиндр, тошли аналитик тарози, қайчи, 30 мл узунликдаги шиша таёқча, каноп, ип, елим ва ёзув қозози.

Ўсимликка бирор хил минерал элементнинг зарурлигини билмоқ учун ўсимлик сунъий усулда сув ёки қумда парвариш қилинади. Аниқлангандан кейин ўсимликка солинадиган озиқ моддалар ичига шу элемент аралаштирилмайди.

*Ишнинг бориши.* Сунъий усулда ўсимликни қумда парвариш қилиш учун банкаларга филоф қопланади ва этикетка ёпишириб тарозида тортилади. Тажриба учун тайёрланган банкаларни оғирлиги бир хилда бўлиши керак. Банкалар оғирлигини (посангি қўйиб) тенглаштириллади. Сўнгра банкалар яхшилаб ювилган ва қиздирилган қум<sup>1</sup> билан тўлдирилади (қумнинг сув сифими

<sup>1</sup> Қум олдин хлорид кислота билан, сўнгра бир неча марта водопровод сувида, кейин дистилланган сувда хлори тамом бўлгунча ювилади. Шундай қилиб яхшилаб ювилган қум муфель печкаларига қўйиб, 400°C гача қизидирилади.

лаборантлар томонидан олдиндан аниқланган бўлиши керак). Банкадаги қум яхши ўтиришгандан кейин банка қайта тортилади. Шундай қилиб, ҳамма банкаларни ҳам тортиб оғирлиги тентлаштирилади. Бу тайёрланган банкаларга қанча сув қўйиш кераклиги аниқлаб олинади. Агар қумнинг сув сифими 18%, банкаларга солинган қумнинг оғирлиги 1350 г бўлса, ҳар бир банкадаги қумнинг тўла сув сифими учун қанча сув керак бўлиши қўйидаги пропорция ёрдамида аниқланади:

100 г қумга 18% сув кетса,  
1350 г қумга X % сув кетади.

$$X = \frac{1350 \cdot 18}{100} = \frac{24300}{100} = 243 \text{ г.}$$

Бу билан банкадаги қумни тўла (100%) сув сифими учун қанча сув керак бўлиши аниқланади. Аммо ўсимликларни нормал ҳаёт кечириши учун 70% намлик етарли бўлади. Буни қўйидаги пропорция ёрдамида аниқланади:

243 г — 100 %,

X г — 70 %,

$$X = \frac{243 \cdot 70}{100} = \frac{17070}{100} = 170,1 \text{ г.}$$

Сўнгра 170,1 г миқдордаги сувни цилиндрда ўлчаб олиб, унинг ичига 21-жадвалда кўрсатилган минерал элементлардан белгиланган миқдорда солинади. Шу тариқа озиқ эритма тайёрлангандан кейин банкадаги қумга бир текисда қўйилади.

#### 21- жадвал

Эритма таркиби	Тузлар (1 кг қумга г ҳисобида)									
	Ca(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	KH <sub>2</sub> PO <sub>4</sub>	NaH <sub>2</sub> PO·H <sub>2</sub> O	MgSO <sub>4</sub> ·H <sub>2</sub> O	KCl	NaCl	CaSO <sub>4</sub> ·2H <sub>2</sub> O <sup>1</sup>	H <sub>3</sub> BO <sub>3</sub>	MnSO <sub>4</sub>	FeCl <sub>3</sub> ·6H <sub>2</sub> O 5% ли эритма
Тўлиқ эритма	1,00	0,25	—	0,25	0,125	—	—	0,003	0,003	1 томчи
N қўшилмаган эритма	—	0,25	—	0,25	0,125	—	1,03	0,003	0,003	1 томчи
P —, —	1,00	—	—	0,25	0,262	—	—	0,003	0,003	1 томчи
K —, —	1,00	—	0,25	0,25	—	0,98	—	0,003	0,003	1 томчи

CaSO<sub>4</sub>·2H<sub>2</sub>O порошок ҳолида солинади.

Сўнгра ҳар бир банкадаги қумга маҳсус таёқча ёрдамида чуқурчалар тайёрлаб, 5 тадан бир хил ўсимлик уруғидан экиласди. Сўнгра банкалар яна қайта тортилиб, натижка оддий қора қалам билан банкаларнинг этикеткасига (банкага ёпиширилган қофозга) ва дафтарга аниқ қилиб ёзиб қўйилади. Тажриба давомида ўсимликлар дистилланган сув билан этикеткада кўрсатилган оғирликка қадар сугориб турилади. Тажриба 2—3 ҳафта давом этади. Тажриба бошланганидан 3—4 кун кейин, уруғларни униб чиқиши аниқланана бошланади. Уруғлар тўла униб чиққанида ҳар банкада иккитадан яхши ривожланган ўсимлик қолдириб, қолганлари олиб ташланади. Тажриба охирида ўсимликларни ташки кўриниши, бўйи ва ер устки қисмининг оғирлиги аниқланади. Илдизлари эса водопровод сувидаги яхшилаб ювилиб, қумдан тозаланади. Сўнгра унинг ҳажми (37-машғулотда кўрсатилганидек) ва оғирлиги аниқланади. Олинган маълумотларнинг ҳаммаси 22-жадвалга ёзилади ва муҳокама қилинади.


#### 22- жадвал

Ўсимлик номи	Эритма таркиби	Ўсимликнинг бўйи, см	Ер устки қисмининг оғирлиги, г	Илдизининг оғирлиги, г	Ўсимликнинг ташки кўриниши
	Тўлиқ эритма N қўшилмаган эритма				
P	—				
K	—				

37- машғулот. Буғдой илдизини соғ тузда ва тузлар аралашмасидан тайёрланган эритмада ўсиши (ионларнинг қарама-қаршилиги)

Асобоб ва реактивлар: 100 мл ли колбалар, буғдой ўсимтаси, дока, парафин, электроплитка, тоза  $\text{NaCl}$ ,  $\text{KCl}$ ,  $\text{CaCl}_2$  тузларнинг 0,12 н. (нормал) эритмаси, 50 мл ли бюретка, пипетка.

Ўтказилган тажрибалардан соғ тузнинг ўсимлик организмiga заарли таъсирини биламиз. Эритмага бошқа бир қанча тузларни қўшиш орқали заарли ҳодисанинг



20-расм. Турли минерал элементларнинг илдизни ўсишига таъсири:

*a* — азотсиз эритмада; *б* — фосфорсиз эритмада; *в* — калийсиз эритмада; *г* — ҳамма элементлар солинган эритмада.

олдини олиш мумкин. Бу ҳодиса ҳаммага маълум бўлган ионларнинг қарама-қарши хусусиятига боғлиқ.


*Ишининг бориши.* З та банкага 0,12 н. ли  $KCl$ ,  $NaCl$ ,  $CaCl_2$  тузининг эритмасидан 100 мл дан қўйилади. 4-банкага эса шу тузларнинг аралашмасидан ( $100\text{ ml }NaCl + 1\text{ ml }CaCl_2 - 2,2\text{ ml }KCl$ ) қўйилади. Колбаларни оғзи парафинланган дока билан ёпилади ва унга ўсимлик илдизларини ўтиши учун тешикчалар қилинади. Сўнгра ҳар бир колбага илдизчаси ва пояси бир хилда бўлган буғдой ўсимтасидан 4 тадан олиб экилади. Бунда ўсимликнинг илдизи банкадаги эритмага ботиб туриши керак. 2—3 ҳафтадан кейин ўсимликларни олиб ўлчаб, натижаси 23-жадвалга ёзилади ва хулоса чиқарилади.

Эритмалар	Ўсимтанинг узунлиги, см		Илдизчанинг узунлиги, см		Илдизчалар сони	
	тажриба бошида	тажриба охирида	тажриба бошида	тажриба охирида	тажриба бошида	тажриба охирида
NaCl						
KCl						
CaCl <sub>2</sub>						
NaCl + KCl + CaCl <sub>2</sub>						

### 38- машфулот. Илдизнинг умумий ҳажмини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: илдиз ҳажмини ўлчайдиган асбоб, қайнаган сув, хром аралашмаси, фильтр қоғози, ип, қайчи.

Илдиз ҳажмини аниқлаш учун цилиндрик ҳажм ўлчагичдан фойдаланилади. Цилиндрни таги резина трубка ёрдамида микропипетка билан туташтирилган бўлади.



21- расм. Сабинин — Колосовнинг илдиз ҳажмини аниқловчи асбоби.

Цилиндрга илдиз тўлиқ ботадиган миқдорда сув солинади. Микропипетка сувнинг сатҳини кўрсатиб туриши керак. Асбобнинг тўғри кўрсатиши пипетка ни горизонтал ҳолда тўғри қўйилишига боғлиқ. Цилиндр ичидаги сувга илдиз туширилиши билан пипеткадаги сувнинг маълум даражада кўтарилишига олиб келади. Илдизни сув ичидан олиш билан пипеткадаги сув яна пастга тушади. Микропипеткадаги сувни кўтарилилган жойига қадар сув қўйилади ва қанча сув кетгани аниқланади.

*Ишининг бориши.* Текшириш учун сувда парвариши қилинган ўсимлик

илдизи ёки тупроқда ўсган ўсимликни яхшилаб тупроқ заррачаларидан тозалаб ювилган ва бир неча соат 3% ли водород пероксид әритмасига солинган илдизи олинади. Бир неча (5 тадан 30 тагача) ўсимлик олиб илдиз бўғимини бир текисда қилиб боғланади ва илдиздаги сув томчилари фильтр қофозига шимдириб олинади. Асбобни йиғиб унга қайнаган сув тўлдирилади. Шу вақтда микропипеткадаги сувнинг турган жойини аниқлаб ( $A_1$ ), сўнгра цилиндрга илдиз туширилгандан кейинги пипетканинг ҳолати аниқланади ( $A_2$ ). Цилиндрдаги сувдан ўсимлик илдизи чиқариб олингандан кейин пипеткани биринчи ҳолати ( $A_1$ ) га қадар цилиндрга сув қўйилади. Сўнгра бюретка ёрдамида эҳтиётлик билан пипеткани кейинги ҳолатга ( $A_2$ ) келгунча сув қўйилади, қўйиладиган сувнинг миқдори илдиз ҳажмига teng бўлади. Шундай тажрибани 3 марта такрорлаб, ўртачasi олинади. Тажриба якуни 24- жадвалга ёзилади. Иш охирида пипетка ва цилиндр хром аралашмасида ёғдан тозаланади ва бир неча марта сувда яхшилаб ювилади.

24- жадвал

Текширилган объект	Ўсимлик сони	Аниқлашнинг таクロйидиги	Пипетка бўйича хисоблаш		Кўйилган сув миқдори, мм	Бир ўсимликнинг илдиз ҳажми, мл
			$A_1$	$A_2$		
		I				
		II				
		III				

## ЎСИМЛИҚНИНГ НАФАС ОЛИШИ

39- машғулот. Унаётган уруғда қуруқ модда камайишини аниқлаш.

Асбоб ва реактивлар: нўхат уруғи, тошли тарози, сувда қайнатиб суви сиқиб ташланган қипиқ, қуригич шкаф, эксикатор, бюклар, стакан, фильтр қофози.

Нафас олиш процессини аниқлашда энг яхши усул унаётган уруғларда камайиб борувчи органик модда миқдорини аниқлашдир. Бунинг учун уруғни тупроқдан ва ҳаводан озиқланиши қийин бўлган шароитда, яъни нам қипиқда қоронфида ундириш керак. Маълум вақт ўтгандан кейин уруғдан униб чиқсан ўсимта қуритиб тортилади. Уруғнинг бошланғич оғирлигини аниқлаш

учун худди шундай уруғдан бошқа улуш олиб қуритиб тортиб күрилади.

*Ишнинг бориши.* Бунинг учун яхши, йирик уруғдан 10 тадан икки бўлак олиб, тарозини икки палласига қўйиб оғирлиги тенглаштирилади. Шуларни бир бўлагини 1—2 соат озгина сувга солиб бўқтирилади. Иккинчи бўлагини тортиб бюксга солиб 105°C температурада қуритамиз ва эксикаторга қўйиб совитиб яна тортилади, уруғнинг абсолют қуруқ оғирлиги аниқланади. Сувда бўқтирилган уруғларни эса стаканга нам қипиқ солиб экилади. Уруғ экилгандан кейин қипиқ озгина босиб қўйилади. Уруғ экилган стакани эса бир ҳафта қоронфи жойга қўйиб намлаб турилади. Бир ҳафтадан кейин унган уруғларни эҳтиётлик билан илдизини заарламай қипиқдан чиқариб олиб яхшилаб ювилади. Бу тозалаб ювилган ўсимликларни фильтр қофозига қўйиб қуритилади ва тортиб ўсимликни ҳўл оғирлиги аниқланади. Сўнгра бу ўсимликларни фильтрдан ясалган пакетга солиб қуритиб, абсолют қуруқ оғирлиги аниқланади. Агар ҳамма уруғ униб чиқмаган бўлса, у ҳолда фақат унган уруғларнинг ўзини олиб қуритиб тортилади ва шулардан битта уруғнинг оғирлиги аниқланади. Ҳамма олинган маълумотлар 25-жадвалга ёзилади ва холоса чиқарилади.

25- жадвал

10 та уруғнинг оғирлиги, г		Уруғдан сувнинг миқдори, %	10 та ўсимтанинг оғирлиги, г		Ўсимтадаги сувнинг миқдори, %	Куруқ моддаининг камайиши	
бошлангич қуруқ оғирлиги	абсолют қуруқ оғирлиги		ҳўл оғирлиги	абсолют қуруқ оғирлиги		бошлангич оғирлигига нисбатан, %	

40-машғулот. Нафас олиш интенсивлигини қабул қилинган кислород миқдори бўйича аниқлаш.

Асобоб ва реактивлар: пахта, дуккакли дон ўсимлиги уруғлари ва уларнинг ўсимтаси, тошли тарози, нафас олишда қабул қилинган кислород миқдорини аниқлаш учун асобоб, кучли ишқор эритмаси пинцет, қора қофоз ёки қора латта.

Нафас олиш интенсивлигини аниқ миқдордаги ўсимликнинг маълум вақтда қабул қилиган кислород миқдорига қараб аниқлаш мумкин. Бунинг учун махсус асбоб бўлиб, уни ҳамма лабораторияда тайёрлаш мумкин. Текшириладиган ўсимлик билан кучли ишқор эритмаси колбага жойлаштирилади. Ишқор ўсимликни нафас олишидан ажралиб чиққан карбонат ангидридни ютиб колба ичидағи ҳавонинг камайишига сабаб бўлади. Камайган ҳаво ўрнигà эритма кўтарилади. Трубка бўйлаб эритмани юқорига қанча кўтарилишига қараб ўсимлик томонидан қабул қилинган кислород миқдорини аниқлаш мумкин. Нафас олиш интенсивлигини қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D = \frac{v \cdot 60}{P \cdot t} \text{ ёки } \frac{\text{мл О}_2}{\text{г соат}}$$

бундан  $D$  — нафас олиш интенсивлиги,

$v$  — қабул қилинган кислород миқдори, мл,


$P$  — текширилувчи модда, г,

$t$  — вақт (мин).

Ишнинг бориши. Ўсимликларнинг нафас олишини аниқлайдиган иккита асбоб тайёрлаб, унинг колбалари ни қора қофоз ёки латта билан ўралади. Бир асбобнинг колбасига маълум оғирликдаги унмаган ўсимлик уруғи жойлаштирилади (масалан, 100 г), иккинчи асбобнинг колбасига эса шунча миқдорда унган уруғ жойлаштирилади. Сўнгра иккалà колбани ичига шиша идишда кучли ишқор эритмаси қўйилади ҳамда колбани оғзи маҳкам беркитилади. Монометр трубаси учини рангли сувга тушириб қўйилади. Орадан 10 минут ўтганда трубка бўйлаб рангли сувнинг кўтарилган сатҳи аниқланади, маълум вақтдан кейин яна ҳисобланади. Нафас олиш процессини аниқлашда олинган ҳамма маълумотларни 26- жадвалга ёзилади ва хулоса чиқарилади.


#### 26- жадвал

Текширилган объект	Тажриба вақти		Трубкадаги рангли сувнинг сатҳи		Нафас олиш интенсивлиги (Д)О <sub>2</sub> миқдори мл (г) соат
	Бонгланиши	Охри	Давом этиши (мин.)	Бонгланиши холати	Охри холати
Унган уруғ					
Унмаган уруғ					



22-расм. Нафас олишда қабул қыллингани кислород миқдорини күрсатувчи асбоб.

нат ангиридидни ёпиқ идишда аниқланади. Идишга  $\text{CO}_2$  ни ютиш учун маълум титрга эга бўлган  $\text{Ba}(\text{OH})_2$  эритмаси қўйилади. Нафас олишдан чиқсан  $\text{CO}_2$  миқдорини аниқлаш учун ишқорини титрлаб қўйидаги формула бўйича аниқланади:



Титрлашни икки томчи фенолфталеин қўшиб  $\text{HCl}$  кислотаси билан қизғиш ранг йўқолгунига қадар олиб борилади. Контрол колба билан ўсимлик органи солинган колбадаги баритни титрлашга кетган  $\text{HCl}$  кислота миқдоридаги фарқдан нафас олишда ажралиб чиқсан карбонат ангиридид миқдорини аниқлаш мумкин. Нафас олиш интенсивлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$D = \frac{(a-b) \cdot 2,2 \cdot 60}{p \cdot t},$$

бунда  $D$ —нафас олиш интенсивлиги (1 соатда 1 г ўсимлик материалдан ажралган  $\text{CO}_2$  миқдори,  $\text{mg}$ ),

#### 41-машғулот. Нафас олиш интенсивлигини чиқарилган карбонат ангиридид миқдори бўйича аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: унган ва унмаган уруғ, барг, ўсимликнинг гули ёки бошқа органи, бюреткада 0,1 н.  $\text{Ba}(\text{OH})_2$  эритмаси, натрон оҳаги, бюреткада 0,1 н.  $\text{HCl}$  кислота, фенолфталеин, тошли тарози, резина пробкали колба (иккита пробка илгак билан ва иккитаси бюретка учун тешилган), 10×10 см ўлчамда кесилган дока бўлаги.

Нафас олишда ажралиб чиқсан карбо-

ратидаги формула бўйича аниқланади:


$\text{CO}_2 + \text{Ba}(\text{OH})_2 \rightarrow \text{BaCO}_3 + \text{H}_2\text{O}$

Титрлашни икки томчи фенолфталеин қўшиб  $\text{HCl}$  кислотаси билан қизғиш ранг йўқолгунига қадар олиб борилади. Контрол колба билан ўсимлик органи солинган колбадаги баритни титрлашга кетган  $\text{HCl}$  кислота миқдоридаги фарқдан нафас олишда ажралиб чиқсан карбонат ангиридид миқдорини аниқлаш мумкин. Нафас олиш интенсивлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади:


$$D = \frac{(a-b) \cdot 2,2 \cdot 60}{p \cdot t},$$

бунда  $D$ —нафас олиш интенсивлиги (1 соатда 1 г ўсимлик материалдан ажралган  $\text{CO}_2$  миқдори,  $\text{mg}$ ),

а—контрол колбадаги ва б—тажриба колбадаги  
 баритни титрлашга кетган 0,1 н. HCl кислота  
 миқдори ( $\text{мг}$ ),  
 р—ўсимлик материали ( $\text{г}$ ),  
 т—вақт ( $\text{мин}$ ),  
 2,2—0,1 н. 1  $\text{мл}$  HCl ни 1  $\text{мг}$   
 $\text{CO}_2$  га тенг бўлган коэффициенти.



23-расм. Нафас олишда чиқарилган  $\text{CO}_2$  миқдорини кўрсатувчи асбоб.



24-расм. Барийни титрлайдиган колба.

*Ишининг бориши.* Текшириладиган ўсимлик материалидан 5—10 г олиб, дока халтачага солинади. Бу халтачани пробкадаги илгакка илиб қўйилади (халтача колба оғзига сифиши ва жуда ҳам осилиб турмаслиги керак), иккита колбага (контрол колбага ва ўсимлик материали осилган колбага) икки томчидан фенолфталеин томизилади. Сўнгра бюretка ўрнатилган пробка билан ўсимлик материали солинган колбани беркитиб, унга 10  $\text{мл}$   $\text{Ba}(\text{OH})_2$  қўйилади. Шундан кейин бюretкали пробкани тезлик билан халтага осилган пробкага алмаштириб, тажриба бошланган вақт ёзиб қўйилади. Контрол колба

билин ҳам худди шундай иш қилинади. Қолбада фотосинтезловчи объект бўлса, уни маълум вақт қоронги жойга қўйилади. Қолбани вақт-вақти билан чайқатиб турилади. Орадан 1,5—2 соат вақт ўтгач текширилаётган ўсимлик материали осилган пробкани ичига HCl солинган бюреткали пробкага алмаштирилади. Вақтни аниқлаб ёзилади ва қолган биримани HCl билан титрланади. Титрлаш натижаси 25-жадвалга ёзib борилади. Сўнгра худди шундай ишни контрол колбада ўтказиб, унинг вақти ва титрлаш натижаси ёзилади. Олинган маълумотларга асосланиб нафас олиш интенсивлиги чиқарилади.

27- жадвал


Вариант	Ўсимлик материалининг наимунаси	Колбага қўйилган Ba(OH) <sub>2</sub> миқдори, м.л	Тажриба вақти		Титрлаш натижаси, м.л	Нафас интенсивлиги, CO <sub>2</sub> г/соат
			бошланниши	охри		
Тажриба колба						
Контрол колба						

#### 42-машғулот. Унаётган уруғларда нафас олиш коэффициентини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: гўза, канакунжут, маккажӯхори, арпа ва бошқа ўсимликни унаётган уруғи, 20% ли ишқор эритмаси, нафас олишни ҳисоблайдиган асбоб, штатив, фильтр қофози, чинни косача, пинцет, қумли соат.

Нафас олиш коэффициенти деб нафас олишдан ажраби чиқсан карбонат ангидрид миқдорини қабул қилинган кислород миқдорига бўлган нисбатини айтилади  $\frac{CO_2}{O_2}$ . Нафас олиш коэффициенти нафас олишда сарфланувчи органик моддани хилига боғлиқ бўлади. Нафас олишда органик моддалардан углеводлар сарфланса, нафас олиш коэффициенти ( $CO_2 : O_2$ ) 1 га тенг. Агар органик кислоталар (масалан, шавел кислота) сарфланса 1 дан катта, ёф ва оқсиллар сарфланса, 1 дан кичик бўлади. Буни аниқлашда яхши объект унаётган ёғли ўсимлик уруғи, шунингдек таркибида углеводлар бўлган уруғ ҳисобланади.

*Ишнинг бориши.* Катта пробиркага тахминан ярим қилиб унаётган уруг солиб, оғзи эгилган трубка ўрнатилган пробка билан ёпилади. Тахминан 1—2 минут ўтгандан кейин эгилган трубкани узун томонини иккинчи сув тўлғизилган пробиркага туширилади. Бунда қўл таъсирида асбобни исиб кетишига йўл қўймаслик керак. Трубкада турган сувни тажриба олдидан ва беш минут ўтгандан кейин аниқлаш керак. Икки марта аниқланганда нафас олишда қабул қилинган кислород билан чиқарилган карбонат ангидрид миқдорини фарқи аниқланади ( $A = CO_2 - O_2$ ). Уруг солинган пробирка оғзини очиб шамоллатиб, ичига уруг устига нафас олишда ажralиб чиқсан  $CO_2$  ни ютиш учун кучли ишқор эритмаси шимдирилган фильтр қоғози қўйилади. Сўнgra пробирка оғзини ёпиб, олдин юқорида кўрсатилган тажрибадаги дек ишлар қилинади. Бунда ҳам трубкадаги сувни бошланишдаги ва 5 минутдан кейинги ҳолати аниқланади. Бу трубкадаги сувни бошланишдаги ва кейинги ҳолатини фарқидан нафас олишда уруг томонидан қабул қилинган кислород миқдори аниқланади ( $B = O_2$ ). Юқорида аниқланган ва  $B$  ни қийматидан нафас олишда ажralиб чиқсан карбонат ангидрид миқдори аниқланаби, ундан нафас олиш коэффициенти топилади. Бунда,




$$\text{Нафас олиш коэффициенти (НК)} = \frac{CO_2}{O_2} = \frac{B - A}{B}.$$

Тажрибани ҳар хил обьектларда олиб бориб, натижаси 28- жадвалга ёзиб олинади ва муҳокама қилинади.

28- жадвал

Текширилган обьект	Аниқланган $CO_2 - O_2$ миқдори, мл		Аниқланган $O_2$ миқдори, мл		Нафас олиш коэффициенти (НК) = $\frac{B - A}{B}$	
	трубкадаги сув катҳи		трубкадаги сув катҳи			
	тажриба олида	тажриба охирда	тажриба олида	тажриба охирда		

### 43-машғулот. Ўсимлик түқимала-ридаги оксидловчи ферментларни аниқлаш



25-расм. Нафас олиш коэффициентинин аниқлайдиган асбоб.

Асбоб вә реактивлар: картошка түгунаги, қирғич, скальпель, 3% ли водород пероксида, 1% ли гвояк кислотанинг спиртдаги эритмаси, пробиркалар.

Биз ўсимликни кислород билан нафас олишини кузатганимизда бўлганидек оддий шароитда ҳаво етарли бўлса ҳам углеводлар (крахмал, шакар) ва ёғларни парчаланиши сезилмайди. Органик моддалар нафас олиш процессида оксидланиши учун олдин химиявий активлашишлари керак. Тирик ўсимлик организмида бундай химиявий актив

лашиб вазифасини машғулотда ўсимликлар ишлаб чиқарадиган бир қанча оксидловчи-қайтарувчи ферментлардан фақат иккитаси текширилади:

а) **каталаза** ферменти — бу водород пероксидни ( $H_2O_2$ ) сувга ва молекуляр кислородга қадар парчалайди;

б) **фенолоксидаза** ферменти — бу молекуляр кислородни оксидловчи хусусиятини ошириб беради.

**Ишнинг бориши.** **Каталаза ферменти.** Бу ферментнинг хусусиятини аниқлаш учун картошкани пўсти арчилади ва қирғичда қирилади. Сўнгра қирилган катрошкани докадан эзиз ўтказиб сувидан пробиркадаги водород пероксидни кучсиз эритмасига бир неча томчи томизилади (пробиркадаги кучсиз водород пероксид эритмасини 5 мл сувга 3% ли  $H_2O_2$  дан 10 томчи қўшиб тайёрланади). Бунда пробиркадаги эритма кўпира бошлайди, бу молекуляр кислород ажралиб чиқишини кўрсатади. Картошкани қолган сувидан қайнатиб худди шундай юқорида кўрсатилган ишни такрорлаб, бу икки тажрибани фарқи нимадан иборат эканини тушунтириш керак.

**Фенолоксидаза ферменти.** Бу ферментни гвояк кислота ёрдамида аниқланади. Бу кислота актив кислород таъсирида жигар рангдан кўк рангга айланади. Пўсти

арчилган икки бўлак картошкани (улардан бирини қайноқ сувда ўлдириб), устига гвояк кислотадан қўйиб, ҳосил бўлган фарқни тушунтириб беринг.

#### 44-машғулот. Монометр усулида кислородни аниқлаш.

Асбоб ва реактивлар: Варбург асбоби, парма, ёритгичлар, автотермометр, буфер эритмаси, ишқор, соат, дистилланган сув.

*Ишнинг бориши.* Ўсимлик баргидан доирача шаклида кесиб олиб, идишчага солинади. Идишчага U шаклидаги монометр уланади. Монометр ҳаракатчан химиявий инерт суюқлик билан тўлдирилган бўлади. Монометрнинг бир учи бошқа идиш билан туташтирилади ёки очиқ қолдирилади (Варбург усули). Тажриба вақтида идишча сувга ботирилади ва ёритилади. Қарбонат ангидриднинг манбаи сифатида фотосинтез учун 0,1—0,3 н. концентрацияси бўлган карбонат билан бикарбонатнинг оралиқ (буфер) аралашмасидан фойдаланилади. Идишда оралиқ (буфер) аралашма борлиги учун фотосинтез вақтида карбонат ангидриднинг концентрацияси ўзгартмайди. Кислороднинг ажralиб чиқиши босимнинг ошишига қараб ҳисобланади. Бунинг учун идишдаги босим маълум вақтда ўлчаб турилади.

Монометр усулида фотосинтез тезлигини аниқлашда термостат, ванна ва идишлар атрофидаги температура бутун тажриба давомида бир хил бўлиши керак. Бунинг учун айлана шаклидаги аппаратда сувни терморегулятор ёрдамида вақти-вақти билан айлантириб турилади, шунингдек, бакнинг ҳар хил қисмларида 2—3 та термобарометр орқали ҳарорат майдони бошқариб турилади.

Фотосинтез процесси мўътадил ўтиши учун карбонат ангидриднинг концентрациясини бир меъёрда ушлаб турадиган монометр идишга буфер эритма танланади. Бу эса фотосинтезни тўғри аниқлаш имконини беради. Фотосинтез процессида идишлардаги  $\text{CO}_2$  нинг доимий концентрациясини бир хилда ушлаб туриш учун ютилаётган  $\text{CO}_2$  миқдорини оралиқ мөддалардан ажralиб чиқаётган  $\text{CO}_2$  миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйилмайди. Бунга эришиш учун тажрибаларда олинадиган доирача шаклидаги кичик кесиклар ( $0,2—1,0 \text{ см}^2$ ) сатҳи олдиндан белгилаб олинади, тажриба вақтида ҳам шу

катталиктаги доирачаларни ўша ўсимликдан олиб ишлатилади. Лекин бу монометр усулида тажриба олиб борища кўпинча  $\text{CO}_2$  нинг юқори концентрацияси билан ишлашга тўғри келади.

## ЎСИМЛИКДА ОРГАНИК МОДДАЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

Фан ва техниканинг ҳозирги даражаси кишига бир моддани иккинчи моддага айлантириш имконини беради. Махсус шароит (температура, босим) таъсирида ва катализатор сифатида кучли кислота, ишқор ва бошқаларни қўлланиб, оддий моддалардан мураккаб бирикмалар ҳосил қилиш, шунингдек мураккаб бирикмаларни оддий моддаларга қадар парчалаб юбориш каби ҳодисаларни мисол келтириш мумкин. Масалан ёғ кислотаси ва глицериндан ёғ ва ёғсимон моддалар, клетчаткадан спирт, крахмалдан қанд ва бошқалар олинишини кўрсатса бўлади. Тирик биологик объектлар эса жуда содда, шунингдек, жуда мураккаб бирикмаларни оддий шароитда енгил ва тез ҳосил қилиши билан ўлик табиатдан фарқ қиласди. Бу ўсимликларда бўлган махсус ферментлар таъсирида боради.

### 45-машғулот. Ўсимликда запас моддалар борлигини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: чигит, қанакунжут, нўхат, ловия, гуруч, картошка тугунаги, қанд лавлаги ва сабзи, 30% ли  $\text{NaOH}$  эритмаси, 5% ли  $\text{CuSO}_4$  эритмаси, миллион реактиви, Судан III бўёғи (0,1 г бўёғни 10 мл 90% ли спиртда эритиб, устига 10 мл глицерин қўшиб фильтранади), феллинг суюқлиги (янги тайёрлангани), 20% ли  $\text{HCl}$  кислотаси, дастали ҳовонча, 2 ва 10 мл ли пипетка, штатив билан пробиркалар, скальпель, сув ҳамоми, электроплитка, спирт лампаси ёки газ горелкаси, йодинг калий йодиддаги эритмаси.

Ўсимликдаги запас моддаларни сифатий реакциялар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Оқсиллар — буларни биурет ёки миллион реакцияси ёрдамида аниқлаш мумкин. Биурет реакциясида бинафша ранг ҳосил бўлса, текшириладиган объектда оқсил борлигини кўрсатади. Бунинг учун текшириладиган

эритмага кучли ишқор таъсир эттириб, устига мис купоросининг кучсиз эритмасидан қўшилади. Миллон реакциясида текшириладиган эритмага миллон реактивидан қўшиб қиздирилганда оч қизил ранг ҳосил бўлса, оқсил борлигини кўрсатади.

Мойлар буларни аниқлаш учун текшириладиган эритмага Судан III бўёғи таъсир эттирилганда эритма қизил рангга бўялса, мой борлигини кўрсатади.

Углеводлардан крахмални эритмага йод таъсир эттирилганда кўк ранг ҳосил бўлишидан аниқланади. Қандлар феллинг суюқлиги таъсирида аниқланади. Феллинг суюқлиги мис купороси эритмаси билан сегнет тузи аралашган ишқор эритмасининг teng миқдордаги аралашмасидан тайёрланади (буни ишлатиш олдидан тайёрланади). Таркибида альдегид ёки кетон группаси бўлган қандлар (масалан, глюкоза, мальтоза) қиздирилганда феллинг суюқлигидаги мис қайтарилади. Натижада суюқликда қизил фишт ранги ҳосил бўлади. Таркибида шундай альдегид ёки кетон группаси бўлмаган қандлар (масалан, сахароза) бундай феллинг суюқлигидаги мисни тиклаш хусусиятига эга бўлмайди. Фақат феллинг суюқлигидаги мис бундай қандларда олдин гидролизланганидан кейин қайтарилади.

**Ишнинг бориши.** а) оқсилни аниқлаш. Бунинг учун ҳовончада 2 мл 30% ли NaOH эритмасида нўхат ёки ловия уруғи яхшилаб эзилади, сўнгра унинг устига 2 мл 5% ли CuSO<sub>4</sub> эритмасидан солиб, яна эзилади. Ҳовончага яна 10 мл сув солиб, яхшилаб аралаштирилади ва пробиркага қуйиб олиниади. Пробиркадаги эритма тиниб қандай ранг ҳосил бўлгани ва шу ранг орқали оқсил бор-йўқлиги аниқланади;

б) мойларни аниқлаш. Бунинг учун чигитдан парра кесиб олиб буюм ойнасига қўйилади ва устига бир томчи Судан III бўёғидан томизиб, устини қоплагич ойна билан ёлиб, кесилган уруғ таркибидаги мойини чиқариш учун бир оз эзилади. Кейин тайёрланган препаратни микроскоп остида кўриб расми чизилади;

в) углеводларни аниқлаш. Углеводлардан крахмални аниқлаш учун бир неча дона гуручни бир томчи йоднинг калий йодид эритмасида эзиб, ҳосил бўлган рангни аниқлаб, сабабини тушунтиринг. Редукцион қандни аниқлаш учун қанд лавлаги ва сабзини майда кесилган бир неча бўллагини олиб, алоҳида пробиркаларга тушириб устига

озгина сув қүйиб 5 минут қайнаётган сув ҳаммомида қиздирилади. Тайёрланган суюқликларни тоза пробиркаларга қүйиб, ҳар бирини тенг икки қисмга бўлинади. Бир қисмида редукцион қанд борлигини аниқлаш учун устига тенг ҳажмда феллинг суюқлигидан қўшиб қайнаётган сув ҳаммомида 2—3 минут қиздирилади. Кейин рангни ҳосил бўлишига қараб қайси эритма таркибида редукцион қанд борлиги аниқланади. Тайёрланган суюқликни иккичи қисми таркибида сахароза борлиги аниқланади. Бунинг учун суюқликни устига 2 томчи 20% ли хлорид кислота ( $HCl$ ) дан томизиб, 2—3 минут қайнаётган сув ҳаммомида сақланади. Сўнгра устига тенг миқдорда феллинг суюқлиги қўшиб, яна 2—3 минут қайнаётган сув ҳаммомида сақланади. Тажриба охирида нима учун қанд лавлагидан тайёрланган эритмада феллинг суюқлиги таъсирида рангли реакция борганини тушунтиринг.

#### 46- машғулот. Қандларни Бертран усулида аниқлаш.

Асбоб ва реактивлар: ҳар хил сифимдаги қолбалар, пипеткалар, дистилланган сув, секундомер, электр плитка, насос, бунзин колбаси, реактивлардан — мис сульфат ( $CuS_4 \cdot 5H_2O$ ), сегнет тузи ( $KNaC_4O_6 \cdot 4H_2O$ ), натрий ишқори ( $NaOH$ ) ёки калий ишқори ( $KOH$ ), темир (II)-оксид ( $FeO$ ) эритмаси, калий перманганат ( $KMnO_4$ ).

Углевод (қанд)лар — углерод, водород ва кислород биримасидан иборат.

Оддий углевод (моносахарлар, альдегид ёки кетон)лар кўп атомли спиртга ўхшайди. Мураккаб углеводларга дисахарид ва полисахаридлар киради. Улар гидролиз вақтида оддий углеводларга қадар парчаланади. Углеводлар ўсимликларда модда алмашинувида иштирок этиб уларни ташки ноқулай шароитдан сақлайди. Углеводларнинг баъзилари эса ҳужайра қобиги таркибида киради.

Углеводларни аниқлаш учун уларни моносахарларга қадар парчалаш керак. Парчаланиш процессида мис икки оксиди альдегид ёки кетон группаси бор бўлгани учун мис оксидига қайтарилади ва чўкмага тушади. Ҳосил бўлган мис оксиди сульфат кислотасида темир икки оксиди билан оксидланиб, уни темир оксидига қайтаради.


Темир оксиди тузининг миқдори калий перманганат ( $\text{KMnO}_4$ ) эритмаси билан титрлаш орқали аниқланади. Титрлаш учун кетган перманганат эритмасининг миллилитр сони билан миснинг миқдори миллиграммда аниқланади ва намунада қанд мавжудлиги қўйидаги 29- жадвалдан аниқланади.

*Ишининг бориши.* Бунинг учун углеводларнинг кам-кўплигига қараб ўсимликдан 1—5 г намуна олиб уни ҳовончада бир оз сув билан бир хил масса ҳосил бўлгунча эзилади. Сўнгра колбага солиб устига маълум миқдорда сув қўйилади ва сув ҳаммомида  $70^\circ$  ли температурада 30 минут қиздирилади. Эритмани совитиб унга 10% нейтрол сирка кислотасининг қўрғошин тузи эритмасидан томчилиб солиб аралаштирилади. Натижада эритма таркибидаги оқсил чўкади. Шундан кейин эритма фильтранади. Фильтрдаги чўкма бир неча марта сув билан ювилади. Фильтратдаги сирка кислота қўрғошин тузи эритмасига чўкма тўлиқ тушгунига қадар кучли  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  эритмаси қўшилади. Сўнгра эритмани яна фильтрлаб уни  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  порошоги билан нейтралланади. Эритмага колбадаги белгига қадар (100 мл) сув қўйилади. Қандни аниқлаш учун таги ясси (100 мл ҳажмли) колбага 20 мл текшириш учун керак бўлган эритмадан олинади. Эритма нейтрал ёки унга яқин реакцияли бўлиши лозим. Намунада қанд 100 мг дан ошиқ бўлмаслиги керак (қанднинг миқдори 10 мг дан 90 мг гача бўлганда тажриба натижаси аниқ бўлади).

Агар эритма юқори концентрацияли бўлса, унда эритмадан озроқ олиб 20 мл гача дистилланган сув қўшилади. Текширилаётган эритмага 40 мл феллинг (20 мл тўтиёй ва 20 мл сегнет тузи эритмасининг аралашмаси) суюқлиги қўшилади. Сўнгра электр плиткада асбест тўр қўйиб, 3 минут қайнатилади. Қайнаш вақти суюқлик юзига пуфакчалар ажralиб чиқишидан ҳисобланиб, секундомерда ўлчанади. Колбани пастга олиб, чўкма чўкиши кутилади. Эритманинг ранги кўклигича қолиши керак. Агар эритманинг ранги ўзгарса туширилган мис эритмаси қанд билан бўлган реакция учун етмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун тажрибани тақорорлаш лозим. Бунда эритма концентрациясини камайтириб олиш керак. Агар эритма кўк рангини йўқотмаса, уни иссиқлигича асбест фильтрдан ўтказилади. Фильтрлашни тезлатиш учун Камовский ёки сув насоси билан ҳаво

сўриб турилади. Бу вақтда имкони борича мис оксиди чўкмасининг фильтрга тушмаслигига ҳаракат қилиш керак, чунки фильтрда зичланиб қолган чўкмани эритиш жуда қийин. Чўкма устидаги суюқлик фильтрлангач, чўкмага озгина иссиқ сув қўйиб, совитиб яна фильтр орқали сузилади. Бу ҳол бир неча марта қайтарилади. Тўлиқ ювиб бўлингач, насос тўхтатилади, бунзин колбасидаги ҳамма ювонди сувлар тўкиб ташланади. Колба оддий сувда ювилади ва дистилланган сувда чайилади. Темир (II)-оксид сульфат эритмасини колбадаги миснинг ювилган чўкмаси устига оқизиб эритилади. Эритма фильтр орқали қўйилади. Бундан мақсад фильтр томонидан ушланиб қолинган мис оксидини эритишдир. Агар эритма фильтрдан секин ўтаётган бўлса, фильтрлашни шу вақтнинг ўзида секинлаштириб устига бир неча миллилитр темир сульфат эритмаси қўшилади.


Бунда реакциянинг бориши қўйидагича бўлади:



Ҳамма чўкма эриб бўлгач, колба ва асбест фильтрни бир неча марта дистилланган иссиқ сув билан ювилади ва суюқлик  $\text{KMnO}_4$  эритмаси билан (фильтрлаш учун олинганди колбада) титрланади.

Реакциянинг охири перманганат эритмасининг биргина ошиқча томчиси билан пушти ранг ҳосил бўлишидир. Ўқундузи ва сунъий ёруғликда жуда яхши кўрилади.

Бу ҳолда реакция қўйидаги тенглама асосида бўлади:



Иккинчи тенгламада темирнинг 10 атомига 2 молекула  $\text{KMnO}_4$  тўғри келади. 1- тенгламада миснинг 2 атомига темирнинг иккى атоми тўғри келган. Мисол:  $\text{KMnO}_4$  нинг 2 молекуласи миснинг 10 атомига жавоб беради, яъни  $2\text{KMnO}_4$  ( $316,08 \text{ г}$ ) 10 Cu ( $635,7 \text{ г}$ ) га тўғри келади ёки 1  $\text{mg}$   $\text{KMnO}_4$  га 2,010 Cu тенг келади. Агар 1 л тайёрланган эритмада аниқ 5  $\text{g}$   $\text{KMnO}_4$  бўлган бўлса унинг титри 5  $\text{mg}$  га тенг, яъни 1  $\text{ml}$  шундай эритма  $2,010 \cdot 5 = 10,05 \text{ mg}$  мисга тўғри келади. Перманганат солинганди идишдаги 1  $\text{ml}$  эритмага қанча миллиграмм Cu тўғри келиши аниқ ёзиб қўйилади.

$\text{KMnO}_4$  нинг мис бўйича титри қўйидаги 29- жадвалда берилган. Топилган глюкоза миқдорини олинган ўсимлик намунасини абсолют қуруқ оғирлигига ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун ўсимликдан яна шунча намуна олиб 100—105° температурада доимий оғирликкача қуритиб намлиги аниқланади. Уни бошлангич оғирликдан айриб ташланса намунанинг абсолют қуруқ оғирлиги келиб чиқади.

#### 47- машғулот. Ўсимликдаги углеводларни Кизель усулида аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: спирт ҳайдайдиган асбоб, сув ҳаммоли, соат, термометр, дистилланган сув, бюретка, пипетка, насос, 82% ли спирт, сода, эфир,  $\text{CuSO}_4$ ,  $\text{KMnO}_4$ ,  $\text{NaOH}$ , 20% ли  $\text{HCl}$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{PbSO}_4$ ,  $\text{PbO}$ ,  $\text{PbCO}_3$ , сирка кислотаси, бунзин колбаси, 50, 100, 200, 250 мл ҳажмдаги колбалар ва Берtran усулида қандларни аниқлаш учун керакли барча асбоб ва реактивлар. Физиологик жиҳатдан углеводлар асосан 5 группага бўлинади:

1. Бу группага бир шаклдан иккинчисига ўтиш билан фарқланиб ўсимлик аъзосининг ҳолатига боғлиқ бўлган сув ва спиртда осон эрийдиган ҳаракатчан углевод (моносахарид, дисахарид ва трисахарид) лар киради.

2. Бу группага совуқ сув билан олинадиган, коллоид моддага ўхшаган ҳаракатчан углеводлар (декстрин, инулин ва инулинга ўхшаш полисахарид ва қисман пектин моддалари) киради.

3. Ферментлар томонидан гидролиз қилиниб (парчалаб) эритиб олинган ҳаракатчан углевод (крахмал) лар киради.

4. Бу группага оз ҳаракатчан углеводлар гемицеллюлоза ва қисман пектин моддалари киради. Бу углеводлар сув ҳаммолида 2% ли  $\text{HCl}$  кислотада 3 соат қайнатиб гидролиз қилинганидан сўнг эритмага ўтади.

5. Бу группага ҳаракатсиз углеводлар киради. Улар ҳужайра қобиги таркибига кириб, ўсимлик томонидан қайта тикланиш (дегенерация), қайта туғилиш ва инфекцияларга қарши ишлатилади. Бу углеводлар сувда эримайди, 80% ли сульфат кислотада (солиштирма оғирлиги 1,74) узоқ вақт иситишдан сўнг эритмага ўтади. Кўпин-

ча 1—3, баъзан 5 группа углеводларни аниқлаш билан чегараланади. Ўсимликтан олинадиган намунанинг миқдори 1—5 г ни ташкил қиласди.

*Ишининг бориши.* Ҳамма группадаги углеводларни аниқлаш учун ўсимлик намунасидан 2 марта 5 г дан тортиб олинади. Бу намунани ҳовончада яхшилаб эзилади. Агар намуна таркибида мой миқдори кўп бўлган ўсимликлардан олинган бўлса петролей—эфирида Сокс-лет қуроли ёрдамида мойдан тозаланади.

Биринчи группадаги углеводларни олиш учун колбада ҳар бир грамм ўсимлик намунасига 20 мл ҳисобида 82% ли спирт солиб сув ҳаммомида 70—80° температурада 30 минут давомида қиздирилади.

Агар намуна қуритилмаган ҳўл бўлса юқори процентли спирт қўйиш керак (яъни спирт ўсимлик таркибидаги сув билан аралашган тақдирда ҳам унинг концентрацияси 82% ни ташкил қиласин). Қиздириш тамом бўлганидан сўнг эритма тиндирилади. Сўнгра 1 ёки 2 номерли шиша фильтрдан секин-аста насос ёрдамида сўриб ўтказилади. Шу йўл билан фильтрлаб олинган эритмадан спирт вакуумга ҳайдалади. Фильтрда қолган чўкма экстракция қилинаётган колбага қайта солинади. Ўсимлик намунаси спиртда 3 марта экстракция (ювилади) қилинади.

Шундай қилиб 3—4 марта 82% ли спиртда ювилган ўсимлик намунасидан ҳамма қандлар ажратиб олинади ва колбага ҳамма олинган спиртни солиб сув ҳаммомида 40—45° температурада қиздириб насос ёрдамида спирт парларини совитгич орқали сўриб олинади. Сўнгра колба тагида сироп (шарват) сингари суюқлик шаклида қандлар қолади. Бу спиртни 4 марта 15—20 мл дан дистилланган иссиқ сув билан ювиб, 100 мл сигимдаги колбага қўйилади. Бу колбадаги суюқликка оқсилларни чўқтириш учун бир неча мл 10% ли сиркә кислотасининг нейтралланган кўргошин тузи эритмасидан қўйилади. Сўнгра бу 100 мл ли колбадаги ҳамма эритмани фильтрлаб ундан 1-группа спиртда эрийдиган углеводлар аниқланади.

Қандларни қўйидаги группаларга бўлиб Бертран жадвали бўйича тлюкозага ҳисоблаб чиқилади: гидролизгача бўлган қандлар, кучсиз гидролиздан кейинги қандлар, кучли гидролиздан кейинги қандлар.

### 1. Гидролизгача бўлган қандларни аниқлаш.

Бунинг учун тайёр эритмадан 20 мл олиб Бертран усулида қанд миқдори (моноза ва мальтозалар) аниқланаади.

2. Кучсиз гидролиздан кейинги қандларни аниқлаш учун 20 мл эритмага пипетка билан 2,2 мл 20% ли хлорид кислота (HCl) күшилади. Колбани пўкак билан ёпи сув ҳаммомига ( $70^{\circ}\text{C}$ ) 6 минут қўйилади. Гидролиздан ва совитилгандан сўнг эритмага сода қўшиб нейтраллантирилади ( $\text{CO}_2$  ажralиб чиқсан эритма нейтралланган ҳисобланади).

3. Кучли гидролиздан сўнг қолған қандларни аниқлаш учун 20 мл намуна эритмани 25% ли хлорид кислотасида 3 соат гидролизланади. Гидролиздан сўнг совитилган эритма сода билан нейтралланади. Қандлар Бертран усули бўйича аниқланади. (Бу усулда ҳамма эрувчи қандлар аниқланади.)

Олинган хulosаларни ҳисоблаш учун қўйидаги белгилар қабул қилинади. Гидролизгача бўлган қанднинг миқдори—*a*, кучсиз гидролиздан кейинги қанднинг миқдори—*b*, кучли гидролиздан кейинги қанднинг миқдори—*c*, фараз қилайлик, қофоз хроматографияси бўйича олинган эритмада мальтозанинг йўқлиги аниқланди. Бундан гидролизгача қандларнинг миқдори монозалар (*V*—*a*) бўйича бўлади. Кучли гидролиздан сўнг қанд миқдорининг ошганлиги бошқа қандларнинг ҳам борлигини кўрсатади. Уларнинг миқдори *c*—*b* бўлади. Гидролизга қадар мальтозалар бўлса, моносахарлар билан бирликда  $1/2$  мальтозалар ҳам аниқланади. Бу вақтда сахарозанинг миқдори *b*—*a* бўлади.

Мальтозанинг миқдори  $2(c-b)$ , монозанинг миқдори эса *a*—(*c-b*).

### 30- жадвал

#### Қандларнинг умумий миқдори, мг ҳисобида

Намуна	Гидролизгача	Кучсиз гидролиздан сўнг	Кучли гидролиздан сўнг	Гидролиз бўлган сахароза	Кучли гидролиздан сўнг қанднинг ошиши	Моносахарлар ва 1,2 мальтозалар гидролизгача		
						сахароза <i>b-a</i>	мальтоза <i>2(c-b)</i>	моноза <i>a (c-b)</i>
<i>a</i>	<i>b</i>	<i>c</i>	<i>v-a</i>	<i>c-b</i>	<i>b-a</i>	<i>2 (c-b)</i>	<i>a (c-b)</i>	

Шуни қайд қилиш керакки, жадвалда келтирилган қандларнинг миқдорини ҳисоблаш маълум даражада шарт, чунки кучли гидролиздан сўнг эритмада мальтозадан бошқа қандлар ҳам бўлиши мумкин. Қандларнинг аниқ миқдорини аниқлаш учун хроматография қилингандан сўнг қанд турлари аниқланади. Масалан: қандни аниқлашда гидролизга қадар титрлаш учун 1,5 мл перманганат эритмаси кетди дейлик, унда 1 мл перманганат 10 мг мисга тўғри келади.

Берtran жадвалидан қанд миқдорини топамиз. У 4,75 мл глюкозага тенг бўлади. Анализ учун 1 г қуруқ модда олинган бўлса аниқлаш учун олинган 100 мл эритмадан 20 мл олинган эди. Глюкозанинг Bertran жадвалидан мг да ифодаланган миқдорини граммга айлантирамиз:  $4,75 \text{ mg} : 1000 = 0,00475 \text{ g}$  бўлади. Тенглама тузамиз: 100 мл — 20 мл.

$$X = \frac{100 \cdot 0,00475}{20} = 0,02375 \text{ g}$$

$$X = \frac{100 \cdot 0,00475 \cdot 100}{20} = 2,375\%$$

Бу миқдорни процентда ифодалаш учун 100 га кўпайтирамиз:

$$X = \frac{100 \cdot 0,00475 \cdot 100}{20} = 2,375\%$$

**Иккинчи группа углеводларини аниқлаш** учун материалдан биринчи группа углеводородлар ажратиб олингандан сўнг фильтрдаги чўкма ( $50^{\circ}\text{C}$ ) термостатда қуритилади. Чўкмани қуритмай фильтрдан олиб ишлатса ҳам бўлаверади. Агар анализ иккинчи кунга қолдириладиган бўлса, эритмага бир неча томчи толуол томизиб колба беркитилади. Материал қуригандан сўнг ҳаммасини колбага солиб устига  $40-50^{\circ}\text{C}$  гача иситилган дистилланган сув қўйиб шиша фильтрда 15—20 минутдан 3—4 марта экстракция қилинади (ювилади). Олинган эритма ёки шиша сув ҳаммомида қуюлтирилади. Ҳажмини  $20:25 \text{ ml}$  га қадар келтирилади.

Қуюлган экстрактга 20% ли HCl эритмаси қўйилади (кислотанинг экстрактдаги охирги концентрацияси 2% ли бўлгунга қадар). Сўнгра қайнаб турган сув ҳаммомида 3 соат гидролизланади ва сода билан нейтралланади. 4% ли  $\text{CuSO}_4$  ва сегнет тузини ишқордаги эритмасидан қўшиб қандларни Bertran усулида аниқланади. Полиса-

харидларнинг миқдорини редукцияланган қанд миқдори-ни 0,9 га кўпайтириш билан олинади.

**Учинчи группа углеводлар (крахмал)ни аниқлаш.** Иккинчи группа углеводлар ажратиб олингандан кейин материал сув билан (қуритилмасдан) колбага солинади. Ҳар бир г материални ювиш учун тахминан 10—15 мл сув олинади. Барча суюқлик ҳажми 100 мл дан ошмаслиги керак.

Крахмалнинг пектин таъсирида ёпишқоқлигини йўқотиш учун 30 минут сув ҳаммомига ( $60^{\circ}$  температурада) қўйилади. Сўнгра колбага бир қанча томчи солод ундирилган арпа шираси томизилади. Солода крахмални малтозага қадар парчаловчи амилаза, диастаза ферменти бор.

Эритмага яна бир неча томчи толуол қўшиб пробка билан ёпиб 24 соат термостатга ( $40^{\circ}\text{C}$ ) қўйилади.

Крахмал гидролизи тўлиқ содир бўлганлигини аниқлаш учун унга калий йодид эритмасини таъсир этиб микроскоп остида кузатилади. Бунинг учун буюм ойнасига бир томчи текширилаётган эритмадан суркаб ёғрич ойна билан микроскопда қаралганда ранги ўзгарганлиги сезилади (тим кўк ранг ҳосил бўлади). Агар крахмалдан қанд ҳосил бўлаётган бўлса тўқ кўк ранг йўқолади, крахмал гидролизидан сўнг эритма шиша фильтр орқали фильтрланади ва чўкма сувда ювилади. Фильтрат ва ювинди сув ҳаммомида 50 мл ҳажмга қадар қуолтирилди ва кислотали гидролиз қилинади. Гидролиз 2% HCl билан 3 соат мобайнида қайнаб турган сув ҳаммомида олиб борилади. Сўнгра HCl кислотасини сода ёки 10% ли NaOH билан нейтралланади ва озгина сирка кислотасини қўрғошин тузи,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  қўшиб 100 мл сифимли колбага фильтрланади.

Колбадаги эритмани 100 мл ли белгига қадар етказиб ундан 20 мл олиб Бертрэн усулида қанд миқдори (глюкоза ҳисобида) аниқланади. Мавжуд крахмал ва топилган глюкоза миқдорини 0,9 коэффициентга кўпайтириш билан аниқланади.

**Тўртинчи группа углеводларни — гемицеллюлозани аниқлаш.**

Крахмал аниқлаб бўлингандан сўнг материал ворон-кадан миқдорий колбага олинади ва озгина сув билан ювилиб, 20% ли HCl қўйилади (унинг концентрацияси текширилаётган эритмада 2% бўлиши керак). Гемицел-

люлоза туридаги полисахаридларнинг гидролизи 3 соат давомида қайнаб турган сув ҳаммомида бажарилади.

Гидролиздан сўнг әритма шиша фильтрдан ўтказилиб қолдиқ эса сувда ювилади. HCl ни йўқотиш эса 2 ва 3-группа углеводларнидек сирка кислотасининг қўрғошин тузи  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  билан титрланади ва 3-группадагидек маълум ҳажмгача қуюлтирилади ва қанд миқдори аниқланади. Топилган глюкоза миқдорини 0,9 коэффициентга кўпайтириш билан гемицеллюлоза аниқланади.

### **Бешинчи группа углевод (клетчатка)ларини аниқлаш.**

Қолган материалдан гемицеллюлоза ажратиб олингандан сўнг  $50^\circ$  иссиқлика очиқ ҳавода қуритилади ва колбага солинади, сўнг устига 80% ли  $\text{H}_2\text{SO}_4$  (солищтирма оғирлиги) 1,74 қўйилади ва уй шароитида 2,5 соатга қолдирилади (кислотанинг миқдори тахминан 1 грамм чўкмага 10 мл ҳажмда бўлиши керак). Сўнгра устига кислота аралашган сув қўйиб ювилади (15 қисм сувга 1 қисм кислота аралаштириб) қайнаб турган сув ҳаммомида 5 соат гидролиз қилинади. Гидролизда клетчатканинг ҳаммаси глюкозага парчаланади. Гидролизланган әритма шиша фильтр орқали насос ёрдамида фильтрланади. Фильтрда қолган қолдиқ дистилланган сув билан 3—4 марта ювилади. Әритма маълум ҳажмга олиб борилгач ундан 20 мл олиб глюкоза миқдори аниқланади. Аниқлашдан олдин намуна ишқор билан нейтралланади. Клетчатканинг миқдори эса, топилган глюкоза миқдорини 0,9 коэффициентига ва суюлтирган әритманинг миқдорига кўпайтириш билан аниқланади.

### **48-машғулот. Унаётган уруғларда амилаза (диастаза) ферментини аниқлаш**

Асбоб ва реактивлар: унгандан ва унмаган бугдой уруғи, крахмал агар-агари солинган Петри косачаси (10 мл сувда 2 г крахмал, 2 г агар-агар қўшиб тайёрланган), скальпель, пинцет, сув солинган стакан, йоднинг калий йодиддаги кучсиз әритмаси (кучли әритмани 10 марта суюлтирилгани).

Амилаза ёки диастаза ферменти крахмални мальто-заларга қадар парчалайди. Бунда декстрин деб аталувчи бир қанча оралиқ моддалар ҳам ҳосил бўлади. Крахмали уруғлар унаётган даврда бу ферментнинг активлиги ошади.

*Ишининг бориши.* Бунинг учун буғдойни унмаган уруғидан бир нечтасини ўртасидан кесиб сув билан намланади. Сўнгра пинцет ёрдамида уруғларни кесик томонини пастга қаратиб крахмалли агар-агар пластинкани ярмига аста жойлаштирилади. Буғдойни унган уруғидан кесиб олиб худди юқоригидек қилиб агар-агар пластинкасини иккинчи ярмига жойлаштирамиз. Уруғлар қуриб қолмаслиги учун Петри косачасининг қопқоғи ёпиб қўйилади. Бир соат ўтганидан кейин агар-агар пластинкасини ҳамма томонига кучсиз йод эритмаси қўйилади. Олинган натижаларни ҳар хил бўлиш сабабини тушунтириб беринг.

#### 49-машғулот. Амилаза-диастаза ферменти активлигига температуранинг таъсири

Асбоб ва реактивлар: солод (унган арпанинг уни), 1% ли крахмал эритмаси, йоднинг калий йодиддаги кучсиз эритмаси (йоднинг кучли эритмасидан 20 мл олиб 1 л сувга эритилгани) тошли тарози, цилиндр, 150 мл ли колба, фильтр қофози, воронка, термометр, холодильник, сув ҳаммоми, пробиркалари билан штатив, 1—2 ва 10 мл ли пипетка.

Катализатор иштирокида кетаётган бирорта химиявий реакцияни тезлиги кўп жиҳатдан температурага боғлиқ бўлади. Температуранинг таъсири биологик катализаторлар ҳисобланган ферментларга ҳам тааллуклидир. Машғулотнинг мақсади амилаза ферментини активлигига температуранинг таъсирини ўрганишдан иборат. Буни аниқлаш учун 2 та пробиркага 10 мл дан крахмал эритмаси солиб, ичига солоддан тайёрланган таркибида актив амилаза ферменти бўлган эритмадан 1 мл дан қўшилади. Сўнгра бу икки пробиркани икки хил температура шароитида маълум вақт сақланса, крахмалнинг тўлиқ парчаланиши учун ҳар хил вақт талаб қилинишини уларга йод эритмаси таъсир эттириб аниқланади.

*Ишининг бориши.* Актив амилаза ферментини солод таркибидан сув билан ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун 10 г солодни колбага солиб, устига 35—40°C даги иссиқ сувдан 50 мл қўйилади-да, 3 минут яхшилаб чайқатилади ва ярим соат турғизиб қўйилади. 30 минут ўтгандан кейин колбани яна чайқатиб, ичидагини фильтр қофозидан ўтказилади. Агар эритма лойқа бўлса, қайта фильтрланади. Группадаги ҳамма студентлар икки ёки

бір неча кичик группага бүлиніб улар амилаза ферменті активлигіні ушбу бирор температурада (5, 15, 25, 35, 45, 55, 65°C) аниқлайдылар. Ҳар бір кичик группа студентлари 15—20 та пробиркага 10 мл дан күчсіз йод эритмасидан солиб, битта пробиркага 10 мл крахмал эритмасидан қоядылар. Штативдеги пробиркалар керак-ли температурада маңлым вақт турғач, крахмал эритмаси қойылған пробиркага 1 мл солод эритмасидан құшиб, аралаштирилади ва дархол пипетка ёрдамида бір томчи йод эритмаси солинган 1- пробиркага томизилади. Орадан 3 ёки 5 минут ўтгандан кейин йодли 2- пробиркага яна 1 томчи крахмал эритмасидан томизиб аралаштирилади. Қолган ишни худди шундай давом эттирилади. Крахмал солод таркибидеги амилаза ферменті таъсирида тұлық парчаланиб кетади. Буни йодли эритмага крахмалли эритма томизилгандан күк ранг ҳосил бүлмаслигидан қўриш мумкин. Тажрибанинг түғри чиқиши учун температуранинг бир хилда бүлиши крахмал намунаси эса белгиланған вақт аниқ ўтгандан кейин олиниши керак. Крахмал эритмасига солод эритмасини қўшгандан бошлаб, уни тұлық парчаланиб кетгүнича кетган вақтни ҳисоблаб, шу температурада крахмални амилаза ферменті таъсирида тұлық парчаланиш вақти аниқланади. Ҳамма кичик группа студентларнинг иш якуни 27-жадвалга ёзилиб, амилаза ферменті активлигига температурани қандай таъсир этиши муҳокама қилинади.

Кичик группа номери	Температура, °C	Крахмални тұлық парчаланиш вақти, мин.
1	5	
2	15	
3	25	
4	35	
5	45	
6	55	
7	65	

### 50-машғулот. Амилаза-диастаза ферментини активсизлантириш

Асбоб ва реактивлар: машғулот учун худди 49- машғулотдеги асбоб ва реактивлар талаб этилади.

Ферментлар ҳам худди оқсиллар сингари маңлум юқори температура таъсирида ивиб қолади. Бундай ҳо-


лат ферментларнинг динатурацияси дейилади. Динатурация бўлган оқсилларни макромолекула тузилишини ва структурасини ҳеч қандай йўл билан бошланғич актив ҳолатига қайтариб бўлмайди. Юқори температура таъсирида оқсилларни ивиб қолиши ҳам динатурацияга киради. Шунинг учун солод эритмаси қайнатилса, таркибидаги амилаза-диастаза ферменти активсизланиб қолади (чунки ферментлар ҳам оқсиллардан тузилган бўлади).

*Ишнинг бориши.* Пробиркага 1 мл солод эритмасидан солиб, спирт лампада қайнатилади. Сўнгра буни 10 мл крахмал эритмаси солинган пробиркага қўйиб, яхшилаб аралаштирилади. Крахмалнинг парчаланишини йод эритмасида аниқлаш худди олдинги 49- машғулотдагига ўхшаш олиб борилади.

### 51- машғулот. Инвертаза ферментини ажратиб олиш ва унинг сахарозага таъсирини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: прессланган қуруқ хамиртуруш замбуруғи, чинни ҳовонча, кварц қуми, фильтр қофози, воронка, штатив пробиркалари билан 5 ва 10 мл ли пипеткалар, сув ҳаммоми, термометр, 5—10% ли сахароза эритмалари, 10% ли NaOH, CuSO<sub>4</sub> ва кучли HCl ёки H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмалари, тошли тарози, цилиндр.


Қанд лавлаги қанди — сахароза C<sub>12</sub>H<sub>22</sub>O<sub>11</sub> эмпирик тузилишга эга бўлиб, оддий шароитда моносахаридлар — глюкоза ва фруктозага парчаланмайди. Сунъий шароитда кислота таъсир эттириб ва қиздириш йўли билан 45- машғулотда кўрсатилганидек сахарозани парчалаб юбориш ҳам мумкин. Сахарозанинг моносахаридларга қадар парчаланиши қўйидаги схема бўйича боради:




Ўсимликларда сахарозани глюкоза ва фруктозаларга қадар бундай парчалаш вазифасини инвертаза ферменти бажаради.

*Ишнинг бориши.* Бир г прессланган қуруқ хамиртуруш замбурувидан олиб, устига шунча кварц қуми ва

5 мл сув қўшиб ҳовончада эзилади. Аралашмага 40° температурадаги иссиқ сувдан 15 мл қўшиб, 10 минут тинч қолдирилади. Мазкур вақт ўтгандан кейин ҳовончадаги аралашма бурмали фильтрдан ўтказилади. Фильтрат лойқа бўлса, қайта фильтранади. Фильтратда инвертаза ферменти бўлади. 4 та қуруқ ва тоза пробиркага 5 мл дан 5 ёки 10% ли сахароза эритмасидан қўйилади. Пробирканинг бирига контрол учун, иккинчи ва учинчисига 1 мл дан фильтрат қўйилади. Бир пробиркаги фермент қўшилган сахароза эритмаси айни вақтнинг ўзидаёқ спирт лампада қайнатилади. Сўнгра учала пробиркани 40° ли сув ҳаммомида 15 минут сақланади. Кейин уларни сув ҳаммомидан олиб, троммер реакцияси қилиб кўрилади. Бунинг учун ҳар бир пробиркага 1,0 мл дан NaOH эритмасидан ва 3—4 томчи CuSO<sub>4</sub> эритмасидан қўшиб, спирт лампада қиздирилади. Натижада Cu(OH)<sub>2</sub> нинг кўк чўкмаси қўйидагича ҳосил бўлади:



Агар фермент таъсиридан сахароза моносахаридларга парчаланган бўлса, Cu(OH)<sub>2</sub> глюкоза билан реакцияга киришиб, мис (I)-оксид (CuO) мис (II)-оксид (Cu<sub>2</sub>O) га айланади, бунда қизил ёки сариқ рангдаги чўрма қўйидагича ҳосил бўлади:



Фермент қўшилмаган (контрол) ва фермент қўшиб қиздирилган пробиркаларда юқорида кўрсатилган реакция юз бермайди. Чунки контрол пробиркага фермент қўшилмаган, иккинчисида эса фермент қиздириш орқали иссиқлик таъсирида бузилган бўлади. Шу сабабли бу пробиркалардаги сахароза парчаланмасдан қолади ва Cu(OH)<sub>2</sub> билан реакцияга киришмайди. Агар яна бир пробиркага сахароза эритмасидан қўйиб 45-машгулотда кўрсатилган ишларни қилиб троммер реакцияси ўрнига Феллинг суюқлиги таъсир эттирилса, сахарозани ферментсиз парчалангани аниқланади.

## 52-машғулот. Липаза ферментини ажратиб олиш ва унинг ёққа таъсирини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: канакунжут ўсимлиги ни унаётган уруғи, глицерин, эфир 0,1% ли сирка кислота, 0,1 н. NaOH эритмаси, толуол, 1% ли фенолфталеин эритмаси, тошли тарози, 100 мл ли колбалар, бюретка, пипетка, воронка, термостат, фильтр қофози, дастали чинни ҳовонча.

Липаза ферменти ёғни парчаланишида ва унинг синтез қилинишида иштирок этадиган органик катализатордир. Шунинг учун липаза ферменти ёғли ўсимлик уругларининг униб чиқиш даврида жуда актив ва кўп миқдорда бўлади.

*Ишнинг бориши.* Липаза ферментини олиш учун канакунжут ўсимлиги уруғини унаётган даврида униқаттиқ қобигидан ажратиб, ичидағи мағзи чинни ҳовончада глицерин билан яхшилаб эзилади. Бу усулда эзитайёрланган 15 г массани устига 100 мл эфир қўйиб, 12 соат қолдирилади. Бунда ёғ эфирга эриб чиқади. Кейин эфирни бошқа идишга қўйиб олиб, чўкмани бир неча марта тоза эфир билан ювилади ва фильтр қофозида қуритилади. Қуритилган чўкма таркибида липаза ферменти бўлади. Липазанинг таъсири, яъни унинг активлиги РН=5 бўлган нордан муҳитдага яхши боради. Тайёрланган липаза ферменти бор чўкмадан 2 г дан 3 марта тортиб олинади. Шундан иккитасини айрим-айрим қилиб, 16 мл 0,1% ли сирка кислотада ҳовончада эзилади (сирка кислота липазанинг активлигини ошириш учун қўлланади). Орадан 15 минут ўтгач, ундан сирка кислотани бошқа идишга қўйиб олиб, ҳовончада қолған моддани бир неча марта сирка кислота тўлиқ кетгунича сув билан ювилади. Шу олинган эритмани биттасига озгина сув қўшиб фермент структурасини бузиш учун қайнатилади. Сўнгра тайёрланган ҳамма эритмаларни (3 хил эритмани) колбага қўйиб, устига 5 г дан канакунжут ёғи ва 1 мл дан сув, бир томчи толуол томизиб, 37°C даги иссиқ термостатда 12 соат қолдирилади. Кейин уларни 0,1 н. NaOH эритмасида титрланади ва кетган ишқор миқдорига қараб кислота миқдори аниқланади. Индикатор шаклида 1% ли фенолфталеиннинг эритмаси олинади. Титрлаш олдидан ҳар бир колбага 100 мл дан спирт қўшилади. Биринчи колбада активлиги ошган ли-

паза ферменти бўлгани учун кўп кислота ҳосил бўлади, иккйнчи колбада ундан камроқ, учинчисида эса кислота бутунлай ҳосил бўлмайди, чунки фермент қайнатиб активизлантирилган бўлгани учун ёғ парчаланмайди.

### 53- машғулот. Ўсимлик таркибидаги мойни Сокслет асбобида аниқлаш

А с б о б в а р е а к т и в л а р: Сокслет асбоби, қофоздан ясалган пакетлар, ўсимлик намунаси, электроплитка, эфир эритмаси, аналитик тарози, эксикатор, соат, ҳовонча, қуритгич шкаф, сув ҳаммоли, элак.


*Ишининг бориши.* Таркибидаги мой миқдори аниқла-  
надиган ўсимлик намунасини солиш учун фильтр қофози-  
дан пакет ёки патрон ясалади. Пакетни дори порошокла-  
ри солинадиган пакетга ўхшаб тайёрланади. Патронни  
эса катта пробирка олиб унга фильтр қофозини икки  
марта айлантириб ўралади ва пробиркадан чиқиб турган  
қисмини маҳкам боғлаб пробиркадан чиқариб олинади.  
Бу қофоз пакетларни ёки патронни қора қалам билан  
номерлаб аналитик тарозида аниқ қилиб тортиб олинади.  
Бундай усулда тайёрланган пакет ёки патронга ўсимлик  
намуналари солинади. Сўнгра бу ўсимликдан олинган  
намуналарни (2 г-дан 10 г-гача) аналитик тарозида  
пакет ёки патрон билан бирга тортиб З соат давомида  
махсус бюксларда қуритгич шкафида абсолют оғирлиги-  
га қадар қуритилади.

Сўнгра бюкслар қуритгич шкафидан олиниб совитиш  
учун эксикаторга қўйилади. Бюкслар совиганидан сўнг  
қайтадан тарозида тортиб ўсимлик намунасидаги сув  
миқдори қўйидаги пропорция ёрдамида аниқланади:  
бюксни олдинги вазни — 100 %,  
бюксни кейинги вазни—X %.

Шу хилда олинган ўсимликлар намунасидаги нам-  
нинг процент миқдорини аниқлаб намуна оғирлиги топи-  
лади.

Шундан кейин бюкслар ичидан намуна солинган  
пакет ёки патронларни олиб Сокслет асбобининг (26-  
расм) экстрактори (1) га қўйилган эфирга ботирилади.

Экстракторнинг паст томони 1/2 ёки 3/4 қисмигача  
эфир солинган колба (2) билан, юқориги томони эса  
совитгич (3) билан герметик туташтирилади. Совитгич-



26-расм. Соxлeт аппарати:

1 — экстрактор; 2 — эфир қуйилган колба; 3 — совитгич; 4 — водопровод жүмрагига ва совитгичга уланган трубка; 5 — исиган сувни оқизиш учун уланган трубка; 6 — раковина; 7 — штатив; 8 — электр плитка; 9 — сув ҳаммоми; 10 — сифон.

Бир соат давомида экстракторга эфир 3—4 марта түпланиб, 3—4 қайтадан колбага тушиши керак.

Экстракциялаш вақти тугагандан сүнг пакет ёки патронлар экстрактордан олиниб сув миқдорини аник-

нинг пастки қисмидаги найча (4) га узун каучук най туташтирилиб бу най водопровод жүмрагига уланади. Совитгичнинг юқориги қисмидаги найча (5) га уланган каучук найниң пастки учи раковина (6) га ёки челакка туширилади ва совитгич ичидә исиб қолган сув ўша най орқали ташқариға оқизилади. Совитгич орқали бетўхтов совуқ сув бериб турилади.

Шу тарзда тайёрланган аппарат темир штатив (7) га бириктирилади, аппаратнинг колбаси эса электр плитка (8) га ўрнатылган сув ҳаммоми (9) даги иссиқ сувга ботириб қўйилади. Иш тамом бўлгунча сув ҳаммомидаги сувнинг иссиқлиги 40—45° атрофида сақланади.

Эфир иситилганда унинг буғлари совитгичга ўтади. Совитгичда эритма ҳолатига келган эфир экстракторга тушиб ўсимлик тўқимасидаги мой заррачаларини эритиб юборади. Экстрактор эфир билан тўлгандан сўнг эфирнинг ҳаммаси сифон (10) орқали колбага қайтиб тушади. Машгулот 4—6 соат давом эттирилади.

лашда ишлатилган бюксга жойланади ва бу бюкс 100—105°C иссиқликтеги құритгич шкафида 30 ёки 90 минут сақланади. Сүнгра бюкс құритгич шкафидан олиніб экспонаторда совитилади ва аналитик тарозида тортилади.

Ұсимлик намунасынан мой миқдорини аниқлаш учун экстракциядан олдинги оғирликтен бюкс ва пакеттинг экстракциядан кейинги оғирлиги олиб ташланади. Буларнинг айрмасыдан мойнинг миқдори келиб чиқади.

#### 54-машғулот. Ұсимлиқта оксидаза ферменти борлигини аниқлаш (Н. Н. Иванов усули)

Асбоб ва реактивлар: янги картошка тугунағи ёки олма, нок, олхұры меваси, пробиркалар, 1% ли гвояқ смолалық спиртдаги эритмаси, фильтр қофоз, воронка, спирт лампаси, дистилланган сув, чинни косача.

*Ишининг бориши.* Бунинг учун пүсти артилган картошкадан бир парча кесиб олинади. Сүнгра уни ҳовончада оз-оздан дистилланган сув құышыб эзилади. Эзилган картошка аралашмаси фильтр қофоздан ўтказилади. Ўтган фильтратни тенг ҳажмда иккита пробиркага тақсимлаб қуайлади ҳамда уларнинг бири дархол қиздирилади. Сүнгра ҳар иккала пробиркага спиртда эритилган 1% ли гвояқ смола эритмасынан бир неча томчи томизилади.

Қайнатилмаган пробиркадаги эритма гвояқ смола эритмаси таъсиридан күкаради. Қайнатилган пробиркадаги эритма эса, күкармайды. Бу, иссиқлиқ таъсиридан оксидаза ферменттіннинг парчаланғанлығини күрсатади. Бундай тажрибани олма, нок ва олхұры каби үсимлик меваларида ҳам олиб бориш мумкин.

#### 55-машғулот. Ұсимлиқта пероксидаза ферменти активлигини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: колориметр, 10 ва 25 мл ли колбачалар, пипеткалар, 3 минутли құм соат, чинни ҳовонча, тоза спирт, 30% ли ишқор ( $\text{NaOH}$ ), 3% ли водород пероксиди ( $\text{H}_2\text{O}_2$ ), 1% ли сирка кислотасынан бунзидин эритмаси ва 0,01 н.  $\text{KMnO}_4$ , дистилланган сув ва қофоз фильтр.

Пероксидаза ферменти водород пероксидини активлаштиради. Унинг таъсирида ҳар хил фенол ва аминлар ҳам оксидланади. Бу фермент ҳайвоноң ва үсимликтерде

жуда кенг тарқалган. Пероксидаза ферменти илдиз мевали ўсимликларда, айниңса хрен (ер қалампир) вә турпда күп бўлади.

*Ишининг бориши.* Пероксидаза ферменти активлигини аниқлаш учун турп ёки бошқа илдиз мевали ўсимликлардан 1 г намуна олиб ҳовончада кварц қуми билан яхши лаб эзилади. Сўнгра дистилланган сув билан аралаштириб 10 мл ли идишга қўйилади ва эритма ҳажмини белгига қадар етказилади. Сўнгра бу эритмани қоғоз фильтр орқали ўтказиб тозаланади. 25 мл ли колбага 2 мл 1% ли бунзидин эритмаси, 2 мл 3% ли водород пероксид эритмаси ва 1 мл тайёрланган ферментли эритмадан қўйиб аралаштирилади ва 3 минут давомида тиндирилади. Сўнгра колбага 10 мл 30% ли ишқор ( $\text{NaOH}$ ) эритмаси қўйилади ва яхшилаб аралаштирилади. Бунда чўкма шаклида тушган бўялган бирикмани 10 мл тоза спиртда эритилади ва бу эритмани стандарт эритма бўйича колориметрланади.

Колбага 2 мл 1% ли бунзидин эритмаси ва 3 мл 0,01 н.  $\text{KMnO}_4$  эритмаси қўйиб 10 минутдан кейин, яъни, эритмадаги яшил ранг тўқ қизил рангга айланганидан сўнгра 10 мл 30% ли ишқор ( $\text{NaOH}$ ) ва 10 мл тоза спирт қўшиб стандарт эритма тайёрланади. Шундай стандарт эритма учун 25 мл ли ўлчов колбаси керак бўлади.

Олинган маълумотларни ҳисоблаш учун пероксидаза ферменти активлигига бирлик қилиб 3 минутда стандарт эритмага баравар берган ранги қабул қилинади.

Бунда пероксидаза ферменти активлиги (С) қабул қилинган бирликда бўлса 1 г ўсимлик массасидаги фермент активлиги қўйидагича топилади:


$$C = \frac{h_1 \cdot 10}{h_2}$$

Бу тенгламадаги  $h_1$ —олинган намуна (стандарт) эритма қатлами ning баландлиги;  $h_2$ —текширилаётган эритма қатлами ning баландлиги.

## 56-машғулот. Ўсимликда каталаза ферменти активлигини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: каталазник, ҳовонча, тарози, қум, дистилланган сув, вазелин, 3% ли водород пероксида ( $\text{H}_2\text{O}_2$ ), секундомер, ўсимлик намунаси.


Каталаза ферменти икки компонентдан тузилган, яъни у оқсил ва актив группадан иборат. Каталаза парчаловчи ферментлар групласига киради, ўсимликларнинг нафас олиш процесси вақтида ҳосил бўлган заҳарли водород пероксиди ( $H_2O_2$ ) каталаза ферменти таъсирида заарсизланади, яъни у сув ва молекуляр-кислородгача парчаланади. Бу процесс қўйидагича боради:



*Ишининг бориши.* 1—2 г ўсимлик массасига, 0,3 г кварц қуми ва сув қўшиб тоза ва қуруқ ҳовончада эзилади. Каталаза ферментининг активлиги суст ишқорий шароитда кучайишини назарга олиб, эзилган массага 0,2—0,5 г оқ ( $CaCO_3$ ) бўр қўшилади. Ҳовонча ичидағи эзилтан масса четга оқиб кетмаслиги учун ҳовонча тумшуқчасининг пастки томонига юпқа қилиб вазелин суркалади.

Эзилган масса каталазник деб аталган 100—150  $cm^3$  ҳажми, кенг оғизли шиша идишга солинади. Ҳовончанинг деворига ёпишиб қолган масса дистилланган сув билан ювилади ва шу идишга туширилади. Бу иш икки марта қайтарилади. Натижада каталазник ичидаги 20 мл эритма тўпланади.

Баландлиги 2 см, диаметри 1,8 см келадиган шиша идишга 5 мл 3% ли водород пероксиди қўйилади ва идишни пинцет ёрдамида эҳтиётлик билан каталазник ичига туширилади. Каталазникнинг оғзи каучук най ўрнатилган тиқин билан маҳкам беркитилади (27-расм). Каталазникинг беркитиш билан бюреткадаги рангли эритма пастга тушиб қолади. Юқорида жойлашган қисқич ёрдамида бюреткадаги рангли сув нолга тўғриланади ва най системалари герметик бекитила-



27-расм. Каталаза ферментининг активлигини аниқлашда қўлланадиган асбоб:

*a* — каталазник; *b* —  $H_2O_2$  солинадиган кичик идиш;  
*g* — бюретка; *g* — найлар ичидағи сув баландлигини нолга текислайдиган қисқич;  
*d* — штатив.

ди. Каталазникни қийшайтириб, кичкина идиш ичидағи водород пероксида каталазник ичидағи эритмага қуйилади. Водород пероксида каталазникдаги эритма билан реакцияга киришади. Ўсимлик түқимасида бўлган каталаза ферменти таъсирида  $H_2O_2$  парчаланади. Реакция вақтида ажралиб чиққан кислород каучук най орқали юқорига кўтарилади ва бюреткадаги рангли эритмани сиқиб пастга тушира бошлайди. Каталазникни қийшайтириш билан бир вақтда секундомер ҳам ишга туширилади. Ҳар 30 секунд ўтиши билан бюреткадаги суюқликнинг пастга тушган ҳажми ёзиб борилади. 180 секунд ўтгандан сўнг тажриба тўхтатилади. Ҳар бир ўсимлик массаси учун тажрибани уч марта тақрорлаш лозим. Олинган натижалар тубандаги жадвалга ёзиб борилади.

32- жадвал

Ўсимликнинг номи	3 минут давомида ажралиб чиққан кислороднинг ҳажми, см <sup>3</sup> ҳисобида						Эслатма
	секундлар						
	30	60	90	120	150	180	

Тажрибадан каталаза ферментининг турли ўсимликда турлича активликда бўлиши аниқланди.


### ЎСИМЛИКНИНГ ЎСИШИ

#### 57- машғулот. Ўсишни горизонтал микроскоп ёрдамида аниқлаш

Асобоб ва реактивлар: нам камера, зифирнинг, карамнинг ёки бошқа майда уруғли тез ўсуви ўсимликларнинг унган уруғи, микроскоп, окуляр-микрометр.

*Ишининг бориши.* Ўсишни аниқлаш учун микроскопнинг буюм столчасига ичида унган уруғ бўлган нам камера маҳкамланади. Бунда камера ичидағи уруғнинг илдиз уни микроскопни кичик объективи орқали кўриниб туриши керак. Илдизнинг учини микроскопнинг окулярига ўрнатилган микрометр шкаласини маълум жойга тўғрилаб қўйилади (28-расм). Орадан 30 минут ўтгач,

илдиз учининг қанча ўсгани шкалани ўзгаришига қараб аниқлади. Микрометрдаги шкала оралиқ масофа-сини аниқлаб, илдизини шу вақт ичида қанча ўсганлиги аниқлади.



28-расм. Микроскоп орқали ўсишни кузатувчи нам камера.

### **Ўсимлик илдизларининг ўсишига ҳар хил концентрацияли гетероауксин эритмасининг таъсири**

58-машғулот.

Асбоб ва реактивлар: буғдой уруғи, 0,01% ли гетероауксин эритмаси, Петри косачаси, фильтр қофози, қайчи, дистилланган сув, 1 мл ва 10 мл ли пипетка, миллиметрларга бўлинган қофоз.

*Ишининг бориши.* 5 та қуритилган тоза Петри косачасини олиб, тагига ва қопқоғига фильтр қофози ёзилади. Ичига эса 10 мл дан ҳар хил концентрацияли гетероауксин эритмаси қўйилади. Бунда 1-косачага 0,01% ли тайёр гетероауксин эритмасидан 10 мл, 2-косачага 10 мл 0,001% ли гетероауксин эритмаси (бунинг учун 1 мл 0,01% гетероауксин эритмасига 9 мл сув қўшилади), 3-косачага 0,0001% ли гетероауксин эритмаси (0,1 мл 0,1% гетероауксинга 9,9 мл сув қўшилади), 4-косачага 0,00001% ли гетероауксин эритмаси қўйилади (0,01 мл 0,01% гетероауксин эритмасига 9,99 мл сув қўшиб тайёрланади). Шундай қилиб, тайёрланган Петри косачаларига бештадан буғдой уруғи солиб этикетка ёпиштириб, қофозга ўраб, иссиқ жойга бир ҳафта турғизиб қўйилади. Бир ҳафта ўтгандан кейин илдизчаларнинг узунлигини ўлчаб, олинган маълумотларни жадвалга ёзилади ва холоса чиқарилади.

### **ЎСИМЛИКНИНГ ТАШҚИ НОҚУЛАЙ ШАРОИТГА ЧИДАМЛИЛИГИ**

59-машғулот. Протоплазмани паст температура таъсирида зарарланишдан сақлашда қанднинг роли

Асбоб ва реактивлар: қизил лавлаги, 0,5 ва 1,0 молярли сахароза эритмаси, майдаланган муз бўлаклари,—25°,—39°C ли термометр, скальпель, проба олинадиган парма, устара, пробиркалар, микроскоп, буюм

ойнаси ва қоплағич ойналар, кичкина чүтка, ойнага ёзадиган қалам, фильтр қозози.

Нолдан паст температура таъсирида ҳужайра орасидаги бўшлиқларда муз кристаллари ҳосил бўлади. Улар ҳужайра ичидан сувни тортиб олиб, унга механикавий таъсир этади. Натижада протоплазманинг структураси бузилиб нобуд бўлади. Протоплазманинг нобуд бўлиши таъсир этувчи паст температуранинг даражаси ва қанча вақт давом этишига боғлиқ. Ўсимликларни қишлоғчи органларида қанднинг кўп миқдорда бўлиши ташқи нокулай паст температурага чидамлилигини оширади.

*Ишининг бориши.* Бунинг учун 3 та тоза ва қуруқ пробирка олиб, биттасига 5 мл сув, иккинчисига 5 мл 0,5 М ли ва учинчисига 5 мл 1,0 М ли шакар эритмаси қуйилади. Сўнгра қизил лавлагидан 0,5 см қалинликда парра кесиб олиб, прoba олинадиган парма ёрдамида 10—15 дона бўлакча ўйиб олинади. Бўлакчалар устидаги ранги ширани сувда яхшилаб ювилади. Шу тайёрланган бўлакчалардан учта ёки тўрттадан юқорида айтилган пробиркалардаги эритмага туширамиз. Сўнгра пробиркалар штативдан олиниб, муз ёки қор ва туз аралашмаси солинган идишда 20 минут турғизилади (бунда уч қисм муз ёки қорга бир қисм туз аралаштирилади). Орадан 20 минут ўтгач пробиркалар уй температурасидаги сувли идишга солиниб эригандан кейин уларни яхшилаб чайқатиб ичидаги суюқликларнинг ранги таққослаб кўрилади. Сўнгра ҳар қайси пробиркадаги лавлаги бўлакчалари олиниб, улардан юпқа кесиклар тайёрланади ва микроскопда ўша томчи эритмада текширилади. Кўрилган ҳужайраларнинг умумий сонини аниқлаб, шундан нечтаси рангсиз эканлиги ҳисобланади. Сувли пробиркадаги бўлакчалардан олинган кесикни текширганда, ҳужайрадаги антициан ранг чиқиб кетгани сабабли, ҳужайранинг оқариб қолганлиги кўриниб туради, чунки паст температура таъсирида протоплазма ўзининг ўтказувчаник хусусиятини йўқотади. Ярим нормал сахароза эритмаси қуйилган пробиркадаги бўлакча ҳужайраларнинг бир хиллари рангсизланса ҳам, баъзи бир ҳужайраларда протоплазма тўла бузилмаганлиги сабабли қизил антициан рангни ўзида сақлаб қолганлиги кўринади. 1,0 н. сахароза ичидаги турган бўлакчадаги ҳужайралар паст температура таъсирида заарланмай, тирик қолганлиги аниқланади. Бу машғулот натижалари ўсимликдаги қанд

уларни қишики паст температура таъсирида заарланишдан сақлашда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Олинган маълумотларни 28- жадвалга ёзуб, юқоридағи тушунтиришларнинг тўғрилигини текшириб кўринг.

### 32- жадвал

Эритмалар	Кўрилган ҳужайралар сони		
	умумий	рангли ҳужайралар	рангли ҳужайралар миқдори, % ҳисобида
Сув			
0,5 М сахароза			
1,0 М сахароза			

### 60- машғулот. Ўсимликнинг иссиққа чидамлилигини аниқлаш (Мацков усули)

Асбоб ва реактивлар: ҳар хил ўсимлик барглари 0,2 н. HCl эритмаси, сув ҳаммоли, термометр, Петри косачаси, пинцет, сувли стакан.

Юқори температуранинг ўсимликка заарли таъсири асосан икки хил бўлади. Биринчидан, ўсимликларда модда алмашинуви бузилиши натижасида заҳарли моддалар йиғилиб қолса, иккинчидан, юқори температура протоплазма оқсилиларининг ивиб қолишидан ҳужайраларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Ўсимликни иссиққа чидамлилигини ҳар хил юқори температура таъсирида зарарланиш даражасига қараб аниқланади.

*Ишнинг бориши.* Бунинг учун 4—5 хил ўсимликнинг ҳар қайсисидан бештадан барг қирқиб олинади. Бу барглар 40°C гача иситилган сув ҳаммолига солинади ва 30 минут шу температурада сақланади. Сўнгра ҳар хил ўсимлик баргидан биттадан олиб, совуқ сувли Петри косачасига туширамиз, сув ҳаммолида эса температурани 45°C кўтариб, 10 минут ўтгач, яна биттадан барг олиб, уни ҳам совуқ сувли иккинчи идишга солинади. Шундай қилиб барглар солинган сув ҳаммоли температураси ҳар 5°C га кўтарилган сари юқоридаги ишлар таҳорланади, яъни 50, 55 ва 60°C да яна биттадан баргни олиб совуқ сувли идишга солиб турилади. Сўнгра совуқ сувли идишга солинган барглар сувдан олиниб, Петри косачасига қўйилган 0,2 н. HCl кислотасига солинади. Орадан 20 минут ўтгач, тажриба натижалари 33- жадвалга ёзилади.

Текширилгән ўсимликлар номи	Баргнинг қўнғир рангга кириш даражаси					
	40°	45°	50°	55°	60°	65°

Юқори температура таъсирида заарланган барг HCl таъсирида қўнғир тусга киради. Жадвалнинг температура графасига ранг ўзгармади, оч қўнғир ёки тўк қўнғир рангга кирди деб ёзиб бориш керак.

## ЁЗГИ ЎҚУВ ПРАКТИКАСИ

Студентларнинг ёзги ўқув практикаси ўсимликлар физиологияси курси бўйича олинган назарий билимлари ни мустаҳкамлаш ва уларни мустақил илмий текшириш ишлари олиб боришига қизиқтириш мақсадида ўтказилиди. Ёзги машғулотларни олиб бориш учун камидаги 25 студент ишлаши мумкин бўлган, яхши жиҳозланган лаборатория, студентларни китоб устида ишлашлари учун ҳам алоҳида хона ажратилган бўлиши шарт. Бу хона студентларни китоб устида, иш бўйича ҳар хил ҳисоблашларни олиб боришида, иш планларини тузишига, тажриба натижаларини муҳокама қилишига мослашган, тинч, тоза ва ёруғ бўлиши керак. Қўшимча хона бўлмаслиги студентлар иши сифатининг ва ёзги машғулотларни ўтиш умумий даражасининг пасайиб кетишига сабабчи бўлади. Ёзги ўқув практикаси ўтказиладиган жойда тажриба участкаси бўлиб, унда бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар экилган бўлиши лозим. Кафедра лаборантни ёки бошқа киши ёзги ўқув практикаси бошлангунига қадар ўсимликларни яхшилаб парвариш қилиб машғулотга тайёрлаб қўяди. Тажриба участкасининг ташқи кўриниши ва унда олиб борилган ишларнинг ҳаммаси намунали, кишини қизиқтирадиган бўлиши керак. Участкадаги ўсимликлар экилган қаторларга ва ўсимликларга этикеткалар ёзиб қўйилиши лозим.

Тажриба ўтказилаётган ўсимликларни парвариш қилиш бутунлай студентлар зиммасига юкланди. Студентларнинг рухсатисиз бошқа кишиларнинг ўсимликини парвариш қилиши ман этилади. Студентлар тажрибаси

тамом бўлганидан кейин бу ўсимликлар яна умумий ўсимликлар қаторига киритилади. Сўнгра уларда умумий парвариш ишлари олиб борилади. Ёзги практика машгулотларини эрталаб соат 8 да бошлаб, 6 соат ичидаги тамомлаш керак. Айрим тажрибалар учун вақтни ўзгартириш мумкин.

Кафедра мудири томонидан тасдиқланган ва кўринарли жойга осиб қўйилган «Ички тартиб қоидалари»га ҳамма кишилар риоя этиши керак. Бу қоидалар практикант-студентлар ўртасида лабораториядаги китобларни, ассобларни, қуролларни ва бошқа материалларни сақлашда масъулиятни оширишга ҳамда тартиб-интизомнинг яхши бўлишига олиб келади.

## **Студентлар томонидан олиб бориладиган ишлар ва уларни ҳисобга олиш.**

Студентлар ўзлари олиб борадиган ҳамма ишларни ёзиб боришилари айниқса мажбурийдир. Бу ёзувлар асосан қуийдаги тўрт типда бўлади:

- 1) ҳар бир студентда ишларни ёзиб бориш учун кундалик дафтар бўлиши;
- 2) қилинадиган иш юзасидан план тузиши;
- 3) қилинган ишлар ҳақида протокол ёзиб бориши;
- 4) тажрибанинг ҳамма даврларини ёзиб борилиши керак.


Студентлар ҳамма ёзувларни бир нусхада ёзиб, бир-бирларидан кўчиришга йўл қўймасликлари лозим. Кундалик дафтарига ҳар куни қилинган ишлар тўлиқ ёзиб борилади. Кундалик дафтарига ёзиб бориш билан эртага ва ундан кейинги кунларда қилинадиган ишларга план ҳам тузиб борилиши керак. Дафтарнинг кўзга кўринадиган жойига доимий қилинадиган ишлар ва кузатишларнинг рўйхати ёзиб қўйилиши лозим. Бажарилган ишлар ҳақида протокол ёзаётганда жадваллар, графиклар, расмлар ва схемалардан фойдаланиш керак. Ҳар хил ҳисоблаш ишлари ҳам шу протоколга ёзилади. Ёзувнинг охирги формасида ҳар бир студент тажрибани бошланиш ва ўтиш вақтини ёзиб, унинг тамом бўлганлигини раҳбар тасдиқлаб беради. Иш шу тартибда олиб борилса, ҳар бир студентни нима ишлар қилганлиги ва қандай ишлаганини ҳамма вақт аниқлаш мумкин.

## 1-машғулот. Ўсимликни сунъий муҳитда тарбиялаш

Асбоб ва реактивлар: вегетацион идиш трубкаси билан аналитик тарози, куракча, тупроқ, тоза дарё қуми, шағал, фанер ёки тунука ғалвир, элак, уруғ экиш учун шаблон,  $400^{\circ}\text{C}$  ли термометр, примус ёки электроплитка, бюклар, қуритгич шкаф.

Ўсимликлар физиологиясини текшириш ишларида ўсимликни сунъий муҳитда тарбиялаш жуда кенг қўлланилади. Буларга ўсимликни сунъий усулда: сув, қум ва тупроқда парвариш қилиш киради.

*Ишнинг бориши.* Ўсимликни сунъий усулда: қум ва тупроқда парвариш қилиш учун маълум катталикдаги идишлар олинади. Бундай идишлар шишадан ёки металдан тайёрланган бўлиб, ҳажми 1 кг дан бир неча килограммгача бўлиши мумкин. Шунингдек, сополдан ясалган гултuvаклардан фойдаланиш мумкин. Тунукадан ясалган идишларни ички деворига бензинда эритилган парафин суркалади. Идишнинг ташқи томони эса оҳак аталаси билан бўялади ёки пахтали дока билан ӯралади. Бундай идишлардаги қум ёки тупроқни сув билан бир текис намлаб туриш учун идиш тубига муайян миқдорда шағал ёки майдаланган шиша солиб, унинг орасига тунука ёки шиша най ўтказилади. Бу вегетацион идишга шу най орқали сув қўйиб турилади (29-расм).



29-расм. Вегетацион идиш.

Шағалнинг усти 1—2 қават фильтр қофоз ва бир қават дока билан ёпилади. Дока устига идишнинг ҳажмига қараб 0,5 кг дан 1 кг гача эланган қум босилади. Қум культураси учун дарё қуми маҳсус тайёрланади. Қум ичида сувнинг бир текис ҳаракатланиши учун қум заррачаларининг диаметри 0,2—0,4 см бўлиши керак. Қум заррачаларининг диаметри 0,4 см дан катта бўлса, идишга қўйилган сув тезда қум тагига тушиб кетади. Агар қум заррачаларининг диаметри 0,2 см дан кам бўлса, қумдаги ҳаво

йўллари сув билан бекилиб, илдизнинг нафас олиш процесси ёмонлашади. Шунинг учун қумни тешиги 0,2—0,4 см ли ғалвирдан ўтказиб, элаб олинади. Сўнгра қумни 400°C температурагача қиздирилади. Жуда аниқ текшириладиган тажрибалар учун тоза кварц қуми ишлатилади. Сунъий тупроқ культураси учун даладан танланган участкада устки 4—5 см қавати олиб ташланиб, навбатдаги қатламидан тупроқ олиб қўйидагича тайёрланади. Бунинг учун тупроқни озгина қуритиб эланади. Тайёрланган тупроқ заррачаларининг диаметри 1 см дан катта бўлмаслиги керак. Бу тупроқ ўз структурасини йўқотмайдиган, яъни донадор бўлиши шарт. Шундай тайёрланган тупроқни фанер ёки тунука устида 3 қисмига 1 қисм эланган қум қўшиб аралаштирилади. Қум аралашган тупроққа зарур миқдорда минерал элементлар солиниб, қайта аралаштирилади. Ҳар 1 кг тупроққа 0,5 г натрий селитраси ( $\text{NaNO}_3$ ), 0,5 г калий тузи ( $\text{KCl}$ ), 0,75 г суперфосфат [ $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ] қўшилади. Шундай усулларда тайёрланган қум ёки тупроқни вегетацион идишларга шундай тўлдириш керакки, юқорисида 2 см жой қолсин. Сўнгра ҳамма тупроқли идишларни оғирлиги тенглаштирилиб олинади. Бу идишларга ўруғ экишдан олдин қанча сув қўйиш кераклиги аниқлаб олинади. Бунинг учун учта бюкс тарозида тортиб олинади. Бюксларга тайёрлаб қўйилган тупроқдан тўлдириб, уларнинг тупроқ билан биргаликдаги оғирлиги аниқланади. Тупроқни қуритиш учун бюкслар қуритгич шкафига қўйилиб, 105°C температурада 6 соат сақланади. Бу вақт ўтгандан кейин бюкслар шкафдан олиниб, эксикаторда совитилади. Совиган бюкслар қайта ўлчаниб, яна 2 соат давомида қуритгич шкафига қўйилади. Бу иш доимий оғирлик ҳосил бўлгунча давом эттирилади. Тажриба натижалари 1-жадвалга ёзил борилади.

Бу маълумотлар, масалан тупроқнинг соф оғирлиги қуритишдан олдин 6,0 г, қуритилгандан кейин эса йўқотган оғирлиги 1,08 г бўлганлигини кўрсатади. Сўнгра тупроқ ичидағи сув миқдори процент ҳисобида қўйидагича аниқланади.

$$\frac{6\text{ г} - 100\%}{1,08 - X\%} = \frac{1,08 \cdot 100}{6} = 18\%.$$

## 1- жадвал

## Тупроқ намлигини аниқлаш

Бюксининг оғирлити, 2	Тупроқ тўлдирилган бюксининг оғирлиги, 2	Тупроқнинг оғирлити, 2	Бюкс билан тупроқнинг қуритилганда кейинги оғирлиги, 2	Тупроқнинг қуритилганда кейинги оғирлиги, 2			
24,0	30,0	6,0	28,93	28,92	28,92	1,08	18

Энди тупроқнинг сув сифимини аниқлаш керак. Бунинг учун узунлиги 18—20 см ва диаметри 3—5 см лишиша най олиб, унинг учи дока билан маҳкам беркитилиди; сўнгра у тарозида тортилиб, соф оғирлиги аниқланади. Кейин унинг тўртдан уч қисмига тупроқ солиб, тупроқ билан биргаликда кристаллизаторга жойлаштирилиб, унинг ичидаги тупроқ сатҳига тенг келгунча унга сув қўйилади. Най сувли кристаллизаторда 1—3 кун тутилгандан кейин кристаллизатордан олинади ва ичидаги ортиқча сув оқиб бўлгунча штативга маҳкамлаб қўйилади. Сув томчилари оқиб тугагандан кейин трубканинг айланаси фильтр қофози билан қуритилади ва тарозида тортилади. Тажриба натижалари 2- жадвалга ёзиб борилади.

Жадвалдаги маълумотларга асосан тупроқнинг қўшимча шимисиб олган сув миқдори процент ҳисобида аниқланади. Бу масала қўйидаги пропорция ёрдамида ҳисобланади.

$$\begin{aligned} & 231,20 - 100 \%, \\ & 50,864 - X \%, \\ & X = \frac{50,864 \times 100}{231,20} = 22 \% . \end{aligned}$$

## 2- жадвал

## Тупроқ сув сифимини аниқлаш

Най (цилиндр) оғирлиги, 2	Тупроқ тўлдирилган най (цилиндр)нинг оғирлиги, 2	Тупроқнинг оғирлити, 2	Най (цилиндр) ва тупроқни сув ичида тургайдан кейинги оғирлиги, 2	1-ўлчашда	2-ўлчашда	3-ўлчамда	Тупроқка шимилган сувнинг оғирлиги, 2	Тупроқка шимилган сув миқдори %
127,32	358,52	231,20	409,375	409,384	409,384	50,864	22	

Демак, 100 г тупроқ 22 г сув шимар экан. Шундай қилиб тупроқ таркибида илгари бўлган ва кейин шимилган сувнинг умумий миқдори  $18\% + 22\% = 40\%$  бўлади. Юқорида тупроқ таркибида 18% сув борлигини аниқлаған эдик. Энди тупроқнинг абсолют қуруқ оғирлигини қўйидагича аниқланади.

$$100 - 18 = 82 \text{ г.}$$

Шундай қилиб 82 г абсолют қуруқ тупроқни сувга тўйинтириш учун унга 40 г сув қўйиш керак бўлса, 100 г шундай тупроқни сувга тўйинтириш учун, яъни унинг тўла сув сифимини аниқлаш учун қўйидаги пропорция тузилади:

$$\frac{82,0 - 40,0}{100 - X} \text{ г}, \quad X = \frac{100 \times 40}{82,0} = 48,78 \text{ г.}$$

Демак, 100 г абсолют қуруқ тупроқни тўла, яъни 100% сув билан таъминлаш учун унга 48,78 г сув қўйиш керак. Ўсимликнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун тупроқ таркибида ҳаво бўлиши керак. Агар тупроқ таркибида ҳаво бўлмаса, ўсимлик илдизининг нафас олиш процесси бузилади ва ўсимлик нобуд бўлади. Бундай ҳодисанинг олдини олиш учун тупроқнинг намлик дараҷасини унинг тўла сув сифимига нисбатан 60% га етказиш ўсимликлар учун кифоя қиласи. Буни қўйидаги пропорция ёрдамида аниқланади:

$$X = \frac{48,78 \times 60}{100} = 29,268 \text{ г.}$$

Шу йўл билан 100 г абсолют қуруқ тупроқни тўла сув сифимини 60% га етказиш учун бериладиган сув миқдори 29,268 г эканлиги аниқланди. Вегетацион идишнинг умумий оғирлиги (идиш трубаси шағал, кум ва тупроғи билан) тортиб олинади! Масалан, у 33,0 кг бўлса, бунда идишнинг тупроқсиз оғирлиги 4,0 кг, ичида тупроқнинг оғирлиги 29,0 кг бўлади. Бундан абсолют қуруқ тупроқнинг умумий оғирлиги қўйидагича топилади:

$$X = \frac{29000 \times 82}{100} = 23780 \text{ г.}$$

Демак, идишдаги 23780 г абсолют қуруқ тупроқнинг сув сифимини 60% га етказиш учун яна пропорция тузилади:

$$X = \frac{23780 \times 29,268}{100} = 6959,9 \text{ г} \approx 7,0 \text{ кг.}$$

Идишдаги тупроқнинг намлигини 60% га етказилган дагина оғирлиги:

$$23,8 \text{ кг} + 7,0 \text{ кг} = 30,8 \text{ кг бўлади.}$$

Идишнинг оғирлиги билан  $30,8 \text{ кг} + 4,0 \text{ кг} = 34,8 \text{ кг}$  келар экан.

Демак, вегетацион идишларнинг умумий оғирлиги 34,8 кг га етгунча сув қўйилади. Кейин идишдаги тупроқ-қа ивтилган уруғдан 5 дона экилади. Идиш ичидаги тупроқ намлигини доимо 60% да сақлаш учун идишларни доим тарозида тортиб, камайган сув миқдорини аниқлаб, тўлдириб турилади. Уруғлар кўкариб чиққандан кейин ўсимликлар устида ўтказиладиган кузатишлар 3-жадвалга ёзib борилади.

### 3- жадвал

Идиш номери	Ўсимлик номи	Экиш муддати	Уруғларнинг унно чиқиш муддати	Баргларнинг чиқиш муддати	Мева органлариning хосил бўйлган муддати	Гуллаш муддати	Пинчиш (стилиши муддати)

## ЎСИМЛИКНИНГ СУВ РЕЖИМИ

### 2- машғулот. Баргдаги сувнинг суткалик ўзгариши

Асбоб ва реактивлар: ҳар хил ўсимлик, аналитик тарози, тарози стаканчаси, қуритгич шкаф, эксикатор, пинцет, қайчи.

Ўсимлик баргларидан сувнинг буғланиши кун бўйи бир хил бўлмай, у ҳар хил ташқи шароит факторлари таъсирида ўзгариб туради. Шунинг учун барглардаги сувнинг миқдори ҳам кун бўйи бир хил бўлмай, ўзгариб туради.

*Ишнинг бориши.* Куннинг эрталабки, тушки, кечки соатларида турли ўсимликларнинг маълум ярусидаги баргидан 4 тадан кесиб олиб, 2 та кичик тарози стаканига 2 тадан солинади. Сўнгра стаканлар қопқоғини ёпиб, уй температурасида 15 минут эксикатор ичига қўйилади. Кейин уларни эксикатордан олиб, тарозида тортилади-да, қуригич шкафига қўйилади. Сўнгра 105°C иссиқда доимий оғирликка келгунча қуритилади. Олинган маълумотларга асосан баргдаги сув миқдори аниқланади. Бунинг учун баргни бошланғич оғирлигидан қуруқ оғирлиги олиб ташланса, баргдаги сув миқдори келиб чиқади.

#### 4- жадвал

Ўсимлик номи	Барг олинган ярус номери	Хўл баргнинг оғирлиги, г	Қуритилган баргнинг оғирлиги, г	Умумий сув миқдори, г	Умумий сув миқдори, %

Баргдаги сув миқдорини қуруқ моддага нисбатан аниқланади. Тажриба натижалари 4—5 жадвалларга ёзib борилган:


#### 5- жадвал

Ўсимлик номи	Кузатиш вақти			Хўл баргнинг оғирлиги, г	Куруқ баргнинг оғирлиги, г	Умумий сув миқдори, г	Умумий сув миқдори, процент
	эрта-лаб	тушда	кечқурун				

#### З-машғулот. Лабчаларнинг очилиш даражасини инфильтрация усулида аниқлаш

Асобоб ва реактивлар: спирт, бензол, ксилол эритмалари, З та пипетка, баргли ҳар хил ўсимлик.

Баргда жойлашган лабчаларнинг очилиш даражаси ҳар хил ташқи шароит таъсирида ва сутканинг турли даврида ҳамда баргнинг ўсимликда жойлашишига қа-



30-расм. Барг лабчаларининг очилиш даражасини инфильтрация усулида аниқлаш:

*a* — спирт; *b* — бензол; *c* — кепилл эритмаларининг томчилари.

ланиб кетади. Бунда ҳеч қандай дөф ҳосил бўлмайди. Спирт ўта олмаганлиги аниқлангандан кейин баргдаги бензол томчиси томизилган жой текширилади. Агар барг лабчалари ўрта даражада очик бўлса, бензол лабча оғзи остидаги тўқиманинг ҳужайралараро бўшлигини тўлғизиб, ялтироқ ёғсимон дөф ҳосил қиласди. Барг лабчаларининг очиқлик даражаси жуда ҳам кичик бўлса, бензол эритмаси ҳам ўта олмай, ёғсимон дөф ҳосил қиласмайди. Кейин баргнинг кепилл томизилган жойи текширилади. Бунда ялтироқ ёғсимон дөф ҳосил бўлса, лабчаларининг очиқлик даражаси жуда ҳам кичик эканини кўрсатади, чунки бу эритма спирт, бензол эритмалари ўта олмаган кичик тешикдан ўта олиш хусусиятига эга. Тажрибадан олинган маълумотлар 6-жадвалга ёзиб олинади ва муҳокама қилинади.

#### 6- жадвал

Ўсимликлар номи	Тажриба ўтказилган вақт ва баргининг турган жойи	Барг лабчаларидан ўтади		
		спирт	бензол	кеипилл
Рўза	Эрталаб, тушдаа			
Картошка	юқориги, ёруғдаги,			
Маккажўхори	соядаги ва ҳокаазо			

#### 4-машғулот. Барг ва поянинг температурасини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: 0,1°C аниқлигидаги термометр, пахта, маккажүхори, кўп йиллик дараҳт ва бошқа кенг баргли ўсимликлар, термометр диаметрига тўғри келадиган парма.

Ўсимлик ер устки органларидан доим сувнинг буғланаб туриши (транспирация) натижасида барг ва поянинг температураси ташқи муҳит температурасидан фарқ қиласди.

*Ишининг бориши.* Барг температурасини аниқлаш учун термометрнинг симобсиз томонини ип ёрдамида ўсимлик новдасига осиб қўйилади, пастки симобли қисмини эса яхшилаб баргга ўраб 10 минут сақланади. Бу вақтда барг температурасини 3—4 марта аниқлаб, ёзиб борилади. Сўнгра термометрни баргга ўраб қўйилган симобли қисмини баргдан чиқариб, нормал ҳолатга қўйиб ўсимлик атрофидаги ҳавонинг температураси ўлчанади. Шундай температурани сояда ва қуёшда турган баргларда, ўсимлик сугорилгунча ва ундан кейин аниқлаш жуда ҳам яхши натижа беради. Поянинг температурасини аниқлаш учун термометрни барг қўлтиғига тиқиб қўйилади. Кўп йиллик дараҳт танасидаги температурани аниқлаш учун намуна олинадиган парма ёрдамида танадан ўйиб олиб унга термометр жойлаштириб, бир кеча-кундуз давомида доим кузатиб борилади. Агар барг температурасини аниқлаш билан бирга ундағи лабчаларнинг ҳолатини ҳам белгиланса яхшироқ бўларди. Олинган маълумотлар натижаси 7—8-жадвалга ёзиб олиниади ва муҳокама қилинади.

#### 7-жадвал


Асосий поя бўйлаб барг-нинг жойлашиш тартиби	Текшириш вақти	Температура		Ҳаво тем-ператураси	Температура фарқи		Иловा
		баргда	пояда		баргда	пояда	

Ўсимликлар номи	Текшириш вақти	Ҳаво температураси	Барг ва поянинг температураси					сўлимаган ҳолатда
			сояди	қуёшда	сугорилгунча	сугорилгандан кейин	сўлиганинг ҳолатда	

### 5-машғулот. Илдиз босимини гуттация ҳодисасидан аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: фалла ўсимлигининг майсалари, шиша қалпоқ ёки стакан, фильтр қозози.

*Ишининг бориши.* Гуттация ҳодисасини аниқлаш учун фалла ўсимликлари тувакда ўстирилади (31-расм). Тувакчада кўкариб турган, фалла ўсимликларининг майсалари яхшилаб сугориллади. Сўнгра бу сугорилган майсаларнинг устига шиша қалпоқча ёки стакан қопланади. Орадан 30—60 минут ўтгач, майса баргларининг учидаги сув томчилари пайдо бўлади. Агар фильтр қофози билан бу томчиларни эҳтиёт қилиб шимдириб олиб майсаларнинг устига қайтадан шиша қалпоқча ёки стакан қопланса, яна майса баргларининг учларида сув томчилари пайдо бўлади. Бунга гуттация ҳодисаси дейиллади. Гуттация ҳодисаси ҳаво ва тупроқ таркибидаги намлик ошиб кетганида юз беради, чунки намликнинг нормадан кўп бўлиши сувнинг буғланиш процессига қаршилик кўрсатади. Ўсимликдаги ортиқча сув илдиз босими натижасида барг учларидан сиқиб чиқарилади. Шу йўл билан илдиз босими ўсимлик таркибидаги сувни нормал сақлаб туради. Гуттация ҳодисасининг боришини ҳар хил намлик шароитида ва турли температура таъсирида аниқлаш мумкин.




31-расм. Гуттация ҳодисаси.

## 6-машғулот. Ўсимлик илдизларининг босим кучини «йиғлаш» ҳодисасидан аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: яхши бақувват ўсган бодринг, қовоқ, қовун, помидор, маккажүхори, пахта ёки бошқа ўсимлик, пипетка, цилиндр, ҳар хил диаметрли резина трубка, шиша най, пробиркалар, шиша манометр.

Илдиз босим кучини аниқлаш учун қишида яхши ўсган герань, фуксия ва бошқа ўсимликлардан, ёзда эса қовоқ, помидор, бодринг, қовун, пахта, маккажүхори ва бошқа ўсимликлардан фойдаланиш мумкин.

*Ишининг бориши.* Тажриба ўтказиладиган ўсимликни бир кун олдин кечқурун ёки тажриба куни эрталаб яхшилаб сугорилади. Кейин бу ўсимликни пояси ер юзидан бир неча сантиметр (3—5 см) баландликдаги қисмидан ўткир скальпель ёрдамида қирқилади (32-расм). Ўсимлик поясининг (қирқилган) ер юзида қолган қисмига, яъни тўнкачасига каучук трубка ўрнатиб, унга шиша най кийгизилади. Шиша най ичига рангли сув ёки глицерин эритмаси қуйиб суюқлик сатҳи белгиланади. Сўнгра шиша най ичига кесилган поядан суюқлик чиқиб йиғила бошлайди. Бу кесилган поядан суюқликни чиқиши ўсимликнинг «йиғлаши», суюқликни эса ўсимлик шираси дейилади. Шира чиқишини ва шиша трубка ичida йиғилишини бутун кун давомида ҳар икки соатда кузатиб туриш зарур. Кечаси ажралган ўсимлик шираси миқдорини эртасига эрталаб аниқлаш мумкин. Ажралиб чиқаётган шира миқдори ўсимликнинг турига ва ташқи шароитга боғлиқ бўлади. Суюқликнинг трубка бўйлаб юқорига кўтарилиши илдиз босими қанча кучли бўлса, най ичидаги суюқлик (шира) шунча кўй



32-расм. Илдиз босим кучини «йиғлаш» ҳодисасидан аниқлаш.

ва тез күтарилади. Тажриба натижасини якунлашда ўсимликтинг турига, иқлим шароитига қараб, ўсимлик шираси ҳар хил миқдорда чиқишини ва илдиз босими кучининг ўзгаришини студентларга тушунтириш зарур.


## ЎСИМЛИКНИНГ НАФАС ОЛИШИ

7-машғулот. Унаётган уруғнинг нафас олишини ажралиб чиққан  $\text{CO}_2$  миқдорига қараб аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: аспиратор, тўртта шиша банка, каучук пробкалар, букилган шиша най, резина трубка (шланг)лар, унган ўсимлик уруғи,  $\text{Ba}(\text{OH})_2$  (барий ишқори) эритмаси.

Ўсимлик ва унинг айрим органилари нафас олиш процессида ташқи муҳитдан кислодорни ( $\text{O}_2$ ) қабул қилиб, карбонат ангидридни ( $\text{CO}_2$ ) ажратиб чиқаради. Ушбу машғулотда унаётган ўсимлик уруғининг нафас олиш процессини ажралиб чиққан  $\text{CO}_2$  миқдорига қараб аниқланади.

*Ишнинг бориши.* Бунинг учун катта бир шиша банка — аспираторга сув тўлдирилади (33-расм). Уруғларнинг нормал нафас олиши учун зарур бўлган кислород ташқи муҳитдан шу аспиратор ёрдамида сўриб олиниади. Аспираторни резина шланг ва эгилган шиша най ёрдамида кичик ҳажмдаги (200—300 мл ли) тўртта ши-



33-расм. Унаётган уруғларда нафас олишини аниқлайдиган асбоб:  
1 — аспиратор; 2, 4, 5 —  $\text{Ba}(\text{OH})_2$  эритмаси қўйилган колбалар; 3 — унган нафас оловчи уруғ.

ша банкага туташтирилади. Шиша найларнинг аспираторга ўтадиган ҳаво чиқиб кетадиган томони калта, ҳаво кирадиган шиша найчаси эса узун бўлиб, банка тубига 1 см етмаслиги керак. Шиша банкалар бир-бiri билан шу букилган шиша най ва резина шланг ёрдамида туташтирилади. Иккинчи, тўртиччи ва бешинчи банкаларларнинг ярмигача барий ишқори эритмаси қўйилади, учинчи банка эса ўсимликнинг унган уруғи билан тўлдирилади. Аспираторнинг пастдаги жўмраги очилиб, ундан сув оқизилганда аспиратор ичидан тушган сув ўрнига ташқи мұхитдан уланган банкалар орқали ҳаво сўрилади. Ташқи ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид бешинчи ва тўртинчи банкадаги  $\text{Ba(OH)}_2$  эритмаси томонидан ютилади. Колбага қўйилган тиник барий ишқори эритмасининг лойқаланиши ва оқ чўкма ҳосил қилиши  $\text{CO}_2$  гази  $\text{Ba(OH)}_2$  орқали ўтганлиги ва ютилиб қолганлигини кўрсатади. Карбонат ангидридан тозаланган ҳаво ҳамда унинг таркибидаги кислород учинчи колбага ўтиб, ундан унган уруғ томонидан нафас олишда қабул қилинади. Урганинг нафас олиш процессида ютилган кислород ўрнига карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) гази ажралиб чиқади. Ажралиб чиқкан газ иккинчи колбадаги  $\text{Ba(OH)}_2$  эритмаси томонидан ютилади. Тиник барий ишқори эритмаси лойқаланиб, оқ чўкма ҳосил қилиши, уруғлар ҳам бошқа тирик организмлар сингари нафас олиш вақтида кислородни ютиб, карбонат ангидрид гази ажратиб чиқарганлигини кўрсатади. Бешинчи ва тўртинчи колбаларда ҳосил бўлган чўкмага нисбатан, иккинчи колбада пайдо бўлган чўкманинг миқдори кўпроқ бўлаади. Бу ҳол, унган уруғларнинг нафас олиш процесси кучли борганини кўрсатади.

## ЎСИМЛИК ТАРКИБИДАГИ МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ АНИҚЛАШ

8-машғулот. Ўсимлик шираси таркибидаги минерал элементларни аниқлаш.

(Магниций усули)

Дала шароитида ўсимлик таркибидаги айрим минерал элементларни аниқлаш усулини К. П. Магниций кашф қилган. Бунинг учун маҳсус яшикча олиб ичига қўйидаги керакли барча асбоблар солинади.

Асбоб ва реактивлар: штатив пробиркалари билан, пипеткалар, қайчилар, тахтакаң, шира оладиган қисқич, қутычада ҳар хил реактивлар, ясси чинни идиш, стандарт әритмани қоғоздаги рангли шкаласи, құлланма ва бошқалар. Бу машғулотни далада ҳам ўтказиш мүмкін. Агарда машғулот лабораторияда ўтказиладиган бўлса намуналар ёғли қоғоз халтачаларга жойланади.

*Ишинг бориши.* Бунинг учун намуна олинадиган ўсимликнинг барг банди ва барг ўртасидаги йўғон томири пахта ёки латта билан яхшилаб артилади. Агарда барг банди жуда узун бўлса, пастки қисмидан 2—3 см олиб ишлатилади. Барг банди йўғон бўлса, уни ўртасидан узунасига тенг иккига ёки тўртга бўлинади. Қирқилган жойидан оқиб чиқаётган шираси шира йиғадиган қисқич билан олинади. Агар шира ёмон чиқаётган бўлса, қисқич ичидаги барг банди қўзғатилиб янада қаттиқроқ сиқилади. Олинган шира эса кичкина пробиркага солинади ёки пластинка чуқурчасига томизилади. Ҳар бир аниқлашдан кейин қисқич ювилади ва фильтр қоғоз ёки латта билан қуригунча артилади.

Ўсимлик баргидан әритма тайёрланади. Бунинг учун барг фаоллаштирилган кўмир билан эзилади. Тажриба учун майдалаб қирқилган баргдан 2 г олиб, унга 0,2—0,5 г фаоллаштирилган кўмир ва 6 мл сув қўшилади. Уларни ҳовончада эзгандан сўнг аралашма қоғоз фильтрдан ўтказилади ёки юпқа латта ўраб қисқичга қўйилади ва қаттиқ сиқилади. Сиқиш натижасида ажralиб чиққан әритма пробиркага солинади. Агар озроқ кўмир ўтган бўлса, уни чўқтирилади. Шундай қилиб, олинган әритма ҳужайра ширасидан тахминан тўрт марта кучсизроқ бўлади. Кейин кўрсатилган элементлар Магниций асбобига илова қилинган қўлланмага асосан аниқланади. Натижада 1 кг ўсимлик шираси таркибида қанча мг элемент борлиги аниқланади, уни балларда белгилаш ҳам мүмкін. Элементлар миқдорини осон аниқлаш учун Магницийнинг кўчма дала лабораторияси асбобидаги ҳар хил концентрацияли ва турли элементлари бўлган стандарт әритмаларга таққослаб кўриш ҳам мүмкін. Стандарт әритмалардаги 1 дан 4 гача бўлган номерлар әритмада элементлар концентрацияси ошиб борганини кўрсатади. 9- жадвалдаги Магницийнинг кўчма дала лабораторияси асбобида айrim элементлар-

нинг миқдорини стандарт эритмалар шкаласига ёки шу асбобни қопқоғига елимлаб қўйилган қоғоздаги рангли доғларга таққослаб қанча элемент борлиги кўрсатилган.

#### 9 - жадвал

Стандарт эритма но- мери	Балл	Элементлар миқдори	1 кг шира таркибидаги элементлар миқдори, мг			
			нитрат азот	фосфор	калий	магний
1	1	жуда кам	100	16	600	40
2	2	кам	250	40	1500	100
3	3	ўртача	500	80	3000	200
4	4	кўп	1000	160	6000	400

Ишлаш техникаси қўйидагича: дала шароитида бирданига З намунадан шира олиб, барг таркибидаги азот, фосфор ва калий элементларини аниқлаш мумкин. Бунинг учун биринчи намуна ширасини пипетка билан қисқич ёки пробиркадан олиб, ясси чинни идишнинг биринчи ва иккинчи чуқурчасига бир томчидан, тўртинчи чуқурчасига 2 томчи томизилади. Уни сув билан (1:3 нисбатда) суюлтирилади. Иккинчи ва учинчи намуналардан олинган томчилар ясси чинни пластинканинг иккинчи ва учинчи қаторига томизилади. Биринчи, иккинчи ва учинчи намуналарнинг ширасидан бир томчидан олиб ҳар бир қатордаги учинчи чуқурчага томизилади.

Шундай қилиб, уч намунадан уч хил элемент аниқланади. Анализни бир йўла саккиз намунадан шира олиб ўтказиш мумкин. Бунда биринчи қатордаги чуқурчаларга бир томчидан стандарт эритма, иккинчи қатордаги чуқурчаларга бир томчидан текширилаётган саккиз намуна ширасидан томизилади. Сўнг стандарт эритмалар ва ўсимлик ширасига керакли реактивлар қўшиб ҳосил бўлган рангни таққослаб хулоса ёзилади. Нитратлар аниқлангач, бошқа ясси чинни косачада ўсимлик шираси 1:3 нисбатда суюлтирилади ва ундан фосфор ва магний аниқланади. Эритмалар шкаласини тайёрлашда стандарт эритма ва шира томчиларининг катталиги (0,04 мл) бир хил бўлиши шарт. Бунинг учун диаметри бир хил бўлган пипеткалар ишлатилади. Ҳар гал намуна олингандан сўнг пипетка сув билан ювилади. Чинни пластинкани чуқурчалари ҳам сув билан ювилиб, фильтр қоғози ёки тоза латта билан артилади.

## **Нитратларни аниқлаш**

Асбоб ва реактивлар: нитрат шаклидаги азотини аниқлаш учун чинни пластинкага куракча (шпатель) билан гуруч ҳажмида қуруқ реактив солинади ва устига уч томчи буфер эритмасидан томизилади. Бу аралашмага барг бандидан олинган шира ва стандарт эритмадан бир томчидан томизисиб яхшилаб шиша таёқча билан аралаштирилади. Бир минутдан сўнг текширилаётган ширанинг рангини стандарт эритма шкаласи билан ёки доғлар шкаласи билан таққосланади ва олинган натижага жадвалга ёзилади.

## **Фосфорни аниқлаш.**

Асбоб ва реактивлар: бунинг учун сув билан суюлтирилган ўсимлик ширасидан (бир томчи ширага 3 томчи сув қўшиб аралаштирилади) бир томчи олиб ясси чинни пластинка чуқурчасига томизилади ва чуқурчанинг қаторларидан бирига тўртта стандарт эритмадан бир томчидан ўсимлик ширасига ва стандарт эритмалар устига икки томчидан фосфор томизилади. Сўнгра уни қалай таёқча билан тургун рангга келгунга қадар аралаштирилади. Натижада ҳосил бўлган рангни стандарт эритманинг рангли шкаласи ёки шкала қофоз ранги билан солиштирилади. Текшириш натижасида 1 мл фосфор 1 кг ўсимлик ширага нисбатан деб аниқланади.

**Калийни аниқлаш.** Бунинг учун чинни пластинканинг чуқурчаларига бир томчидан ўсимлик шираси ва идишнинг бошқа бир жойига бир томчидан аралаш стандарт эритмадан томизилади. Сўнгра олинган ўсимлик шираларига ва стандарт эритмага бир томчидан калий реактивидан ва бир томчидан хлорид кислота томизисиб яхшилаб аралаштирилади. Натижада ҳосил бўлган рангни шкала қофознинг рангига ёки стандарт эритманинг рангига таққослаб кўрилади. Олинган хулоса жадвалга ёзилади. (1 мг калий 1 кг ўсимлик ширасига ёки бир баллга тенг бўлади).

**Магнийни аниқлаш.** Магнийни аниқлаш учун чинни пластинканинг чуқурчасига бир томчидан сув билан суюлтирилган (1:3) ўсимлик ширасидан томизилади. Иккинчи қатордаги чуқурчага бир томчидан стандарт эритма томизилади. Сўнгра ўсимлик ширасига ва стандарт

эритмаларга бириң-кетин магний реактиви қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади. Шундан кейин бир томчидан натрий ишқори ( $\text{NaOH}$ ) эритмасидан қўшилади. Натижада ҳосил бўлган рангларни шкала қоғози ёки стандарт эритма ранглари билан солиштириб кўрилади ва хулоса жадвалга ёзилади. Бунда ҳар 1 мг магний 1 кг ширага ёки бир баллга тенг деб олинади.


**Хлорни аниқлаш.** Чинни пластинка чуқурчаларига индикатор қоғозчадан жойлаштирилади ва бир томчидан ўсимлик шираси, хлор реактиви томизилади. Шиша таёқчани ўткир учи билан аралаштирилади. Сўнгра ҳосил бўлган рангни шкала билан солиштирилади. Шўр ерларда ўсимликтаги хлорни аниқлашда тупроқнинг шўрини ва уларнинг қишлоқ хўжалик учун фойдаланишга яроқлилигини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

#### 9- машғулот. Дуккакли ўсимлик илдизларида тугунак бактериялар ҳосил бўлишини аниқлаш

Асоб ба реактивлар: дуккакли ўсимлик уруғи, чепак, картон қоғоз, миллиметрларга бўлинган қоғоз, микроскоп буюм ойнаси, устара, спирт лампа, синъка ёки фуксин бўёғи.

Дуккакли ўсимлик (мош, нўхат, ловия ва бошқа)ларнинг илдизида ҳаводаги эркин молекуляр газ шаклидаги азотни тўпловчи бактериялар бўлади. Улар илдизда тугунак шаклда симбиоз ҳолда яшайди. Буларни кўриш усули ушбу машғулотда ёзилади.

**Ишнинг бориши.** Тажриба участкасига қатор қилиб дуккакли ўсимлик уруғлари экилади, ҳамда экилган ва униб чиққан вақти ёзib борилади. Уруғ униб чиққандан 5—10 кун кейин шу ўсимликлардан 3—4 тасини илдизи билан ковлаб олиб, эҳтиётлик билан сувда яхшилаб ювилади (34- расм). Сўнгра илдизда тугунаклар ҳосил бўлгани ҳамда уларнинг ривожланиши ҳандай бораётгани аниқланади. Ҳосил бўлган тугунакларнинг каттасидан бир нечтасини диаметри миллиметрларга бўлинган қоғоз ёрдамида аниқланисиб, ўртача ўлчами топилади. Тугунакларнинг илдизда жойлашиш тартиби, миқдори ҳамда бошқа белгиларини ёзib ва расмини чизиб олинади. Айни вақтда тугунаклар ичидаги азот тўпловчи бактерияларни — бактероидларни микроскоп остида кўрилади. Бунинг учун бир тугунакни илдиздан узиб олиб, микроскопнинг буюм ойнаси устида эзиб, қуруқ бўялган сур-



34- расм. Дуккакли ўсимликлар илдизидаги тугунак бактериялар катма препарати тайёрланади. Бу препаратдан микроскоп остида бактерияларнинг шакли, иложи бўлса, ўлчами ҳам аниқланади. Шундай ишни яна 5—10 кундан кейин такрорлаб кўрилса, тугунакларнинг ўсиши ва ундағи бактерияларнинг ривожланиши ҳақида тўлиқроқ маълумот олинади. Сўнгра тажриба давомида олинган ҳамма маълумотлар натижаси 10-жадвалга ёзиб олинади ва муҳокама қилинади.

10- жадвал

Ўсимликлар номи	Тугунак ҳосил бўлиши		
	ҳосил бўлган муддати	тугунакларнинг формаси	ўлчамн жойланиши

Студентлар олдиндан лаборантлар томонидан экиб тайёрлаб қўйилган дуккакли ўсимликлар устида тажриба олиб борадилар.

## ЯШИЛ ЎСИМЛИКЛАР ТОМОНИДАН КАРБОННИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

10- машғулот. Фотосинтез интенсивлигини ярим барг усулида аниқлаш


Асбоб ва реактивлар: пахта, маккажӯхори, кунгабоқар, тут ва бошқа ўсимликлар, намуна олинадиган парма, бюкслар, аналитик тарози, қуритгич шкаф,

$\text{CaCl}_2$  тузи солинган ёки сульфат кислота қуийилган эксикатор.

Бу усул билан фотосинтез вақтида түппланган органик модда миқдори ҳисобга олинади. Тажриба учун олинадиган барглар симметрик тузилган бўлиши керак.

*Ишининг бориши.* Бунда эрталаб танлаб олинган баргни ярмидан картон қофоз ёки катта пробка устида намуна олинадиган парма ёрдамида 5—10 та доира ўйиб олинади (35-расм). Сўнгра тезда оғирлиги аниқланган бюксга солинади ва тарозида тортилади. Барг доиралари солинган бюкс тортилгандан кейин қуритгич шкафда 2 соат давомида доимий оғирликка келгунча қуритилади. Кейин бюкс қуритгич шкафдан олиниб, эксикаторда совитилади. Эксикаторда совитилган барг доиралари солинган бюкс яна тортилади ва яна қуритгич шкафда қуритилади. Сўнгра қуритгич шкафдан олиб, яна тортилади. Бу иш доимий оғирлик ҳосил бўлгунча такрорланади. Орадан 2—3 соат ўтгандан кейин ўсимликдаги баргнинг иккинчи ярмидан яна шунча (5—10 та) доира намуна олинадиган парма ёрдамида ўйиб олинади ва буни ҳам бюксда доимий оғирлика қадар қуритилади.

Тажриба натижасида олинган сонларга қараб, 1 соат мобайнида  $1 \text{ m}^2$  барг юзасида түпланган органик модданинг миқдори аниқланади. Баргнинг эрталабки (куруқ) оғирлиги билан кундузги оғирлигини фарқидан фотосинтез процессида ҳосил бўлган органик модданинг миқдори аниқланади. Олинган битта доира барг юзасини  $\text{pg}^2$  тенгламаси бўйича аниқлаб, тажрибада олинган барг доираларининг умумий сонига кўпайтирилади. Шу йўл билан тажриба учун олин-



35-расм. Фотосинтез процесси ни яримбарг усулида аниқлаш:

*a* — баргнинг марказий томири; *b* — баргнинг намуна олинадиган қисми;  
*c* — баргнинг қолган қисми.

ган баргнинг умумий сатҳида ҳосил бўлган органик модда ва ундан  $1 \text{ m}^2$  барг сатҳида 1 соатда ҳосил бўлган органик модда миқдори пропорция ёрдамида аниқланади. Масалан, олинган 10 та барг доирасининг юзаси  $15 \text{ cm}^2$  га тенг бўлиб, унда 4 соатда  $0,01 \text{ g}$  органик модда тўпланди бўлса, шу барг юзасининг  $1 \text{ m}^2$  ( $10000 \text{ cm}^2$ ) сатҳида тўпланди органик модда миқдори  $X$  га тенг бўлади.

$$15 \text{ cm}^2 = 0,01 \text{ g}, \\ 10000 \text{ cm}^2 = X, \\ X = \frac{10000 \times 0,01}{15} = 6,3 \text{ g}.$$

Демак,  $1 \text{ m}^2$  барг юзасида 4 соатда  $6,3 \text{ g}$  органик модда тўпланди бўлса, 1 соатда эса ( $6,3 : 4$ )  $1,57 \text{ g}$  ҳосил бўлади. Шу билан фотосинтез интенсивлиги ( $1,57 \text{ g}$ ) аниқланади. Тажриба натижаси 11- жадвалга ёзиб олинади ва муҳоқама қилинади.

11- жадвал

Ўсимликлар номи	Намуна олинган вақт	Донралар сони	Донралар юзаси	Донраларнинг куритугучча оғулган оғирлиги, $\text{g}$	Донраларнинг куритгандан кейинги оғирлиги, $\text{g}$	Оғирликларни фарқи, $\text{g}$	Фотосинтез интенсивлиги $1 \text{ m}^2$ 1 соатда	Илова

## ЎСИМЛИКЛАРДА МОДДА АЛМАШИНУВИ

11- машғулот. Ўсимликлардаги ошловчи моддаларни аниқлаш

Асоб ба реактивлар: скальпель, шиша таёқча, пипетка, чинни косача, пробиркалар билан штатив, спирт лампа, 1% ли  $\text{FeCl}_3$  эритмаси, ёнғоқ, дуб ёки бошқа ошловчи моддалари бор ўсимликлар.

Баъзи ўсимликларда модда алмашинуви процессида уларнинг ўзига хос айрим моддалари ҳосил бўлади. Булар терига ишлов бериш учун ишлатилади. Шунинг учун бу моддаларни ошловчи (дубиль) мёддалар дейилади. Бундай ошловчи моддалар ўсимликнинг баргиди, мева-сида, илдизида ва бошқа қисмларида учрайди. Ўсимлик-

лардаги ошловчи моддаларни аниқлаш қўйидагича бўлади.

*Ишининг бориши.* Юқорида номлари кўрсатилган бирор ўсимликнинг барги, илдизи ёки бошқа қисмини олиб, 5—6 мл сувда қайнатилади. Бу қайнатилган эритма совитилиб, фильтрдан ўтказилгандан кейин унга чинни косачада 1—2 томчи 1% ли  $\text{FeCl}_3$  эритмаси қўшилади. Кейин ўсимлик шу қисмидаги ошловчи модданинг миқдорига қараб, бу аралашма тўқ ёки оч қора рангга киради. Ошловчи модда миқдорини ўсимликнинг юқорида номи кўрсатилган қисмларидан сиқиб сувини олиб ёки кесилган қисмнинг ўзига 1% ли  $\text{FeCl}_3$  эритмасидан таъсир этиб кўриш ҳам мумкин. Тажриба натижасида олинган маълумотлар 12- жадвалга ёзилади.

#### 12- жадвал

Ўсимлик номи	Ўсимликнинг текширилган қисми	Қорайиш даражаси			Илова
		кучли	ўртacha	кучсиз	

#### 12- машғулот. Ўсимликдаги алкалоидларни аниқлаш

Асбоб вареактивлар: люпин, картошка, банги-девона ёки бошқа алкалоид ўсимликлар, шиша таёқча, пипетка, люголь эритмаси (йоднинг калий йодиддаги эритмаси), ҳовонча.

Айрим ўсимлик таркибида ҳар хил алкалоид моддалири бўлиб, улардан фармакологияда турли дори-дармонлар тайёрлашда фойдаланилади.

*Ишининг бориши.* Ўсимлик таркибида алкалоид мөддаси борлигини аниқлаш учун юқорида номлари кўрсатилган бирор ўсимликни илдизи, барги ёки меваси ҳовончада шиша таёқча ёрдамида эзилади. Сўнгра шу эзилган ўсимлик массасига бир томчи йод эритмаси томизилса, қизғиш-қўнғир чўкма ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган чўкма миқдорига қараб алкалоиднинг кўп ёки озлиги аниқланади.

Тажриба натижаси 13- жадвалга ёзилади ва муҳокама қилинади.

Үсимлик номи	Үсимликнинг текширилган қисми	Чўкма миқдори			Илова
		кўп	ўртача	оз	

13-машғулот. Кўксафиз ўсимлигининг илдизида каучук борлигини аниқлаш.

Асобоб ва реактивлар: кўксафиз ўсимлигининг қуруқ илдизи, 3% ли ишқор ( $\text{NaOH}$ ) эритмаси, 1% ли хлорид кислота ( $\text{HCl}$ ) эритмаси, сув ҳаммоми, абсолют ёки 96% ли спирт, мензурка, жўмракли ювадиган идиш, соат ойнаси, пробиркалар, аналитик тарози, фильтр қоғози, термостат.

Каучук ўсимликлар томонидан тайёрланадиган органик моддаларга киради. Саноат ва халқ ҳўжалиги учун керак бўлган каучукни асосий қисми ўсимликлардан олинади. Табиатда кўксафиз сингари каучук тўпловчи ўсимликлар кўп учрайди.

*Ишининг бориши.* Каучукни аниқлаш учун кўксафиз ўсимлигининг ҳавода қуритилган илдизидан кичик бўлакча олиб, уни яхшилаб қайчи ёки пичноқ ёрдамида майдалаб кесилади. Сўнгра илдизнинг шу кесилган бўлакчаларидан 1 г тортиб олиб, пробиркага солинади ва устига 5 мл 3% ли ишқор эритмасидан солинади ва 1 соат давомида қайнайётган сув ҳаммомига қўйилади. Бу вақт ичida кўксафиз илдизидаги ҳужайралар бузилиб, ранги қўнғир бўлиб юмшаб қолади. Кейин ишқорни тўкиб ташлаб, илдизни соат ойнаси устига қўйиб, ип шаклида каучуклар ажralиб чиққунига қадар эзилади. Ажralган каучук ипини иссиқ ( $30-40^{\circ}\text{C}$ ) сувда ювиб, илдизнинг қолган ёғочлик ва пўстлоқ қисмидан ажратилади. Бунда каучук иплари бир-бири билан қўшилиб, оқ парда ҳосил қилади. Ҳосил бўлган пардани соат ойнасида 2 мл 1% ли хлорид ( $\text{HCl}$ ) кислотанинг эритмасида 5—10 минут давомида ишланади. Сўнгра каучук пардани яна иссиқ сувда яхшилаб қайта ювилиб пробиркага солинади ва 3 мл абсолют ёки 96% ли спирт ичida қолган сувдан ҳамда елим мoddасидан тозаланади. Шу йўл билан тайёрланган каучук пардасини спиртдан тозалаш учун олдин фильтр қоғози орасида, сўнгра  $30^{\circ}\text{C}$  иссиқликда тер-

мостатда қуритиб тарозида тортилади. Қейин илдизни бошланғич оғирлигига нисбатан қанча миқдорда каучук борлиги аниқланади.

## ЎСИМЛИКНИНГ ЎСИШИ

### 14-машғулот. Ўсимликнинг ўсишига ёруғлик ва қоронғиликнинг таъсири

Асбоб ва реактивлар: нўхат, кунгабоқар, картошка ёки бошқа ўсимликни ёш ўсимтаси, миллиметрларга бўлинган қофоз ёки линейка, қоронғи шкаф.

Ўсимликларни ўсишига ташқи шароит факторларидан ёруғлик ва қоронғилик катта таъсири кўрсатади. Ўсиш процесси қоронғида ёруққа нисбатан тез боради. Ёруғлик ўсиш процессини секинлаштириб ёки тўхтаб қолишига сабабчи бўлади.


*Ишининг бориши.* Юқорида номлари кўрсатилган бирор хил ўсимликни қоронғида ўстириб, пояси 3—4 см га етганида ёруққа чиқариб қўйилади. Ёруғлик ҳамма томондан бир текисда тушиши керак. Ўсимликлар бутун кун бўйи (9—12 соат) ёруғликда турганидан кейин поянинг бўйи қайта ўлчанади. Сўнгра ўсимликни кечаси ёруғ тушмайдиган шкаф ичига қўйилади. Эрталаб ўсимликни шкафдан олиб, поясининг бўйи қайта ўлчанади ва ёруққа қўйилади. Шундай қилиб бир неча сутка тажриба тақрорланади. Тажриба давомида мумкин қадар намликни ва ҳароратни бир хилда бўлиб туришини таъминлаш керак. Олинган маълумотларни анализ қилиб, ўсимликни ўсишига ёруғлик ва қоронғилик қандай таъсири этгани ҳамда ўсишнинг суткалик бориши аниқланади.

### 15-машғулот. Поянинг ўсиш зonasини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: пахта, кунгабоқар, бодринг ёки бошқа ўсимликларнинг унган уруғлари, тушь, ип ёки ингичка нина, миллиметрларга бўлинган қофоз, фильтр қозози, Петри косачаси, термостат.

*Ишининг бориши.* Бу машғулотни бажариш учун юқорида номлари кўрсатилган бирор хил ўсимликни уруғи олиниб нам камерада нам фильтр қофози орасидаги Петри косачасида нормал температурада ундирилади (36-расм). Уругдан унган ёш ўсимликнинг учидаги ўсиш нуқтасидан пастга қараб 1 мм оралигига 2—3 см узунликда

тушь ёрдамида белгилар чизилади. Белги чизиш учун ипдан ёки ингичка нинадан фойдаланилади. Сүнгра бу



36-расм. Поянинг ўсиш зонасини аниқлаш:


*a* — тажриба бошлишида; *b* — бир суткадан кейин.

ўсимликларни қоронғи шароитга, термостат ичига маълум вақтга (24 сатга) қўйилади. Орадан бир сутка ўтгач, поядаги чизиқлар ораси миллиметрларга бўлинган қофозда ўлчаниб, натижаси ёзиб олинади ва муҳокама қилинади.


### 16-машғулот. Илдизларнинг ўсиш зонасини аниқлаш

Асбоб ва реактивлар: пахта, нўхат, маккажӯхори ёки бошқа ўсимликларнинг унган уруғлари, тушь, ип ёки ингичка нина, тўғнағич, нам камера учун идиш трубка, қайчи, спирт лампа, фильтр қофози, термостат, мендел замазкаси, миллиметрларга бўлинган қофоз.

*Ишнинг бориши.* Илдизнинг ўсиш зонасини аниқлаш учун юқорида ном-



37-расм. Илдизнинг ўсиш зонасини аниқлаш.




лари кўрсатилган бирор хил ўсимликнинг уруғини ундириб, илдизи 1—1,5 см узунликка етганида унинг ўсиш зонасини аниқлаш мүмкін (37-расм). Бунинг учун илдизнинг учдан бошлаб тушь билан нима ёки ип ёрдамида оралиғини бир миллиметрдан қилиб бир неча чизиқ чизилади. Илдизга шундай белгилар қўйилган уруғдан чиқиб келётган ўсимликни барг паллалари орқали ингичка сим ўтказилади, симнинг бир томони расмда кўрсатилганидек пробка осиб қўйилади (38-расм). Унинг нормал ўсишини таъминлаш учун стакан ёки банка олиб унинг деворларини ички томонига намланган фильтр қофози ёпиширилади. Сўнгра бу идишнинг учдан бир қисмига сув солиб пробка ичига нам камерага жойлаштирилади.. Бу тажрибани қоронғи жойда ва нормал температурали ( $20-25^{\circ}\text{C}$ ) термостатда олиб борилади. Тажриба учун 10 дона унган уруғ олинса бўлади. Орадан 24 соат вақт ўтгач, илдизлардаги чизиқ оралари миллиметрларга бўлинган қофоз ёрдамида ўлчаб олинади ва натижаси ёзиб борилади.

### 17-машғулот. Ўсимликнинг ўсишини гетероауксин таъсирида тезлатиш

Асоб ба реактивлар: ампулада гетероауксин, ловия ёки бошқа ўсимликларнинг майсаси, ип, дока, пахта, вазелин, цилиндр.

Гетероауксин ёки  $\beta$  индолил сирка кислотаси ўсимликларнинг ўсишига яхши таъсир этувчи физиологик актив мoddадир. Ўсимлик поясининг бир томонига гетероауксин билан таъсир этилса, поянинг шу томонида ўсиш процесси тезлашиб, уни иккинчи томонга эгиб юборади.



38-расм. Илдиз ва пояга тушь билан белги қўювчи асбоб.

осилган унаётган уруғлар ва нормал температурали ( $20-25^{\circ}\text{C}$ ) термостатда олиб борилади. Тажриба учун 10 дона унган уруғ олинса бўлади. Орадан 24 соат вақт ўтгач, илдизлардаги чизиқ оралари миллиметрларга бўлинган қофоз ёзиб борилади.



39-расм. Поянинг гетероауксин таъсирида эгилиши:

*a, a<sub>1</sub>* — пахтага гетероауксин шимдириб боғланган жой.

#### 18-машғулот. Гетероауксингиннинг илдиз чиқаришга таъсири (И. И. Гунар усули)

Асбоб ва реактивлар: ловия майсаси, стаканчалар, 0,01% ли гетероауксин эритмаси, пинцет, фильтр қофози.

Гетероауксин ўсимликларда ўсишни ва илдиз ҳосил бўлишини тезлаштирадиган физиологик актив мoddадир. Практиқада ўсимликларни вегетатив усулда кўпайтиришда, яъни қаламчаларнинг илдиз олишини тезлаштириш учун гетероауксин ишлатилади.

*Ишнинг бориши.* Тажриба учун 10 кунлик, баландлиги 10—15 см бўлган ловия ўсимлиги майсалари олинади. Сўнгра бу ўсимликларнинг поясини сув остида кесиб олиб, уларни икки бўлакка бўлинади. Бир бўлак ўсимликни контрол учун, иккинчи бўлак ўсимликни эса тажриба учун ишлатилади. Контрол ўсимликлар тезда банд

*Ишнинг бориши.* Бунинг учун бир ампуладаги 50 мл гетероауксингинни 250 мл сувда эритилади. Ловия ёки бошқа бирорта ўсимлик поясининг бир томонига тайёрланган гетероауксин эритмасини дока ёки пахтага шимдириб ип ёрдамида боғлаб қўйилади. Дока ёки пахтадан гетероауксингини буғланиб кетиши олдини олиш учун унга вазелин суркаб қўйилади. Бир суткадан кейин поянинг гетероауксин таъсири этилган жойидан эгила бошлаганини кўриш мумкин (39-расм). Тажрибани бир неча кун давом эттириш мумкин. Бунда ҳар куни пояга боғланган дока ёки пахтага гетероауксин томизиб туриш кепрак. Тажриба охирида поянинг гетероауксин таъсирида қанчалик эгилгани аниқланади ва расми дафтарга чизилади.

кадаги сув ичиға жойлаштирилади. Тажриба учун олинган ўсимликларни эса олдини 3 соат 0,1 %ли гетероауксин эритмасида сақлаб сүнгра сув билан ювиб банкадаги водопровод сувига туширилади. Ўсимликларни 3—4 см пояси сув ичидә туриши керак. Шундай ҳолда барча ўсимликлар ёруғ шароитда 20°C иссиқликда илдиз ҳосил бўлгунича сақланади. Тажриба охирида ҳосил бўлган илдизлар сони аниқланади ва уни контрол вариантга нисбатан таққосланади ва натижаси муҳокама қилинади.

### 19-машғулот. Ўсимликларни вегетатив усулда кўпайтириш

Ўсимликларни уруғидан кўпайтиришга нисбатан вегетатив усулда кўпайтириш бир қанча афзалликларга эга.

Бу усулда ўсимликлар тез ўсиб ривожланади ва тез ҳосилга киради, навнинг хусусияти ўзгармайди. Вегетатив усулда қаламчалар ёрдамида ҳамда пархиш қилиш йўллари билан кўпайтирилади.

### Баргсиз қаламча билан кўпайтириш

Асобоб ва реактивлар: ўткир пичноқ, турли хил ўсимликлардан олинган баргсиз қаламчалар, курак, кетмон.

Лимон, сирень, атиргуллар, терак, тол, крижовник, қорақат (смородина) ва бошқа хил дараҳт буталарини шу усул билан кўпайтирилади. Қаламчалар эрта баҳор ёки куз бошида ўтқазилади. Қаламчаларни 25—40 см узунликда юқориги ва пастки учларини ўткир пичноқ билан қия қилиб кесилади.

Кесиш вақтида қаламчанинг юқориги ва пастки учларига яқин қисмида биттадан куртак бўлиши шарт (40-расм). Қаламчалар ўтқазиладиган ернинг тупроғи чуқур ва сифатли қилиб юмшатилади. Қаламчанинг уч томонидаги куртаги ер бетида қолдирилиб, бошқа қисми тупроқ билан кўмилади ва унинг айланасидаги тупроқ эҳтиётлик билан босиб зичланади.


### Баргли қаламчалар билан кўпайтириш

Асобоб ва реактивлар: ўткир пичноқ, турли ўсимликларининг баргли қаламчалари, парник ёки нам қум тўлдирилган туваклар, чириндили тупроқ.



40- расм.  
Баргсиз қаламча.

Баргли қаламча илдиз олгандан сүнг уташқи мұхит шароитига ўргатилади. Бунинг учун тувак устидаги шиша қалпоқча вақт-вақти билан олиниб, қаламча очиқ ҳавода тутилади. Қаламчаларни доимий жойга ўтқазынан олдин чиринди, тупроқ ва қум аралашмаси түлдирилген тувакларға ўтқазылади. Қаламчаларни иссиқ қуёш нурлари таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида туваклар соя жойда сақланади. Қаламчалар парникда ўстирилғанда ҳам юқорида айтиб ўтилған тадбирлар қўлланилади. Қаламча илдиз олиб, тутиб кетгандан сүнг доимий жойга кўчириб ўтқазилади. Қаламча асосан баҳор бошида кўчириб ўтқазилса яхши тутиб кетади.



41- расм. Баргли қаламча.

## Пархиш қилиш усули билан күпайтириш

Ток, анор, анжир, атиргул, тол ва бошқа дарахтлар-нинг илдиз бўғизи ёнидан ўсиб чиққан новдаси асосий танадан ажратмай эгиб, ерга кўмиб қўйилади (42-расм).

Илдиз олишни тезлатиш мақсадида поянинг тупроққа кўмилган жойидаги пўстлоқни бир неча жойидан пичоқ билан кесиб каллус (органик моддалар тўпланган шиш) ҳосил қилинади ва ундан илдиз тез ўсиб чиқади. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг тупроққа кўмилган новданинг



42-расм. Пархиш усулида кўпайтириш тартиби.

бир неча жойидан илдизлар пайдо бўлади, илдиз отган новдадан юқорига қараб поя ҳам ўсиб чиқади. Ер бетига чиққан поя ва илдизлар яхши ривожлангандан кейин ерга кўмилган новда асосий ўсимлик танасидан кесиб ажратилади. Сўнгра бу ўсиб чиққан янги поя мустақил равишда ўсиб ривожланаверади.

## Пайвандлаш

Ўсимликларни янги навларини яратиш, экилиб келинаётган навларни тез етилтириш мақсадида пайвандлаш усули қўлланилади. Пайвандлашда қуйидаги асосий масалалар талаб қилинади:

1) Ботаникавий келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ўсимликларгина пайванд қўйиниши мумкин. (Масалан, олчани гиолосга, шафтолини олхўрига ва ҳ. к.)

2) Пайвандтаг (подвой) билан пайвандустни (привойни) бир хил йўғонликда олиб бир хилда кесиш керак ёки ҳар хил йўғонликда бўлса уларни пўстлоғидаги кесик жойлар бир-бирига тенг қилиб ёпишиб туриши зарур.

3) Пайвандлаш муддати озуқавий моддаларни ўсимлик пўстлоқларида ҳаракат қилиб турган даврига тўғри келиши керак.

4) Пайванд қилинган жой юмшоқ нарсалар (пўстлоқ, чипта, изолента, лейкопластир ва бошқалар) билан яхшилаб ҳаво кириб қуриб қолмайдиган қилиб бойлаб қўйилиши ҳамда боф елими (малҳами) билан суркаб қўйилиши керак. Пайвандлар ушлаб қолганидан сўнг бу бойламларни олиб қўйилади. (Боф елимини тайёрлаш учун 4 қисм канифолга 2 қисм мум ва бир қисм кунгабоқар ёки қўшиб ёки бир қисм мумга бир қисм солидол қўшиб қайнатиш керак.)

5) Пайванддан тез ҳосил олиш учун пайвандтакка нисбатан, пайвандустни юқорироқ (ривожланиш жиҳатидан каттароқ) жойидан олиш тавсия қилинади.

6) Пайвандни яхши тутиши учун пайвандчи қўлини пайванд қилишдан олдин яхшилаб ювиши, пайванд пичноғи ўткир ва тоза бўлиши, пайвандтаг ва пайвандустлар яхшилаб танланган ва тоза бўлиши керак.

Пайванд қилиш усулларига қараб пайвандлар бир неча хилга бўлинади. Шулардан қўйидагиларини кўрамиз.

1) Қаламча (копулировка) пайванд.

2) Искана пайванд.

3) Куртак пайванд.

**Қаламча пайванд.**


Асобоб ва реактивлар: пайвандтаг ва пайвандустлар учун ўсимликни янги ёш новдалари, боф арраси, секатор (боф қайчиси), пайванд қиладиган пичноқ, чархлаш тоши, латта, тос, чипта, изолента ёки лейкопластир, боф малҳами, бинт ва йод эритмаси.

Бу хилдаги қаламча пайванд қилиш учун пайвандтаг ва пайвандустни йўғонлиги бир-бирига тенг бўлган новдалари ишлатилади. Бу новдаларнинг уланадиган учлари қия қилиб кесилади ва пайвандуст пайвандтакка (43-расмда) кўрсатилганидек маҳкам (жипс) жойлаштириб, чипта ёки бошқа хилдаги бойлағичлар билан яхшилаб бойлаб қўйилади. Бойланган жойга боф елими суркалади.


## **Искана пайванд**

Бунинг учун пайвандтаг мақсадида ишлатиладиган новда ёки поя ер бети ёки асосий танадан бирмунча узоқликдаги жойидан қирқиб ташланади ва пояни қолган қисми тахминан 10—20 см узунликда ўртасидан ёрилади. Сўнгра бу пайвандтаг ёриғига пайвандуст учун олинган

новдадан 44- расмда күрсатылғаныдек, қия қилиб кесилген 2 та қаламчани қўйиб зич қилиб жойлаштирилади, пўстлоқларини пайвандтакни пўстлоғига тенг қилиб ўрнатиласи ва бу жойни чипта ёки бошқа хил бойлағичлар билан маҳкам боғлаб қўйилади.



43- расм. Қаламчалар — (пайвандустлар) ни тайёrlаш турлари.



44- расм. Искана пайванд қилишда пайвандтаг ва пайвандустларни тайёrlаш усули.

Ўралган ва пайвандтагнинг очиқ қолган жойларига боғ малҳами суркаб қўйилса қаламчанинг тутиши янада яхшироқ бўлади.

## Куртак пайванд


Бунинг учун барвақт тайёрлаб қўйилган қаламчадаги куртак бир оз пўстлоғи ва озгина ёғоч қавати билан эҳтиёт қилиб кесиб олинади. Пайвандтагнинг куртак ула-надиган жойидаги пўстлоғи эса расмдаги «Т» ҳарфи шаклида тилинади.

Пайвандланадиган куртакли пўстлоқ ичидаги ёғочлик қаватидан тозаланиб пайвандтагнинг «Т» шаклида ти-линган жойига ўрнатилади ва чипта ёки бошқа бойла-ничлар билан маҳкам боғлаб қўйилади (45-расм).

## ЎСИМЛИҚНИНГ ҲАРАҚАТЛАНИШ ҲОДИСАЛАРИ

20- машғулот. Ўсимликларда геотропизм ҳаракати.

Асбоб ва реактивлар: 3—5 л ҳажмдаги шиша банка, банкани ёпиш учун ойна, квадрат шаклдаги ойна пластинка, юмшоқ қора қофоз, пахта, зифир, бодринг ёки бошқа ўсимлик уруғлари, фильтр қофози, термостат.




45-расм. Куртак пайванд — окулировка.

Ўсимликларда бир томонлама таъсир этувчи факторга жавобан ҳосил бўлган ҳаракат турларига тропизм ҳаракатлари дейилади.

Агар ўсимлик ёки унинг айрим органлари таъсир этувчи фактор томонунга яқинлашиб ҳаракатланса, мусбат тропизм, аксинча, яъни ундан узоқлашиб ҳаракатланса, манфий тропизм ҳаракати дейилади. Бу тажрибада илдизнинг ерни тортиш кучига нисбатан мусбат, поянинг эса манфий ҳаракатланиши кузатилади.

*Ишининг бориши.* Бу тажрибани ўтказиш учун квадрат қилиб кесилган ойна пластинкасининг устига фильтр қофози ўралади. Сўнгра унга 5—6 та унган ўсимлик уруғининг илдизини тўғрилаб, тўғнағич ёрдамида фильтр қофозига бириктириб қўйилади. Шу тартибда уруғлар банкага вертикал ҳолда жойлаштирилади. Банкадаги уруғга сув қуйиб, оғзи ойна билан ёпилади. Илдизнинг ўсишига қулай температура яратиш учун уруғ жойланган банка термостатга қўйилади. Шу тартибда ўсиб чиқсан илдизнинг узунлиги 5—10 мм га етгандан кейин илдизнинг юқориги поясини пастга қаратиб, пластинкани 180° айлантириб қўйилади. Орадан 1—2 кун ўтгач, тажрибада юз берган ўзгаришларнинг расми чизилади. Бу тажрибага асосан поя ҳаракатланишининг манфий геотропизм, илдизнинг эса мусбат геотропизм ҳаракат қилгани аниқланади.




46-расм. Дуккакли ўсимлик илдизининг нам камерада геотропик ҳаракати;

А — бошлангич горизонтал ҳолати;  
Б — 7 соатдан кейин; В — 24 соатдан кейин.

## 21-машгулот. Ўсимликларда гидротропизм ҳаракати

Асобоб ва реактивлар:  $10 \times 7 \times 5$  см ўлчамдаги торф бўлакчаси, каноп ип, 3—5 л ҳажмдаги шиша банка, икки бўлак ойна, пахта, зифир, бодринг ёки бошқа ўсимлик уруғлари, тўғнағич.



47-расм. Илдизнинг гидротропизм ҳаракатланиши. Пастга қараб ўсиш ўрнига, нам идиш деворига ёпишиб, ёглиб ўсмоқда.

## 22-машғулот. Ўсимликнинг настик ҳаракатланишини кузатиш

Настик ҳаракатланишлар ичida кўпчиликни ўзига жалб этувчи энг қизиқарлиси сейсмонастик ҳаракатлашишdir. Бу ҳаракат тебранишларга ва силкинишларга нисбатан ўсимликларнинг жавоб реакцияси натижасида вужудга келади.

*Ишнинг бориши.* Ўсимликлар ичida уятchan мимоза шундай сейсмонастик ҳаракатланиш хусусиятига эга. Буни кўриш учун шу ўсимликка қўл тегизиб озгина тебратилса, унинг барвлари

Ўсимлик илдизининг намлик бўлган томонга қараб эгилиб ўсиши гидротропизм ҳаракатланиши дейлади.

*Ишнинг бориши.* Илдизнинг гидротропизм ҳаракатини аниқлаш учун кубча шаклида кесилган торфни олиб, уни ойна бўлакчасига каноп ип ёрдамида боғланади. Сўнгра унга бир нечта унган ўсимлик уруғи тўғнағич ёрдамида бириктирилади. Торф бўлакчаси боғланган ойна аста-секин шиша банкадаги сув ичига туширилади. Бунда торфнинг бир қисми банкадаги сувга ботиб туриши, ўсимлик уруғи эса сувдан юқорида туриши керак. Шиша банка ичидаги ҳаво қурӯқ бўлса, ўсимлик илдизлари ерни тортиш кучини енгиб пастга қараб ўсиш ўрнига, нам томонга эгилиб ўсиб, торфга ёпишиб олади (47-расмга ўхшаш). Агар шиша банка оғзи ёпиб қўйилса, ҳаво нам бўлиб, илдиз пастга томон ўса бошлайди.



48-расм. Уятchan мимоза. (Ўсимликнинг чап томонида — нормал ҳолатда ўсиб турган барвлар, ўнг томонида — тебраниш натижасида осилиб қолган барвлар.)

осилиб тушиб йиғилиб қолади. Агар ўсимликнинг бутун организми тебратилса тезда ҳамма барглари осилиб қолади. Маълум вақтдан кейин баргларда тургор ҳолати тикланиб, улар яна секин-аста кўтарилиб нормал ҳолатга қайтади (48-расм).

## ЎСИМЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

### 23-машғулот. Тариқ ўсимлигининг фотопериодик ҳолати

Асбоб ва реактивлар: тариқ уруғи, гултувак, қоронғи хона ёки камера.

Ўсимлик ривожланиш процессида ёруғлик стадиясини ўтиши учун ҳар хил кун узунлигини талаб қиласи. Тариқ эса қисқа кунли ўсимликлар группасига киради.

*Ишининг бориши.* Тариқ уруғини қоронғи жойда ундириб, гултувакларга экилади. Сўнгра ўсимлик тупроқдан униб чиққанидан бошлаб 10—12 кун давомида суткада

10 соатли кун (ёруғлик), 14 соатли тун (қоронғилик) билан таъсир этилади. Шундан кейин тажриба даласидаги табиий узун кунда тарбияланувчи контрол тариқ ўсимликлари қаторига қўйилади. Қисқа кунда тарбияланган тариқ ўсимлиги табиий узун кунда ўсган контрол тариқ ўсимлигига нисбатан гулини олдин тўкиб, олдин пишади (49-расм).



49-расм. Қисқа кунли ўсимликлардац тариқ: ўнг томонда — 12 соатлик қисқа кунда, чап томонда — 18 соатлик узун кунда парварин қилинган.  
(Ўсимликлар бир вақтда экилган.)

## Бертрән усулида глюкоза миқдорини аниқлаш, мг

миң	глюкоза	миң	глюкоза	миң	глюкоза	миң	глюкоза
1	2	3	4	5	6	7	8
1,1	0,50	6,0	2,75	10,9	5,20	15,8	7,65
1,2	0,54	6,1	2,80	11,0	5,25	15,9	7,70
1,3	0,59	6,2	2,85	11,1	5,30	16,0	7,75
1,4	0,63	6,3	2,90	11,2	5,35	16,1	7,80
1,5	0,68	6,4	2,95	11,3	5,40	16,2	7,85
1,6	0,72	6,5	3,00	11,4	5,45	16,3	7,90
1,7	0,77	6,6	3,05	11,5	5,50	16,4	7,95
1,8	0,81	6,7	3,10	11,6	5,55	16,5	8,00
1,9	0,83	6,8	3,15	11,7	5,60	16,6	8,05
2,0	0,90	6,9	3,20	11,8	5,65	16,7	8,10
2,1	0,95	7,0	3,25	11,9	5,70	16,8	8,15
2,2	1,00	7,1	3,30	12,0	5,75	16,9	8,20
2,3	1,04	7,2	3,35	12,1	5,80	17,0	8,25
2,4	1,09	7,3	3,40	12,2	5,85	17,1	8,30
2,5	1,13	7,4	3,45	12,3	5,90	17,2	8,35
2,6	1,18	7,5	3,50	12,4	5,95	17,3	8,40
2,7	1,22	7,6	3,55	12,5	6,00	17,4	8,45
2,8	1,27	7,7	3,60	12,6	6,05	17,5	8,50
2,9	1,31	7,8	3,65	12,7	6,10	17,6	8,55
3,0	1,36	7,9	3,70	12,8	6,15	17,7	8,60
3,1	1,40	8,0	3,75	12,9	6,20	17,8	8,65
3,2	1,45	8,1	3,80	13,0	6,25	17,9	8,70
3,3	1,50	8,2	3,85	13,1	6,30	18,0	8,75
3,4	1,54	8,3	3,90	13,2	6,35	18,1	8,80
3,5	1,59	8,4	3,95	13,3	6,40	18,2	8,85
3,6	1,63	8,5	4,00	13,4	6,45	18,3	8,90
3,7	1,68	8,6	4,05	13,5	6,50	18,4	8,95
3,8	1,72	8,7	4,10	13,6	6,55	18,5	9,00
3,9	1,77	8,8	4,15	13,7	6,60	18,6	9,05
4,0	1,81	8,9	4,20	13,8	6,65	18,7	9,10
4,1	1,83	9,0	4,25	13,9	6,70	18,8	9,15
4,2	1,90	9,1	4,30	14,0	6,75	18,9	9,20
4,3	1,95	9,2	4,35	14,1	6,80	19,0	9,25
4,4	2,00	9,3	4,40	14,2	6,85	19,1	9,30
4,5	2,04	9,4	4,45	14,3	6,90	19,2	9,35
4,6	2,09	9,5	4,50	14,4	6,95	19,3	9,40
4,7	2,13	9,6	4,55	14,5	7,00	19,4	9,45
4,8	2,18	9,7	4,60	14,6	7,05	19,5	9,50
4,9	2,22	9,8	4,65	14,7	7,10	19,6	9,55
5,0	2,27	9,9	4,70	14,8	7,15	19,7	9,60
5,1	2,31	10,0	4,75	14,9	7,20	19,8	9,65
5,2	2,36	10,1	4,80	15,0	7,25	19,9	9,70
5,3	2,40	10,2	4,85	15,1	7,30	20,0	9,75
5,4	2,45	10,3	4,90	15,2	7,35	20,1	9,80
5,5	2,50	10,4	4,95	15,3	7,40	20,2	9,85
5,6	2,55	10,5	5,00	15,4	7,45	20,3	9,90

1	2	3	4	5	6	7	8
5,7	2,60	10,6	5,05	15,5	7,50	20,4	9,95
5,8	2,65	10,7	5,10	15,6	7,55	20,5	10,00
5,9	2,70	10,8	5,15	15,7	7,60	20,6	10,05
20,7	10,15	25,0	12,35	29,3	14,52	33,6	16,70
20,8	10,20	25,1	12,40	29,4	14,57	33,7	16,75
20,9	10,25	25,2	12,45	29,5	14,63	33,8	16,80
21,0	10,30	25,3	12,50	29,6	14,68	33,9	16,85
21,1	10,35	25,4	12,55	29,7	14,73	34,0	16,90
21,2	10,40	25,5	12,60	29,8	14,78	34,1	16,95
21,3	10,45	25,6	12,65	29,9	14,84	34,2	17,00
21,4	10,50	25,7	12,70	30,0	14,89	34,3	17,05
21,5	10,55	25,8	12,75	30,1	14,94	34,4	17,10
21,6	10,60	25,9	12,80	30,2	15,00	34,5	17,15
21,7	10,65	26,0	12,85	30,3	15,05	34,6	17,20
21,8	10,70	26,1	12,90	30,4	15,10	34,7	17,25
21,9	10,75	26,2	12,95	30,5	15,15	34,8	17,30
22,0	10,80	26,3	13,00	30,6	15,20	34,9	17,35
22,1	10,85	26,4	13,05	30,7	15,25	35,0	17,40
22,2	10,90	26,5	13,10	30,8	15,30	35,1	17,45
22,3	10,95	26,6	13,15	30,9	15,45	35,2	17,50
22,4	11,00	26,7	13,20	31,0	15,50	35,3	17,55
22,5	11,05	26,8	13,25	31,1	15,55	35,4	17,60
22,6	11,10	26,9	13,30	31,2	15,60	35,5	17,65
22,7	11,15	27,0	13,35	31,3	15,65	35,6	17,70
22,8	11,20	27,1	13,40	31,4	15,70	35,7	17,75
22,9	11,25	27,2	13,45	31,5	15,75	35,8	17,80
23,0	11,30	27,3	13,50	31,6	15,70	35,9	17,85
23,1	11,36	27,4	13,55	31,7	15,80	36,0	17,90
23,2	11,42	27,5	13,60	31,8	15,80	36,1	17,95
23,3	11,47	27,6	13,65	31,9	15,85	36,2	18,00
22,4	11,52	27,7	13,70	32,0	15,90	36,3	18,05
23,5	11,57	27,8	13,75	32,1	15,95	36,4	18,10
23,6	11,63	28,3	13,80	32,2	16,00	36,5	18,15
23,7	11,68	27,9	13,85	32,3	16,05	36,6	18,20
23,8	11,73	28,0	13,90	32,4	16,10	36,7	18,25
23,9	11,78	28,1	13,95	32,5	16,15	36,8	18,30
24,0	11,84	28,2	14,00	32,6	16,20	36,9	18,36
24,1	11,89	28,3	14,05	32,7	16,25	37,0	18,42
24,2	11,94	28,4	14,10	32,8	16,30	37,1	18,47
24,3	12,00	28,5	14,15	32,9	16,35	37,2	18,52
24,4	12,05	28,6	14,21	33,0	16,40	37,3	18,57
24,5	12,10	28,7	14,26	33,1	16,45	37,4	18,63
24,6	12,15	28,9	14,31	33,2	16,50	37,5	18,68
24,7	12,20	29,0	14,36	33,3	16,55	37,6	18,73
24,8	12,25	29,1	14,42	33,4	16,60	37,7	18,78
24,9	12,30	29,2	14,47	33,5	16,65	37,8	18,84
37,9	18,89	42,3	21,15	46,7	23,47	51,1	25,78
38,0	18,94	42,4	21,21	46,8	23,52	51,2	25,84
38,1	19,00	42,5	21,26	46,9	23,57	51,3	25,89

1	2	3	4	5	6	7	8
38,2	19,05	42,6	21,31	47,0	23,63	51,4	25,94
38,3	19,10	42,7	21,36	47,1	23,63	51,5	26,00
38,4	19,15	42,8	21,42	47,2	23,73	51,6	26,05
38,5	19,20	42,9	21,47	47,3	23,78	51,7	26,10
38,6	19,25	43,0	21,52	47,4	23,84	51,8	26,15
38,7	19,30	43,1	21,57	47,5	23,83	51,9	26,21
38,8	19,35	43,2	21,63	47,6	23,94	52,0	26,26
38,9	19,40	43,3	21,63	47,7	24,00	52,1	26,31
39,0	19,45	43,4	21,74	47,8	24,05	52,2	26,36
39,1	19,50	43,5	21,78	47,9	24,10	52,3	26,42
39,2	19,55	43,6	21,84	48,0	24,15	52,4	26,47
39,3	19,60	43,7	21,89	48,1	24,21	52,5	26,52
39,4	19,65	43,8	21,94	48,2	24,26	52,6	26,57
39,5	19,70	43,9	22,00	48,3	24,31	52,7	26,63
39,6	19,75	44,0	22,05	48,4	24,35	52,8	26,68
39,7	19,80	44,1	22,10	48,5	24,42	52,9	26,73
39,8	19,85	44,2	22,15	48,6	24,47	53,0	26,78
39,9	19,90	44,3	22,21	48,7	24,54	53,1	26,84
40,0	19,95	44,4	22,26	48,8	24,57	53,2	26,89
40,1	20,00	44,5	22,31	48,9	24,63	53,3	26,94
40,2	20,05	44,6	22,36	49,0	24,68	53,4	27,00
40,3	20,10	44,7	22,42	49,1	24,73	53,5	27,05
40,4	20,15	44,8	22,47	49,2	24,78	53,6	27,10
40,5	20,21	44,9	22,52	49,3	24,84	53,7	27,15
40,8	20,26	45,0	22,57	49,4	24,89	53,8	27,21
40,7	20,31	45,1	22,63	49,5	24,94	53,9	27,26
40,8	20,36	45,2	22,68	49,6	25,00	54,0	27,31
40,9	20,42	45,3	22,73	49,7	25,05	54,1	27,33
41,0	20,47	45,4	22,78	49,8	25,10	54,2	27,42
41,1	20,52	45,5	22,84	49,9	25,15	54,3	27,47
41,2	20,57	45,6	22,89	50,0	25,21	54,4	27,52
41,3	20,63	45,7	22,94	50,1	25,26	54,5	27,57
41,4	20,68	45,8	23,00	50,2	25,31	54,6	27,63
41,5	20,73	45,9	23,05	50,3	25,36	54,7	27,68
41,6	20,78	46,0	23,10	50,4	25,42	54,8	27,73
41,7	20,84	46,1	23,15	50,5	25,47	54,9	27,78
41,8	20,89	46,2	23,21	50,6	25,52	55,0	27,84
41,9	20,94	46,3	23,26	50,7	25,57	55,1	27,82
42,0	21,00	46,4	23,31	50,8	25,63	55,2	27,94
42,1	21,05	46,5	23,36	50,9	25,68	55,3	28,00
42,2	21,10	46,6	23,42	51,0	25,73		